

БИСМИЛЛОХИР-РАХМОНИР-РАХИМ



Одам салавотуллох алайх хилкати Одамнинг кунияти Булбашардур ва лакаби Сафиюллохдур. Чун иродатуллох анинг хилкатига муктазий бўлди, Жабраилга амр бўлдиким, бир микдор туфрог анинг тийнати тахаммури учун ул ердинки, холо Макка анинг ўрнидадур, келтурсун. Жабраил алайхис-салом бу амрга иштигол кўргузди, бирхол тили била анга онт бердиким, туфрогни мендин олмаким, бўлмагайким, бу махлукдин ношойист амр вужудка келгайким, ул сабабдин мен ҳақ таолонинг мужиби саҳту хитоби бўлгаймен. Жабраил а. с. кайтиб анинг сўзин арз килди эрса, Микойилга ҳукм бўлди. Ул даги ердин ҳам андок онт эшитиб кайтди, эрса, Исрофилга ҳукм бўлди. Ул ҳам ул икининг узри била кайткондин сўнгра Азроилга буйрук бўлдиким, ердин туфрок кетургай. Ер Азроилга онт бергандин сўнгра Азроил айттиким, ҳақ субхона ва таолонинг амри санинг онтингдин юкорирокдур. Бир овуч туфрок ер юзидин олиб, ҳақ таолонинг амри била бихиштга келтуруб, Хазрати Мухаммад саллаллоху алайхи васаламнинг тийнатин тасним суйи била югуруб, борча малоикка арз килдиларким, максуди олам ва одам офаринишидин мунунг хилкатидурким, охируз-замон пайгамбари бўлгусидур. Андин сўнгра Одам а. с. туфрогига кирк кун раҳмат ёмгури ёгдуруб, ўз қудрат илки била таҳмир килдиким, «хаммарту тийнати одама биядайё арабина сабохан» андин хабар берур. Чун инсон қисватин одамга кийдурдилар ҳақ субхонаху ва таоло асмой хуснини анга ўргаттиким ва аллама одамаал асмой куллахо ва малойикайи мукарраб анинг илмига муътариф бўлдилар ва тангри таоло ҳукми била анга сажда килдилар. Иблисдин ўзгаким, ул жиндин эрди фасажадал малоикату куллуҳум ажмаунилло иблиса. Ва иблис кўп тоат килгондин сўнг малоика мартабасига етиб эрди. Чун тангри таоло амридин бўюн тўлгоди, шаковат ва лаънати жовид тавки анинг бўйнига туштиким, «Ва инна алайкал-лаънати ило явмиддин». Одам ва Хаво бихиштда сокин бўлсун деб амр бўлдиким, «ё Одаму, ускун анта ва завжука ал-жанната». Ва Хаво Одам а. с.нинг сўл ёнидин яратилди. Ва баъзи ривоятда андокдурким, Хаво дунёда яратилиб эрди. Хар тақдир била Одамга бугдой емакдин наҳй бўлди. Баъзи узум, баъзи анжир дебдурлар. Иблис Одам жихатидин лаънати абадияга шойиста бўлуб эрди. Бу хусуматдин йилон воситаси била бихиштга кириб, Одам а. с. бугдой емак васвасасин килиб, чун иродатуллох мунга жорий бўлуб эрдиким, олам юзин Одам авлоди туткай. Одам ва Хавони бихиштдин чиқардилар. Ва Хиндистон мулкида бир-биридин айру туштилари. Одам а. с. Маккага келиб, Арафот ёнида Хавога учради. Андин Арафот ул ерга лакаб колди. Андин сўнгра Одам а. с. Каъба уйин ясади. Даги Хиндистон сори азимат килдилар. Ва Жабраил а. с. хубубот келтуруб, Одамга кўш суруб, экин эмак коидасин ўргатти. Ва Хаво Одамдин хар қачон хомила бўлиб эрди, ики фарзанд келтурур эрди: бир ўғул, бир қиз. Бу ўғулга яна бир корнидин келган қизни берурлар эрди ва бу қизни яна бир кориндин келган ўғулга берурлар эрдиким, орада фарк бўлгай. Кобил била тукгон қизни оти Иклимо дебдурлар. Тиладиким, Хобилга бергай. Кобил ўз синглининг хусни жихатидин анга мойил эрди, уномадиким Хобилга бергайлар. Одам икисига қурбон буюрдиким, хар қайсининг қурбони қабул тушса, анга бергай. Хобилнинг

қурбони қабул тушуб, Одам а. с. Иқлимони анга берди. Кобил ҳусумат жихатидин Хобилдек қариндошим, сабури жамол ва маънавий қамол била ораста эрди ва Одам а. с. ани бағоят севар эрди, ҳалок қилиб, Одамни анинг фироқида мубтало қилди. Аввал кишиким, ноҳақ қон қилди Кобил эрди. Чун андин бурун ҳеч қиши ўлукни қўрмайдур эрди. Кобил мутаҳаййир бўлуб, Хобилни қўтариб юрур эрди. Бори таоло ҳукми мунга мутааллиқ бўлдиқим, одамизод майитнинг тадфинин билгай. Ики малақни ики қарга сурати била Кобил қошига йибордиқим, бир-бири била урушуб, бири яна бирин ўлтурди ва қотил қарга ерни тирнаб, минқори била қозиб, мактулни дафн қилди. Кобил дақи бу таълимни олғоч, Хобилни ғўр қазиб, дафн қилдиқим, бори таоло Кобил тилидинқим, «Аъ-жазту ан ақуна мисли ҳазал ғуроби» қаримасин адо қилур. Ва қурбон қилмоқ бу эрдиқим, қўй ўлтуруб, тоғ устида қўярлар эрди. Осмондин ўт тушуб, қайсини қуйдурса эрди, қабул нишонаси ул эрди. Чун Кобилнинг қурбони қуймади, шайтон анга бу навъ бози бердиқим, ўт сендин ранжа бўлубдурқим, қурбонингни қуйдурмади. Ўтқа сажда қилсанг, сендин ҳушнуд бўлур. Кобил дақи ўтқа сажда қилиб, оташпарастиқ расми бунёд бўлди. Чун Одам а. с. Хобил фироқида қўб бетокатиқ қилур эрди, ҳақ таоло Шис а. с. ни Одамга қаромат қилди. Ва Шис а. с. муҳаббати Одамнинг Хобил моамида изтиробин қам қилди, Иқлимони анга ниқоҳ қилиб, ўз ўрнида валиаҳд қилди ва ҳаёт вадиъатин арвоҳ қобизига топшурди. Ва умрин баъзи минг йил ва баъзи тўқуз юз ўтуз йил дебдурлар. Ва Одам а. с. сўнгра баъзи уқ, баъзи ети қундин сўнгра Хавога ажал етти. Мадфанларида ҳам ихтилоф бор. Аммо мавлоно шарафул милла ваддин Али Яздий «Зафарнома» муқаддимасида айтибдурқим, Одам а. с. ни Шис ғусл бериб, намоз қилди ва Хиндистонда дафн қилди. Хаво ҳам Одам а. с. ёнида мадфун бўлди. Аммо Нух а. с. қамонидақим тўфон бўлди, Нух аларнинг муборақ жасадларин қемада асраб, тўфондин сўнгра Абул Қайс тоғида ва баъзи дебдурларқим, Байтул-муқаддасда дафн қилди. Ва Одам а. с.нинг Хобилга марсияси бор.

Р у б о и й:

Одамники, ҳақ лутф ила мавжуд этти,
Мажмуъи мулк ҳайлига масжуд этти.
Охир танидин руҳни манқуд этти,
Ул навъқи, нобуд эди, нобуд этти.

Шис а. с. – Одамдин сўнгра анинг ўрнида ўлтуруб, анинг авлодига муҳофаза қаролади. Ва бори таоло Шисга нубувват қаромат қилди ва анга саҳифа нозил бўлди. Ва Қаъба биносин тош ва ғач била Шис а. с. иморат қилди. Ва Кобил авлодиқим, қуфр ва инод аҳли бўлуб, оташпарастиққа машғул эрдилар, қолин бўлуб, Одам авлодига зарарлар теғар эрди. Шис а. с. чун бағоят қалир ва шужоъ эрди, алар устига сипоҳ тортиб, фасодларин дафъ қилиб, алар берқ тоғларда масқан қилиб, мустаъсал ва қаришон бўлдилар. Ва Шис а. с. Бобилда Сус шаҳрин бино қилди. Ва ети ўғли бор эрди. Чун нубувватидин қирқ беш йил ўтти, ўғлонларига Кобил авлодининг ҳарб ва дафъин васият қилди. Анушқим, улугроқ эрди, ўз ўрнида валиаҳд қилиб, оламга видоъ этти. Ва ани Одам а. с. ёнида дафн қилдилар. Ва ёши тўқуз юз ўн ики йилга етти.

Р у б о и й:

Гар Шис ва гар Кобил эрур, гар Хобил,
Ёшлари агар юз йил эрур, гар минг йил,
Бир неча кун этсалар жахонда таътил,
Охир бориға ажал буюрур таъжил.

Ануш пайгамбар эмас эрди, аммо валоятдин насиби бор эрди. Ва одил ва сахий киши эрди. Атбоъ ва авлодин Одам динига даъват килди ва аввал кишиким, хурмо йигочи экти, ул эрди. Ва аввал кишиким, садака расми пайдо килди, ул эрди. Ул сабабдинким, анинг замонида рафохийят кўп бўлди. Ва онча кўй ва ўй ва сойир бахоним пайдо бўлдиким, ҳеч ҳисобин билмас эрди. Ул буюрдиким, чун ҳақ таоло ҳисобдин ортук мол каромат килибдур, ҳақ мингдин бирин айириб, мухтожларға беринг.

Ва тарихи Жаъфарийда битибдурким, анинг замонида Сувод мулкида бир аждаҳо пайдо бўлуб, ҳалойикка кўб нуксонлар еткурди. Ануш бориб, ул аждаҳони Одам а. с. бихиштдин чикаргон асо била ўлтурди. Дедиларким, Мусо а. с.ға теккон ҳамул асодур. Анинг замонида жин хайли одамизод орасига кириб, зарар еткурур эрди. Ва анинг ўн ики фарзанди бор эрди. Кинон улугрок эрди, ани валиаҳд килиб, вафот килди. Ани оталари ёнида дафн килдилар. Ва умрида ихтилофдур. Жаъфарийда уч юз йил дебдурлар, аммо ўзга таворихда тўқуз юз олтмиш беш йил дебдурлар.

Б а й т:

Минг йил доғи сурса эри давронни Ануш,
Ҳама айлағуси эди ажал жомини нўш.

Кинон бинни Ануш чун отаси ўрниға ўлтурди, баъзи Сусни, баъзи Бобилни дебдурларким, ул иморат килди, вале муттафикдурларким, халқдин юзар-юзар киши айириб буюрдиким, кентлар, ҳисорлар ясадилар. Чун Киноннинг ёши тўқуз юз йилға етти, Махлойилким, улугрок ўғли эрди, валиаҳд килиб, оламдин ўтти.

Махлойил бинни Кинон оталари дорул-мулкидин Рум мулкиға борди ва Шис а. с. авлодини ўзи била элтти ва сойир атбоъин олам мулкида пароканда килди. Анинг замонида кўп ерда эл зохир бўлдилар. Умри секиз юз олтмиш бешға еткондин сўнг, Язидни валиаҳд килиб, оламдин ўтти.

Язид бинни Махлойил. Дерларким, Язид бағоят зеборўй ва писандидахўй эрди. Кушлар эти ва болиғ эти емакка ул мухтариъ бўлди. Ва ариғлар козиб, сув чикорди ва кўп никоҳ килур эрди. Анға кирк ўғул пайдо бўлди. Боридин кичикрок Ахнух эрдикӣ, ани Идрис дебдурлар. Умри тўқуз юз олтмиш икиға етконда, Идрис а. с. ни валиаҳд килиб, охират сафарига озим бўлди ва аждоди ёнида дафн килдилар.

Идрис а. с. сурёний пайгамбардур. Отаси Язид замонида бутпарастлик шойъе бўлди. Анға ваҳй келдиким, ул элға бутпарастликдин манъ килгай. Черик тортиб, кўп жиход килиб, Кобил авлодинким, бутпарастлик килур эрдилар, катл ва асир килиб, газв ва жиход коидасин ул ароға кюрди. Ва ани халқ мусалласун-наъма дейдиларким, учунчи пайгамбар ва учунчи ҳақим ва учунчи подшоҳ эрди. Юнон аҳли акидаси будурким, Хурмис ҳақим улдур. Ҳат ва нуҷум илмини ул пайдо килди ва киймак ва емак андин колди. Ҳақ таоло анинг учун ўтуз саҳифа нозил килди. Ва анинг замонидин Нух а.с. замонигача тўрт юз ўтуз тўрт йилдур. Олтмиш беш ёшида Матушлах мутаваллид бўлди. Ва Идрис а. с.нинг мавтин киши кўрмайдур. Ҳама шаръ аҳли қошида, ҳама тарих аҳли олида акида будурким, ул тирикдур ва бихиштдадурким, каломи олиҳи ондин ҳаба

берурким, «варафаъноху ма-конан алийан». Ва бу киссанинг шархин мабсутрок кутубдин маълум килса бўлур. Ва ани янбуъул-хаёт дебдурлар. Умри уч юз олтимиш бешга етконда ани малоика осмонга рафъ килдилар. Ва борурда ўгли Матушлахни валиахд килди. Ва ани Идрис дарс кўп айтурдин дебдурларким, ниҳоятдин кўпрак шогирди бор эрди. Ва анинг замонида мазкур бўлгон улум шойеъ бўлди.

Чу Идрис оламда бўлди муким,
Расул эрдию, подшоҳу ҳаким.
Агарчи анга бўлди учмок макон,
Жаҳон ичра худ колмади жовидон.

Матушлах бинни Ахнух. Анинг авлоди колин бўлди. Ва дерларким, от анинг даврида кўп бўлди. Доно киши эрди. Доим авлодига черик бошлатиб, Кобил авлоди устига йиборур эрди ва аларни мактум килур эрди. Собеъ анинг ўгли эрдиким, холо бир машхур музаҳхиблари бор. Ёши тўқуз юз сексонга етти. Баъзи мингдин ҳам ортук дебдурлар. Окибат Малик Мулкоким ўгли эрди, валиахд килди. Аммо Малик Матушлахдин бурунрок ўтти ва Малик юз етмиш яшагонда оламга видоъ килди. Ва Матушлах андин сўнгра ўгли кейнига азимат килди.

Гар Матушлах ва гар Малик ўлсун вар Нух,
Ичмак керак албатта фано жомидин сабух.

Нух бинни Малик бинни Матушлах бинни Идрис пайгамбари мурсалдур ва Бахиюллох анинг лакабидур. Баъзи кирк ёштин сўнгра, баъзи эллик ёштин сўнгра дебдурларки, анга ваҳй нозил бўлди. Ва анинг замонида олам ҳалойики бутпараст бўлуб эрдилар Тўқуз юз эллик йил элни ўз динига даъват килди. Сексон кишидин ортук кабул килмадилар. Куффордин анга изолар тегар эрди. Ул сўз айтса, эшитмоли деб кулоғларин тутар эрдилар. Хаддин ўткондин сўнг, Нух дуо килди: «Рабби лотазарни алал арзи минал кафирина даййоро» дуоси мустаҷоб бўлди. Жабраил а. с. бир дона келтуруб буюрдиким, ани Нух а. с. экти ва ул етқоч йигочи бўлди. Неҳа йилдин сўнгра ул йигоч улғойди. Амр бўлдиким, ани кесиб, кема ясагай. Ул кеманинг тули уч юз қари ва арзи ва умки анга кўра. Дебдурларким, кема тугангондин сўнгра, ҳақ таоло тўфон ошқор килди. Андоқким, ҳам осмондин ёғар эрди, ҳам ердин сув қайнаб чиқар эрди. Ривоят мундоқдурким, сув аввал Нух а. с. тануридин қайнаб чиқти. Алқисса, олти ойгача хол бу эрди, то тамом оламини сув тутти. Ва Нух аввал имон келтургон сексон киши била кемага кириб, уч ўгли дағи кемага кириб, чун кема уч табақа эрди, бир табақада вухуш юз баҳойим ва сибоъ кириб, яна бир табақада башар кириб, кема ердин кўтарилиб, андоқ бўлдиким, сув тоғлардин кирк қари ўтти. Дерларки, Нух а. с. кемаси ҳақ таоло амри била ики котла машрикдин мағрибқа ва яна бир котла мағрибдин машрикка борди. Чун тамом оламда кема ичидағи махлукотдин ўзга ҳеч махлук колмади, борча ҳалок бўлдилар. Тўфон таскин топти ва сув озла бошлади. Ва Нух а. с. кемаси Мўсулда Жуди тоғи устида қарор тутти. Ва Нух а. с. муҳаррам ойининг ўнида кемадин чиқиб, ҳамул ерда таскин тутуб, ул эл била бир кент ясадилар. Ва Нух а. с. умри минг олти юз йил бўлгондин сўнг оламдин ўтти. Ва ривоят будурким, Одам замонидин Нух а. с. замониғача ики минг беш юз йилдур ва Нух давридин Иброҳим Халил салавотуррахмон алайх давриғача минг беш юз йил ва - Иброҳим а. с. аҳидин Мусо а. с. аҳдиғача тўрт юз

олтмиш йил ва Мусо а. с. чоғидин Исо а. с. чоғигача минг тўғуз юз ўтуз йил ва Исо а. с. айёмидин Хазрат Рисолат с. а. в. фархунда айёмигача юз сексон йил воқеъдур. Олам ахли аксари Нух наслидиндур. Бу жихатдин ани икинчи Одам дебдурлар. Ва анинг тўрт ўғли бор эрди: Ёфас ва Сом ва Хом ва Канъон. Ва бу Канъон кофир эрдиким, Нух а. с.га имон келтурмади ва тўфонда халок бўлдиким, «иннаху лайса мин ахлика» анинг шаънида нозил бўлди. Ривоят будурким, Нух а. с. кемадин чиккондин сўнг, ул сексон киши андок халок бўлдиларким, алар наслидин киши колмади. Нух а. с. Турон ва Хўтанни Ёфаска берди ва Эронни Сомга ва Хиндистонни Хомга. Бу мазкур бўлгон мамолик ахли бу уч кишининг наслидиндурлар. Бу жихатдин Ёфасни Абул-Турк ва Сомни Абул-Ажам ва Хомни Абул-Хинд дебдурлар. Ва Хомнинг ранги каро эрдиким, хинд ахли каро воқеъдурлар. Ва анинг жихати бу эрди. Дебдурларким, Нух а. с. ўюб эрди ва аврат узви очилиб эрди, Хом кўруб кулди. Ва Ёфас ва Сом манъ килиб ёптилар. Нух а. с. уйғониб маълум килиб, Хомни ёмон дуо килди. Ул жихатдин ранги каро бўлуб, пайгамбарлик анинг наслидин мункатиъ бўлди. Ва Нух а. с. кемага кирарда, Одам а. с. сўнгокин мадфанидин чикориб, кемага киюруб эрди, кемадин чикконда, баъзи дебдурлар Мадян ерида, баъзи дерлар Нажафда дафн килди.

Ёфасни пайгамбари мурсал дебдурлар. Ва ани ети ўғли бор эрди: Бука, Хизр, Суклоб, Рус, Бик, Чин, Камо. Баъзи секиз ўғул дебдурлар ва секизинчи Торах дебдурлар. Ва Искандар Зулкарнайн Ёфаснинг тўртинчи ўғлидур Рус наслидин.

Чун Ёфас Хито мулкида мутамаккин бўлди, бу ўғлонларига хар ерники берди, ул ерни ул ўғли оти била атадилар. Чун бу тарихки битиладур, хотирда андокдурким, Султони сохибкирон холот ва ансоби мазкур бўлғай, иншо аллох таоло ул Ёфас тарихига мавкуфдур. Чун бўлгусидур мунча била ихтисор килилди.

Сомни ҳам баъзми пайгамбари мурсал дебдурлар ва кўпрак анбиё. Ва Эрон мулуки анинг наслидиндурлар.

Ва анинг олти ўғли бор эрди. Баъзи тўғуз ўғул ҳам дебдурлар. Каюмарсни ҳам анинг авлодидин тутубдурлар. Арфахшад анинг наслидиндур. Тўртинчи, Басти Кахитон Колеъга етишурким, ибри Колеъ наслидиндур. Арабнинг кўпи Кахитон наслидиндурлар. Кахитондин учунчи пушт Сибога етарким, аъробдин Хамандий ва Вахмий ва Оъмирий ва Казоъий ва Ашъарий ва Оздий ва Тоий Сибо наслидиндур. Ва Сомнинг икинчи ўғли Олимдурким, Хуросон ва Мисол анинг ўғлонларидурлар. Ирок Хуросон ўғлидур. Ва Кирмон ва Макрон Мисол ўғлонлари. Ва учунчи ўғли Асва-дурким, Ахвоз ва Пахлу анинг ўғлонларидур. Ва Форс Пахлунинг ўғлидур. Ва тўртинчи ўғли Будаздурким, Озарбайжон ва Арон ва Арман ва Фаръон анинг ўғлонларидурлар. Ва бешинчи ўғли Овадурким, Од ва Самуд кавми анинг наслидиндурлар. Ва олтинчи ўғли Сағрдурким, Шом ва Рум анинг ўғлонларидурлар.

Хомни ҳам баъзи пайгамбар дебдурлар. Аммо чун Нух а. с. анга Хинд мамоликин мукаррар килиб, ул навохийга юборди, Хомнинг авлоди ул васиъ мулкда ёйилдилар. Ва анинг тўғуз ўғли бор эрди: Хинд, Синд, Нуба, Канъон, Куш, Кибт, Барбар, Рих, Хабаш. Ва бу тўғуз кишининг авлоди кўп бўлди ва ароларида ўн секиз лугат пайдо бўлдиким, бири яна бирининг лугатин яхши англамаслар эрди. Баъзи дебдурларким, бу жихатдин хар лугат ахли бир мулкка мутафаррик бўлдилар. Аммо асли будурким, Хом авлодига ул иклимдаги мамоликни бериб узатти, анда аларнинг табаъи кўп бўлди, Алфозлари мутанаввеъ бўлуб, Бухтуннаср ва Намруд икаласин дерларким, Хомнинг Куш отлиг ўғли наслидиндурлар. Бу тарихни мутолаа килур маходим арзига еткурулурким, таворихики битибдурлар, бу мавзуъдин паришонрок ер йўктур. Асру кўп мухталиф ақвол бу ерда

мазкурдурким, битмоки ўхур элга мужиби тараддуд бўлур. Ул жихатдин баъзи муътабар кутубдин ушмунча сўз била ихтисор килилди.

Худ а. с. Тарих ахли баъзи дебдурларким, Нух замонидан Иброхим салавоттуллох алайх замонигачакимининг ики юз йил бўлгай, Худ била Солих а. с. дин ўзга пайгамбари мабъус бўлмади. Ва Худ а.с.нинг нисбатининг мундоқ дебдуларким, ул Абдуллох бинни Рамох бинни Хорис бинни Хорут бинни Аваз бинни Эрам бинни Сом бинни Нухнинг ўғлидур. Ва аксар кутубда ани Обир бинни Солих бинни Арфахшод бинни Сом бинни Нух дебдурлар. Они Хак субхона ва таоло Од кавмига йиборди. Ва ул кавм бағоят бийик бўйлуғ ва азим кучлук халқ эрдилар ва аларнинг ойини бутпарастлиғ эрди. Ишлари кўп нима емак ва фиск эрди. Худ а. с. эллик йил аларни имонга даъват қилди. Алар гафлат ва жабборлиғдин анинг сўзин эсламадилар, ўз ноҳамворлиғларидин тажовуз қилдилар, магар қалилким, иймон шарафига мушарраф бўлуб, иймонларин ул кавм ваҳмидин маҳфий тутарлар эрди. Худ а. с. алар ишидин ожиз бўлуб, балки навмид бўлгондин сўнгра, алар бобида ёмон дуо қилди. Ва ул дуо мустажоб бўлди, Тенгри таоло аларни қахат балосига мубтало қилди. Ул навъким ети йил ёгин ёғмади. Доғи рудхона ва булоглар қуруди. Ул чоғда маъхуд бу эрдиким, ёмғур ёғмаса, Макка ҳарамига бориб, қурбон қилиб, ҳақ таолодин ёгин истидъо қилур эрдилар. Лукмон бинни Одни неча қиши била ул кавм ёмғур дуоси учун Маккага юбордилар. Ва Лукмон ҳам ёшурун иймон қелтуруб эрди, аммо ароларида баъзи кофир эрди. Алар дуо қилғоч, уч пора булут пайдо бўлди: бирининг ранги оқ ва бирининг ранги қизил, бирининг ранги қаро. Доғи осмондин ун қелдиким, Од кавмига қойси булут қерак? Лукмоннинг ул рафиқиким кофир эрди, бу тамаъ билаким, қаро булут сувлук бўлур, қаро булутни кавми учун тилади. Тенгри таоло анинг истидъоси била муродин берди. Ва ул сарсари эрдиким, ани рихул аким дебдурлар, Од кавмига етти кеча ва секиз кун эсти. Андоқким, иморатларин йикти ва йиғочларни қўнғорди. Ул кавмким ўз қучларига мағрур эрдилар, хошқдек совуруб, тоғ ва тошга уруб, борисин ҳалок қилди. Ва бу ҳол шаввол ойида бардул-ажуз вақтида эрди.

Худ а. с.нинг умрида ихтилофдур. Аммо «Соҳиби гузида» – қуффор дафъидин сўнгра, эллик йил тирик бўлубдур, юз эллик яшагондин сўнгра, оламга видоъ қилди. Ибрий тил била они Обир дебдурлар. Ибрий Обирдин муштакдур. Араб Худ деди. Яъни, Банийул-лохдир. Муъжизоти қўптур. Ул жумладин бири Од кавмининг дафъи эрди.

Р у б о и й:

Ул кавми азим дедилар они Од,
Сардорлари Шаҳид ёхуд Шаҳдод.
Бир дам елидин оқибат ул ахли инод,
Хошқ қаби борчаси бўлди барбод.

Солих а. с. Они ҳақ субхона ва таоло Худ а. с. дин сўнгра Самуд кавмига мабъус қилиб йиборди ва Самуд кавми Одийлардин бурун Хижардаким, Хижоз ва Шомнинг орасидадур, муқим эрдилар ва Од кавмининг заволидин сўнгра Самуд кавми аларнинг мулкига бориб, бузулгон иморатларин ясаб, салтанат маснадида ўлтурдилар. Ва Тенгри таоло аларга онча мол ва жоҳу фароғат насиб қилдиким, ҳадду ҳасрдин ўтти. Бу жихатдин гурур димоғларига йўл топиб, жаҳл ва гафлатдин гумроҳ бўлуб, ҳақ таоло амр ва наҳйидин бўюн тўлғоб, бутпарастлик ихтиёр қилдилар. Ва азим фиску фужурга иштиғол қўргуздилар. Аларнинг ҳидоят танбеҳи учун Солих а. с. мабъус бўлди. Ул

кавми туз йўлга далолат килиб, ҳеч ким қабул қилмади. Кўп муддат ул ҳазрат насойих ва мавоиз ва ваъду ваъид кўргузди. Оз киши алардин анинг динига майл қилдилар. Аммо Солих а. с. тангри таоло ҳукми била алар даъватидин илик тортмас эрди. Алар ожиз бўлгондин сўнгра, Солихдин ғариб муъжиза тиладиларким, хора тошдин дуо қилиб, бир бўталиғ тева чикоргил. Солих а. с. дуо қилиб, ҳақ таоло ул тошни шак қилиб, тева бўтаси била тош аросидин чикти. Бовужуди мундок ҳол ул гумроҳлар нубувватиға муътариф бўлмадилар ва Солих а. с. теvasи ўтуз йилгача мавжуд эрди. Окибат Самуд кавми ул теvasи неча киши йибориб ўлтурттилар ва бўтаси қочиб тоғ сори юзланди. Солих а. с. ул кавмға айттиким, бу бебокликким сиздин воқеъ бўлди, ҳақ таолодин мунинг интикоми сизға бу бўлгусидурким, уч кунгача бир кун юзларингиз сориг бўлгусидур, икинчи кун тийраликка мойил бўлуб, учунчи кун тамом қораргусидур, деб уйига юзлонди. Нокани ўлтургон бадбахтлар Солих а. с.ни доғи ўлтурур қасди қилиб, Солих а. с.нинг уммати айттиларким, ул бир сўз айтадурким, анинг мавъиди йирок эрмас, тонглагача таҳаммул қилинг, осори зохир бўлса, ҳарне қилсангиз билурсиз. Бу сўз аларға маъқул кўрунуб қойттилар. Аммо Солих а. с. деган йўсун била уч кунда уч аломат зохир бўлур. Ва ул кавмға ҳолате зохир бўлдиким, ўзларин изтироб бирла ерга урарлар эрди, ногоҳ Малакут оламидин бир маҳобатлик ун қелдиким, борчалари ҳалок бўлдилар. Баъзи қутубда мундок дебдурларким, бир заифақим, оти Вазиъа эрди ва аёғ-илки мафлук ва Солих а. с.ға доим тил текурур эрди, ўлмай қолди ва тани дуруст бўлуб, ул диёрдин водиёул-қарияға қелди ва ҳалойикка ҳақ субҳона ва таолонинг қаххорлиғ баҳри мавжға тушуб, Самуд кавмини қасод ва макони эгримида қарқ қилгон ерга етиб, сув тилаб иқкондин сўнгра, ҳамул қирдоққа чўмди. Ривоятдурки, ул кавмдин Абузўол отлиғ бир киши Макка қарамиди тирик қолди. Қарамдин қикқоч, ўлди ва анинг бир шох олтуни бор эрди, ҳамул олтуни била дафн қилдилар. Нега минг йилдин сўнгра ҳазрат Рисолат а. с. қамонида ул ҳазрат ул ердин ўтар эрдиким, асқобқа айттиким, бу ер Абузўолнинг мадқанидур. Ва Солих набий ва Самуд кавмин қиссасини айтти ва ул шох олтунидин ҳам ҳабар берди. Асқоб ул ерни шак қилиб, олтуни мавжуд эди, олдилар. Солих а. с.нинг умри икки юз сексон йилға етти. Шарияти Нух а. с. шарияти эрди. Ва мадқани қарам қанида Дорун-надвада, баъзи Руқн била Мақом орасида ҳам дебдурлар.

Р у б о и й:

Солих қелди Самуднинг кавми қоғи,
Толих эдилар бу кавм боштин аёғи.
Бу турқақи, қарх қолининг ўйнамоғи,
Толихни доғи қўймади, Солихни доғи.

Қантила қинни Сафвон Қахр қинни Қахитон ўғлидур. Они Тенгри таоло Асқобур-қасқаким, Қаломуллоҳда маққурдур, йиборди. Ва Қас подшоҳе эрди Самуд наслидин. Магриб қаминда ул қздонқараст эрди. Охиратул-умр ва вусъат салтанатдин диқоғиға қурур юзланди, Тенгрилик даъвоси қилди. Анинг қамонида эронлар ливота қилиб, бақойим била қамъ бўлур эрди. Ва хотунлар қарм ва теридин олат қасб, ўзлариға истиъмол қилурлар эрди. Ва ҳоло қўёқи бу навъ зуақони қас ҳам дерлар. Ва баъзи ўзларини бир-бириға суртуб тасқин берурлар эрдиким, аларни саътарий ҳам дерлар. Қантила ул кавми бу афъолдин манъ қилди ва ҳақ таоло убудиятиға даъват қилди, қабул қилмадилар. Қаддин ўтқондин сўнгра дуо қилдиқим, аларнинг сувларин

курутти ва алар Хантила дуосидин билиб, анинг касдига черик тортиб, ул доғи атбоин йигиб, Тенгри таоло ҳукми била Раска ўтру юруди. Рас черики бир ўқким Хантила сори оттилар, ҳақ таоло кудратидин ул ўқ ёниб, откан кишига тегиб, ани ҳалок килди. Чун ул ботил сипоҳ ҳалок бўлдилар, Рас кочиби, бир мис ва рўйдин ясагон кўргонга кирди, аммо фойда бермади. «Валав кунтум фи бурувжим мушайядатин» мазмуни била Азроил руҳин кабз килди ва жаҳаннам сори йиборди. Сохиби гузида бу навъ битибдурким, аммо Мавлоно Мирхонд «Равзат ус-сафо»да Солиҳ а. с. зикридин сўнгра Зулкарнайн Акбар кассасин битиб, мундок баён килибдурким, аксар аҳли тарих Нух а. с.дин сўнгра ва Иброҳим салавотур-рахмон алайҳдин бурун Худ била Солиҳ а. с.дин сўнгра ўзга пайгамбар бўлмайдур дебдурлар. Аммо салтанатдин баъзининг каломи мунга машъардурким, бу мобайнида Зулкарнайн Акбар нубувват мартабасига мушарраф бўлубдур. Невчунки, мужоҳид Абдулло бинни Умар разийОллоху анхумодни накл килибдурким, Зулкарнайннинг нубувватига бир далил будурким, тангри таоло ўз каломида «ва кулно ё Зулкарнайн», деб анбиё дастури била хитоб килиб, баъзи яъжуж дафъи учун сад боғлабдур ва яъжуж ва маъжуж сифотида доғи муболагалар кўргузубдур. Бу фақир каламига ул қобилият йўқдурким, аҳли тарих биткондин таҳрир килгай. Ул гаройибка иттилоъ тилаган киши мабсут таворихда ўқуб, маҳзуз бўлгай. Ва лекин Банокатий таворихида Нух била Иброҳим а. с. орасида ўн киши битибдурким, салтанат килдилар. Ва бу ўн кишининг замони ики минг етмиш секиз йил ортук ё бирор нима ўқсуқрак дебдурлар. Ва аларнинг асомийси: Сом бинни Нух, Арфахшад бинни Шолиҳ Синни Фолах бинни Обир, Аръави бинни Фолах бинни Солиҳ бинни Обир, Аръови бинни Фолиҳ бинни Солиҳ, Аргутохур бинни Соруг, Торах бинни Мохава. Гўё ўнунчи киши Иброҳим а. с. дур. Дерларки, Иброҳим бинни Торах битибдурким, кўпрак анбиё ва салотинни булар наслидин теъдод килибдурким, шархининг тули бор ҳам паришонлиги.

Тарих ахлининг ихтилофи кўптур,
«Шахнома»нинг ул навъки лофи кўптур.
Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,
Сен ёзғали ҳам нуктаи вофи кўптур.

Иброҳим салавотур-рахмон алайҳ улул-азм битибдурлар. Отас Озар эрдиким, ани Торах ҳам битибдурлар. Ва бу Озар Куфанинг Кавсармо отлиг кентидиндур ва Иброҳим а. с.нинг валодати Самуд бинни Канъон бинни Куш бинни Орам бинни Сом бинни Нух замонида эрди. Бу Намруд тарих ахлининг иттифоқи била тўрт кишиким оламда салтанат килдилар, бири улдур. Бу тўрт кишидин икиси пайгамбардурлар. Бири Зулкарнайн, бири Сулаймон а. с. Ва яна икиси кофирдурлар – бири Намруд, бири Бухтуннаسر. Ва баъзи булардин ўзгани ҳам дебдурлар. Намруд замонининг кохин ва мунажжимлари анга арз килдиларким, бу йил бир нутфа раҳмга борадурким, ул киши мутаваллид бўлса, сенинг заволинга боисдур. Ул ҳукм килдиким, ҳеч киши ул йил хотуни била мубошират килмасун ва борча ҳалойикни зуафодин ойириб, ҳар ўнни бир амин кишига топшурди. Ва нужум аҳли бир кунни таъйин килдиларким, ул кун ул муборак зот ота пуштидин она корнига интикол килибдур. Намруд ўзи Бобил шаҳридинким пойтахт эрди, чиқиб буюрдиким, ҳсч киши шаҳрда колмасун, борча халқ анинг била чикгондин сўнгра, шаҳрда зуафо доғи чўк -чўк матофларга сайрга машгул бўлди. Озар Намрудга мулозим эрди ва шаҳрнинг бир дарвозасига они кўюб эрди,

иттифоко анинг завжаси бу дарвозадин сайрга озим эрдиким, Озар кўруб анга мойил бўлди ва хилватка кијурӯб, анинг била жамъ бўлди. Заифа хомила бўлди, аммо ёшурур эрдилар. Хам Озар ва хам хомила то хамл вазъининг вақти етти, Озарга жуфти айттиким, манга бу иш суубат била бўлгусидур. Улуг бутхоналарга бориб, алардин тазаллум била менинг учун дуо килким, жоним саломат кутулсун. Тифл мутаваллид бўлгач, сенга хабар килдурой. Ва Намруд кохинлар хабари билаким, ул тифл бу ёкинда мутаваллид бўлур деб эрдилар, ҳукм килиб эрдиким, хар тифл мутаваллид бўлгоч, ўлтурсунлар. Баъзи етмиш минг, баъзи юз минг тифлни дебдурларким, ул шумнинг ҳукми била ўлтурдилар.

Чун Иброҳим а. с. мутаваллид бўлди, онаси ани ёшуруб, Озарга хабар килдиким, тифл ўлук тушти ва дафн килдук. Ва Озардин ёшурун нақб ичинда анга парвариш берур эрди. Бир ривоят хам борким, онаси Намруд ваҳмидин ани бир горда асрар эрди. Хар такдир била чун Иброҳим а. с. бўлуг хаддига етти, онаси анга дегнича андин кўп гариб ахвол мушоҳада килур эрди, то улким онасидин бир кун сўрдиким, манинг парвардигорим кимдур? Онаси дедиким: – мен, Дедиким: – санинг парвардигоринг кимдур? Дедиким: – отанг. Айтти ким: анинг парвардигори кимдур? Дедиким: Намруд. Деди: Намруднинг парвардигори кимдур? Айтти: олам ахлининг парвардигори. Айтти: Намруднинг шакли яхширокдур ё отамнинг? Деди: – отангнинг. Деди: – отамнинг хусни кўпракдур ё санинг? Деди: – манинг. Дедиким: – санинг чиройинг яхширокдур ё манинг? Дедиким: – санинг. Иброҳим а. с. айттиким, парвардигор ўзидин яхширокни яратмок бўлмас. Онаси мутаажжиб бўлуб, Озарга кайфияти холдин хабар килди. Ва Озар ул Намруд ҳукми ижросига – Иброҳим а. с. катлига озим бўлуб, муборак юзин кўргач, оталиг муҳаббати ани ул хаёлдин ўткорди. Ва Иброҳим а. с. парвардигори талабида саъй килди. Бир кеча бу фикрда эрди, хар кавкаб тулуъ килса, «хозо раббӣ» ишорати била хушхол бўлуб, гуруб килгоч, навмид бўлур эрди. То куёшка навбат етти, андин доғи маъюс бўлуб, «фаламмо афалат кола ё кавми инни бариун мимма тушрикун»

каримаси била мутаранним бўлуб, муборак замири анвори хидоят била боруди. Алкисса, Иброҳим а. с. ул вақтнинг бутларин билиб, ихонат килиб, элни Тенгри таолога даъват килди. То хабар Намрудка етишти, Намруд мутараддид бўлуб, анинг ихзориға ҳукм килди. Иброҳим а. с. Намруд боргоҳига киргоч, анга эл дастури била сажда килмади. Намруд мутагаййир бўлуб, анга саждага бош индурмагонининг сабабин сўрди эрса, Иброҳим а. с. айттиким, мени биров яратибдурким, тирикни ўлук, ўлукни тирик килур. Намруд дедиким, мен хам бу ишни килурмен. Буюрдиким, зиндондин ики киши келтуртуб, бирин ўлтурди, бирин озод килди. Иброҳим а. с. бу навъ ўлтурмак ва тиргузмакни мусаллам тутмай, дедиким, менинг парвардигорим кунни машрикдин толеъ килур, сен агар мағрибдин толеъ килсанг, даъвингни мусаллам тутай. Намруд бу хужжатдин ожиз бўлуб, Иброҳим а. с. ул мажлисдин чикиб, халойикни илойина юзидин Тенгри таолога далолат килиб, даъватин фош килди. Ривоятдурким, бир кун куффорнинг ийди эрдиким, борча ийдгохларига чикарлар эрди, Иброҳим а. с. бир баҳона била шаҳрда колди. Доғи болту олиб, куффорнинг бутларин доғи ушотти, болтуни бутларнинг улугрогининг бўйнидин осиб, куффор келгондин сўнгра, ул холдин бағоят музтариб бўлуб, тахкик килдилар. Иброҳим а. с. шаҳрда колгонни билиб, ани мухотаб килдиларким, бу ишни сен килибсен. Ул айтти: – улуг бутким болту анинг бўйнидадур ул килди. Дедиларким, анинг жони ва ҳаракати йўктур, бу иш килголи нечук бўлгай? Иброҳим а. с. айттиким, бир нимаким анинг мунча кудрати бўлмагай нечук Тенгриликка шойиста бўлгай? Бу сўздин дағи куффорни илзом килиб, кўп киши анинг

диниға кирдилар. Чун бу сўз Намрудға етишти, билдиким, мунажжимлар хабар берган киши Иброхим а. с.дур. Ани махбус килиб, ҳукм килдиким, галаба ўтун йигиб, ўт солдиларким, Иброхим а.с.ни ул ўтка солиб ўртагайлар. Ўтнинг ёкиниға киши бора олмас эрдиким, ани ўтка солгайлар. Окибат манжаник била ўт ичига оттилар. Наклдурким, ўтка етмасдин бурун Жабраил а. с. келиб сўрдиким, хожатинг недур? Иброхим а. с. дедиким, санға ҳеч хожатим йўктур, анға ким хожатим бор. Ул вақтдур ҳақ таоло малоикаға Иброхим а. с.нинг сидку таваккулин кўргузуб, ҳар ойинаким ўтни анға гулистон килди, Намруд гумроҳға асар килмай, Иброхтм а. с.ни Бобил шахридин ихроҷ килдурди. Иброхим а. с. Сора билаки амӯзодаси ва жуфти эрди, Мисрға борди. Сибон бинни Аълвонки Миср подшоҳи эрди, Сораға тамаъ килиб, Иброхим а. с.дин олди. Узр юзидин анинг сори илик сунғоч, илики тутмас бўлди. Сораға узр кулуб, Хожар отлиг канизак берди. Ва ул холда Иброхим а. с. кўзидин хижоблар рафъ бўлуб, Соранинг поклиғиға мутталиъ эрди. Чун Сора Иброхим а. с. қошиға кирди, Мисрдин Фаластинға борди. Анда қаҳат эрди. Кулларин Халил Мисрий отлиг дўстиға йибориб, қувват тилади. Ул бетавфик нима бермай, кулларни маҳрум килиб қайтарди. Алар қопни қум била тўлдуруб келтуруб, Иброхим а. с.ға қайфиятни айттилар. Иброхим а. с. хижолатдин уюкламади. Ҳақ таоло ул қумни бугдой килди. Хожар андин ёргучоқ била ун килиб, ўтмақ пишурди ва Иброхим а. с.ни уйғоттиким, таом егай. Иброхим а. с. сўрдиким, ўтмақни қайдин олдинг? Хожар дедиким, қоптоғи ундин пишурдум. Иброхим а. с. билдиким, тангри таоло ул сунъани кўргузубдур ва ул бугдойдин баъзисин экиб, тангри таоло онча баракат бердиким, Иброхим а. с.ға бағоят кўп мол ҳосил бўлди ва меҳмондорлиғи шайъор килди. Намруд жаҳлдин бир сандукнинг тўрт поясиға тўрт қочирни боғлаб, ўзи сандукка кириб, тўрт юқори гўшасида ит боғлаб, қарқаслар ит сори майл килиб ҳаволандилар. Осмон сори ўқ отиб, ўқни ҳақ таоло ҳунолуд анинг сандукиға тушурди. Ва ул нодон тангри таолони ўқладим деб қарқасларни юқори ёниға боғлагон итларни қуйи ёниға боғлаб, ерга инди. Ва гумроҳроқ бўлуб, Тенгрилик даъвосин қўпрақ килди. Ва баъзи Намрудни Қовис дебдурлар. Окибат Иброхим а. с. дуоси била Намруднинг сипоҳин паша хайли ҳалок килди, еллар азоб била ани дағи ҳалок килди. Ривоятдурким, ул паша Намруднинг мағзига қасд қилса эрди, анинг монғлайига анинг нима урсалар эрди, таскин топар эрди. Иш бир ерга еттиким, тўқмоқ ясапти. Муттасил анинг бошиға биров урар эрди ва анинг ҳавосининг яхшироқ хизмати бу эрдиким, ул тўқмоқни анинг бошиға бир қарак урғай, то бу азоб била жаҳаннамға борди.

Душмани хоксор жохилким,
 Ҳаққа даъвойн иштирок этти.
 Қўрки, ҳақ гайратин не навъ опи,
 Сарзанишлар била ҳалок этти.

Сора Хожарни Иброхим а. с.ға бағишлади ва Иброхим а. с.ға сексон ёшаргонда Тенгри таоло Исмоил а. с.ни берди ва Сора рашқдин Хожарға фитнани вожиб қилди. Ва Исмоил а. с.чун ики ёшади, Сора бетаҳаммул эрди. Иброхим а. с. Хожар била Исмоил а. с.ни элтиб, бир биёбондаким, ҳақ таоло ўз қаломида «Водин гайри зи заръин» дебдурки, Макка еридур, қўйди. Аларнинг макдами баракатидин анда Зам-зам суйи пайдо бўлди ва ҳалойиқ ул сув жихатидин қўп йигилдилар. Ва Исмоил а. с. анда парвариш топти ва журҳум аҳли анда йигилдилар ва Иброхим а. с. Қабба уйини анда бино қилгуси. Бу қисса бу ерда турсун, биз Лут а. с.нинг қиссасини шарҳ қилиб, иншо аллоҳ яна бу қисса

бошига келоли.

Лут а. с. Иброҳим а. с.нинг кардоши Хорун ўгли эрди. Тенгри таоло анга нубувват каромат килиб, Муътафикот аҳли хидоят ва иршодига йиборди. Ва Муътафикотни баъзи беш шаҳр ва баъзи ети шаҳр дебдурлар ва баъзи аҳли тарих бу шаҳарларни Сийстон била Кирмон орасида дебдурларки, холо Лут биёбонига машхурдир. Ва баъзи Арди навохийсидаким, Шом мулкида дебдурлар. Хар такдир била Муътафикот шаҳри аҳли ливота шахватига машъуф эдилар, бутпараст ҳам бор эрдилар. Лут а. с. ул мулкка бориб, неча вақт аларни Тенгри таоло ибодатига далолат килди. Хеч киши қабул килмади ва ул хазратка кўп изо ва малолат алардин етишти. Ва ул шумларгаки гурабо алар мулкига убур килурлар эрди ва шаниъ амр иштиголига касд килурлар эрди ва Лут а. с. Иброҳим а. с.дек зиёфат амрига машғул эрди, хар киши анга меҳмон бўлса эрди, ул палид кавм бу навъ ишга касд килур эрдилар. Лут а. с. ожиз бўлуб, дуо килди. Малоикани ҳақ таоло мард йигитлар суратида Лут а. с.га меҳмон юбордиким, Муътафикотни бузгайлар. Ул кавм Лут а. с.нинг меҳмонлари касдига майл килдилар. Лут эшикин боғлаб, алардин ул кеча мухлат тиладиким, тонгла аларни топшурай. Ёрим кеча малоика ўзларин Лут а. с. зохир килиб, буюрдиларким, кўпунг ва бу шаҳрдин чиқинг. Лут а. с. табаи била шаҳрдин чиқдилар. Жабраил а. с. ул шаҳрларни ердин кўнғориб, осмонга элтиб, сарнигун ерга урди ва ул элдин хар кишиким, хар кайда бор эрди сижжил тоши ёғиб, борисин халок килди. Хаттоки, Лут а. с. нинг жуфти ул кавмдин эрди, ул тошдин халок бўлди Ва Лут а. с.нинг даъвати мuddати йигирма йил ва бир нима. Ва баъзи ўтуз йил дебдурлар. Ва марқади Иброҳим а. с. ёнида бўлди.

М а с н а в и й:

Гар Лут ва гар ливота аҳли-
Ким кетгали келдилар жаҳонга.
Кўргузмади бу жаҳони гаддор,
Не яхшига меҳр, не ёмонга.

Исмоил а. с. пайгамбари мурсал эрди. Ҳақ таоло Иброҳим а. с.га йиборгандаким, Иброҳим а. с. Соранинг хотири учун ани Хожар била Макка биёбонига элтиб кўйғони мазкур бўлди. Анда Исмоил а. с. улғойиб, табъ пайдо килди ва дойим овга майл килур эрди. Иброҳим а. с. Шомдин Маккага келиб, гоҳи андин хабар тутар эрди. Бир котла келганда, Исмоил а. с. овда эрди, анинг уйига бориб, ахволин сўрди. Харами Иброҳим а. с.ни зиёфат килмай, бепарволиг била ани узотти. Иброҳим а. с. айттиким, Исмоил келса, айткойсенким, эшигинг пошнасига тағйир бергайсен деб. Исмоил а. с. келганда, заифаси айттиким, бу сифат била биров келиб эрди, санга бу навъ сўз эълон килди. Исмоил а. с. билдиким, отаси эркандур. Ҳамул замон ул хотунни талок килди, яна бировни никоҳ килди. Яна бир йил Иброҳим а. с. Маккага келди ҳам Исмоил а. с. овда эрди. Аммо бу хотуни Иброҳим а. с.га кўп таъзим килиб, зиёфат истидъоси килди. Иброҳим а. с. айттиким: Исмоил келса, айтгилким, эшигингнинг яхши пошнаси бор, тағйир бермагайсен. Исмоил а. с. келгач, махрами бу сўзни айтти. Исмоил а. с. билдиким, отаси бу заифадин рози бориб, сипориш килибдур. Ани азиз ва мухтарам тутти. То улки Иброҳим а. с. Маккага келиб маком тутти ва юз яшаганда, ҳақ таоло Сорадин Иброҳимга Исхок а. с.ни каромат килдиким, ул оятки «Алҳамду лиллохиллази ва ҳабали алал кибари Исмоила ва Исхока» андин хабар берур. Ва Иброҳим а. с.га

Жабраил башорат бердиким, минг пайгамбар Исхок наслидин мутаваллид бўлгай. Иброхим а. с. муножот килиб дедиким, худоё, чун Исхокка бу навъ улуг мавхибат каромат килдинг, Исмоилни ҳам бир махсус иноят била бахраманд кил. Хитоб келдиким, охируззамон пайгамбари саллооллоху алайхи васалламким, коинот офариниши ва мавжудот парваришига анинг шариф зотининг хилкати сабабдур, Исмоил а. с. наслидин бўлгусидур. Иброхим а. с. шодмон бўлуб, тангри таоло хазратида шукр коидасин бажо келтуруб ва Маккада Каъба уйин бино килди. Ва ул уй тамомга еткондин сўнгра, манкулдурким, шукр килиб, учасин Каъба деворига кўюб, тафохур килдиким, бу уйин туготдим деб. Хитоб келдиким, бир очниму тўйгорибсен ё бир ялонгочни буткорибсенким, мубохат киладурсен!

Андин сўнгра Иброхим а. с. билгачким, бу ики ишнинг не микдор курби ва фазилати бор эрмиш, меҳмонхона ясаб, эл зиёфатига муболага кўргузди ва Тенгри таоло амри била курбонга маъмур бўлди. Исмоил а. с. никим, курратул-айни эрди, Тенгри ризосн учун Мино тоги устида аёг-илкин боглаб, курбон килурга пичок бўгзига сурди. Ва ҳақ таоло анинг сидки баракотидин курбонин қабул килиб, бихиштдин Исмоил а. с. эвази Жабраил а. с. га амр бўлдиким, кўчкор келтуруб, Иброхим а. с. ани курбон килди. Ва Исмоил а. с. Хазармавт ахлига хидоят учун маъмур бўлди ва ул халойикка эллик йил насихат килиб, Тенгри таоло йўлин кўргузди, қабул килмадилар магар оз киши. Ва Иброхим а. с. нинг умри ихтилофида юз тўксон беш йил дебдурлар. Ва Шом навохийсида Жабрун қарийясида Тенгри таоло раҳматига борди ва ани Сора ёнида дафн килдилар. Лақаби Халилуллох ва Халилул-рахмондур. Ва куняти Абуз-Зийфон ва Абул-Ан-биё ва Абул-Мухаммаддур. Санъати дехконлик. Ва Иброхим Абу роҳимдур, яъни раҳмлик ота. Анбиёга миллат отасидур.

Шеър:

Гар Иброхиму Исмоил бўлсун
Ки, ҳақ амрин қабул этмак керактур.
Бу фоний дайрда чун килди манзил,
Туруб бир неча кун кетмак керактур.

Исхок а. с. пайгамбари мурсалдур. Ҳақ таоло ани Шом ахлига йиборди ва ул Шом халойикин Тенгри таолога далолат килди. Ва анинг ики ўгли бор эрди. Руфакодинки амуродаси эрди. Бирининг оти Иъйс, бирининг Яъқуб. Ва Шомда Исхок а. с. кўзлари нобино бўлди ва фарзандларидин Иъйс овга мойил эрди. Яъқуб а. с. кўй асрамокка ва Исхок а. с. нинг мухаббати Иъйсга кўп эрди ва руфаконинг Яъқубка. Бир кун Исхок а. с. нинг кўнгли бирён майл килди. Иъйсни тилаб, ул орзуни анга зохир килди. Иъйс ўк ва ёсин олиб, тоғ сори югурди. Руфако бу холдин воқиф бўлуб, Яъқуб а. с. га бу холдин хабар берди. Филхол бир семиз ўғлогни бирён килиб, Исхок а. с. қошига келтурди. Чун анбиё уйи саодати анга насиб эрди, Исхок а. с. анинг борасида дуо килди ва мустаҷоб бўлди. Сўнграким, Иъйс ҳам ул таомни тартиб килди. Исхок а. с. дедиким, улча мен сенга тиладим, насиб бўлгай. Тенгри таоло Яъқубка насиб килди. Анга дуо килдиким, салотин сёнинг наслиндин бўлгай. Ва баъзи дебдурларким, Собир пайгамбар сенинг наслиндин бўлгай деб ҳам дуо килди. Ва Айюб а. с. Иъйс авлодидиндур ва Иъйсга бу мазкур бўлгон жихатдин Яъқуб а. с. га хусумат пайдо килди. Ва Яъқуб а. с. андин харосон эрди. Ва Исхок а. с. умри юз сексонга еткондин сўнгра Тенгри таоло ҳукмин буткорди ва Иброхим а. с. ёнида дафн килдилар. Ушбу йил Юсуф а. с. Миср азизи

бўлди.

Н а з м:

Хизрга насиб ўлса хайвон зилоли,
Скандарга ичмакка йўк эҳтимоли.

Яъқуб а. с. пайгамбари мурсалдур ва кўпрак анбиё анинг наслидиндур. Ва Исроил ани дерлар. Исхок а. с. анга васият килиб эрди, чун Яъқуб а. с.нинг Иъйсдин доғи азим хавфи бор эрди. Баъзи дебдурларким, хамул кечаким Исхок а. с. бако оламига юзланди, Яъқуб а. с. Канъондин махфий чикиб, Шом диёрига азимат килди. Ва бу сафарда бир кеча туш кўрдиким, Тенгри таоло анга хитоб килиб, ул мукаддас ерда Байтул-мукаддас биносин килурга башорат берди. Ва ул ернинг ободонлиги Яъқуб а. с.нинг авлод ва зурриёти хоким бўлуб, нубувват ва ҳукумат килиб, халойикни ўз химоятларида мураффахул-хол асрарга ваъда килди. Яъқуб а. с. уйғониб шодмон бўлуб, Исхок а. с.нинг дуоסי анинг борасида мустажоб бўлгонин билиб, йўлга тушти. Ва марохил катъ килиб, Лубноннинг макоми Фидон дегаи ерга етиб маскан килди. Ва Яъқуб а. с.нинг сухбати Лубнонга мулойим тушти. Ва Яъқуб а. с. анинг Лаййо отлиг кизин кулмок истидъо-си килди. Чун ҳеч бу кадхудолиг асбобига дастраси нўк эрди, ети йил анинг кўйчилик амрин бажо келтурди. Никох вужудин мунга қарор бердилар: Мавъид етқоч, ақд қилгон кеча Рохилниким улугрок кизи эрди, ақд килиб берди, Яъқуб а. с.га маълум бўлғач,. Лубнонга гила изхори килди. Ул айттиким, улуг эгачи уйда қолиб, кичики хасм уйига бормок номуносибдур. Ва агар кўнглунг тилар Лаййога вобаста бўлмок, яна ети йил хидмат ихтиёр қил, то ани ҳам санга мусаллам тутай. Яъқуб а. с. анинг муддаосини қабул килиб, ети йилдин сўнг, Лаййони ҳам анга берди. Ва Лаййо ики қанизакким, бири Фалиха ва бири Залифага мавсум эрдилар, Яъқуб а. с. уйига йиборди ва ул шаръда ики эгачи-сингилни бир қишига никох қилмок раво эрди. Мусо а. с. замонида мамнуъ бўлди. Ва аксар таворих аҳли иттифоклари борким, Яъқуб а. с.га Лаййодин олти ўғул бўлди: Рўбил, Шамъун, Яхудо, Лови, Зарбун, Яшхар. Ва Рохилдин Юсуф а. с. ва Ибн-Ямин мутаваллид бўлдилар ва Фалихадин Дон ва Нафкол ва Залифадин" Ков ва Ашира вужудқа келдиким, «Қаломулло»да исбат лафзиким мазкурдур, иборат бу жамоатдиндур. Ва Яъқуб а. с.га бу фарзандлар муяссар бўлгондин сўнгра, кўй ва сонир мавошии ванддин кўб жамъият ҳосил бўлди. Ва Канъонгаким ватан Маълуф эрди борди. "Баъзи дебдурларким, бир йил: Канъонда бўлгондин сўнгра, Ибн Ямин мутаваллид бўлди. Ва Яъқуб а. с. гурбатдин ватанга келгандин сўнгра, Иъйс сафар ихтиёр килиб, Рум сори мутаваж-жих бўлди. Ва анинг Исмоил а. с. кизидинки амузодаси эрди, беш ўғли бор эрди. Бирининг оти Рум эрдик, ул мулкни анинг оти била атарлар. Ва Рум қайсарлари анинг наслидиндурлар. Ул қунки Иъйс Румда оламдин ўтти, Яъқуб а. с. доғи Канъонда оламга видоъ қилди. Ва Иъйснинг сўнгокин Жирунга нақл килиб, обоси мақобири жаворида қундилар. Ва Яъқуб а. с. Иъйснинг гурбати айёмида Канъон аҳли хидоятига маъмур бўлуб, неча вақт рисолат амрига машғул эрди, то дори бақога борди. Ва анинг баъзи ҳолати Юсуф а. с. қиссасида ижмол била иншоаллох мазкур бўлғай. Иншоаллохул-азиз.

Ш е ъ р:

Яъқубни ҳам сипехри пурфан,

Берди неча кун жахонда маскан.
Паймонайи умри чунки тўлди,
Даврон анга доғи узр кўлди.

Юсуф а. с. киссаси андин машхуррокдурким, эҳтиёж анинг тафсилина бўлғай,
невчунки гаробат ва ширинлиги учун акобир ҳам назм ва ҳам наср анинг шарҳи асбобин
тузубдурлар ва баёнида сеҳрлар кўргузубдурлар. Ул жумладин бири Фирдавсий Тусий
ва яна бири хазрат маҳдуми Мавлоно Нуриддин Абдурахмон ал-Жомий наввараллоху
маркадаҳуким, андоқким Юсуф а. с.нинг хусни ва жамоли таърифдин мустағнийдур.
Аларнинг доғи фазл ва камолига васф ҳожат эмас. Яна хожа Масъуд Ирокий ҳам назм
килибдур ва балогатнинг додин берибдур. Яна доғи азизлар мушгуллуқ килибдурлар.
Бовужуди булар бу бибизоатки, ҳам иборат роқимдиндур. Коми хотирга бу орзуни
кечурурким, иншооллох умр омон берса, турк тили била-ўқ кофурчун варак узра хомани
мушкин шамогани сурғай. Ва бу кисса назмин ибтидо килиб, интихосига еткурғай.

Ҳақ бу тавфиқни насиб этғай,
Ё насиб улча тангридин етган.

Бас, бу мухтасарга киссани ижмол расми била адо қилмок ансабдур.
Юсуф а. с. бани одам жинсининг жамилроғидур. Бир кун ўз юзин кўзгуда кўруб,
андоқки хусн истиғноу гурурга муктазодур, кўнглига кечтиким, оё ағар мен қул бўлсам
эрди, менинг баҳомни қим бера олғай эрди. Чун бу хиёл далолат бемислликка қилур,
улқим «лайса қамислихи шайъун ва хувас-самӣул-басир», анинг шаънидадур. Ҳақ
таоло ғайрат кўргузуб, андоқ қилдиқим, оголари Юсуфни ўн ети қалб дирамга соттилар.
Ва мунинг қайфияти бу эрдиким, Юсуф а. с. туш кўруб эрдиким, гунашу ой ва ўн бир
қавқаб анга сажда қилдилар. Бу тушни Яъқуб а. с.га айттиқим. «Ваизқола Юсуфу
лиабихи ё абати инни раайту аҳада ашара қавқабан ваш-шамса валқамара раайтухум ли
соҷидина» андин хабар берур. Яъқуб а. с. айттиқим, бу тушунғни қардошларингдин
ёшурқим, алардин сенга осиб теғмағайқим, бу тушнинг таъбири будурқим, отаю она ва
қардошларинг сенга мухтож бўлғайлар. Чун тақдири олихи Юсуф а. с.нинг
меҳнатларига мутааллиқ бўлуб эрди, қардошлари ул тушни ва оталари таъбирин
эшитиб, мутағаййир бўлуб, Юсуф а. с. қасдига бел боғладилар. Ва ўзларин Юсуф
алайхиссаломга мушфиқ кўргузуб, Яъқуб а. с.дин ани ғаштка элтурбиз деб ёзига бориб,
ани чоғга солиб, кўнглоқин қўй қонига булғаб, Юсуфни бўри еди деб, қонлиғ кўнглоқин
Яъқуб а. с. қошига қелтурдилар. Ва Яъқуб а. с.ни мухлиқ мотамга ва ўчмас ўтқа
солдилар. Ва ҳамул учурда ул чоғ бошинда бир қарвон тушуб, чоғга далв солиб, анда
бирова бор эканин билиб, Юсуф а. с.ни чоғдин қикардилар. Ва қардошлари хабар топиб,
ул қарвонга бориб Юсуф а. с.ни бизинг қулуғиздур дебқим қочиб эди деб, ул
қоғиланинг улуги билақим, оти Молиқ бинни Зиъар Ҳазоӣй эрди, ўн ети ё йигирми
дирамга соттилар. Ва Молиқ бу савдодин масрур эрдиким, Мисрда анинг баҳосидин суд
мутасаввар эрди. Юсуф а. с.да заъф ва шикасталиқ ул мартабада эрдиким, Молиқнинг
ул сўзин эшитиб, ўз-ўзи била айтур эрдиким, бу мусулмонқим менинг баҳомдин ўзин
хурам қилибдур, бу ҳол билақим мен-мен ики оқчага олғойларқин ул олибдур. То иш
анга еттиқим, Мисрда анинг вазни била ети қотла мушқ вазн қилиб, Малиқ Раённинг
ҳозиниқим, Мисрнинг азизи эрди, Юсуф а. с.ни сотқун олди. Ва азизнинг Зулайҳо отлиғ
хотуни бор эрди, Юсуф а. с.га ошиқ бўлди. Ҳар неча ўзин забт қилур эрдиким, ани ҳадқ

маълум килмагай. Аммо бетокатлиг инон-ихтиёрин иликдин чикарур эрди, то улки Юсуф а. с. га ишкин изхор килиб, калб висол килди. Юсуф а. с. ул матлубин имтиноъ килиб, Зулайхога Тенгри таолодин тасвиф килди ва мавоиз ва насойих изхор килди. Ва бу холатда Юсуф а. с. ўн ети ёшида эрди. Чун Зулайхо Юсуф а. с.ни ул ишдин багоят мужтаниб кўрди, вахмдинким азиизга изхор килгай. Узи азииз қошида Юсуф а. с.дин шикоят килдиким, Юсуф манга изхори тааллук килиб, висол орзуси изхорин килди. Азииз тафаххус килгондин сўнгра маълум килдиким, Зулайхо ўз килгонин Юсуф а. с.га тухмат килибдур. Бу иш Миср ахли орасида иштихор топти. Ва Мисрнинг ашрофининг зуафоси Зулайхога таън тили узоттиларким, фалон канъони кулга ошик бўлуб, ўзин халк тилига солибдур. Зулайхо ул ишда мухик эрканин собит килур учун тоин ва таннозларни зиёфат килур учун истидъо килиб, алар хузурида Юсуф а. с.ни мажлисда кияргач ва ул жамоат олида турунж ва турунж кесарга иликларида бичоклар эрди. Юсуф а. с.ни кўргач, «Мо хозо башаро» деб анинг жамоли майидин андок лояъкил бўлдиларким, турунж ўрнига иликларин кестилар. Юсуф а. с. чикгоч, ўз холларидин вокиф бўлуб, Зулайхони маъзур туттилар. Ва Зулайхо эл мазаннаси дафъи учун азиизга илтимос килдиким, Юсуфни зиндонда махбус килиб ва бу хибсда Тенгри таоло Юсуф а. с.га таъбир илмин каромат килди. Зиндон ахли туш кўруб, бир-бирига айтсалар эрди, таъбир килур эрди ва ҳеч тахаллуф килмогондин зиндон ахли мутаажжиб бўлур эрдилар. Малик Раён сувчиси бирла баковули анга захр берур таваххумидин ёзгуруб, зиндонга йиборди. Алар Юсуф а. с. эл тушига таъбир килурин кўруб, иттифок била хар бири ёлгон туш ясаб, Юсуф а. с.га арз килдилар. Сувчи тушини мундог дедиким, бир богда уч хўша узум кўрдум, ул узумни сиксам, филхол чоғир бўлди ва ани маликка туттум, ичиб манга илтифот ва тахсин килди. Баковул тушини мундоқ айдиким, Малик матбаҳидин уч хонда нон бошим устида кўрдум ва осмондин кушлар бошимга кўнуб, ул нонларни едилар. Чун Юсуф а. с. ул иковнунг гайбдин огизларига келгон сўзларнинг бирини неъмат ва бирини балийятка дол кўрди, дедидим: «ло яътикумо таомун турзакониҳи илло наббаътукумо битаъвилиҳи», яъни сизга улча кўрубсиз етмагай. Магар улки хабар берурмен сизга. Уч кундин сўнгра сувчини малик Раён чикориб, риоят ва тарбият килур. Ва баковулнинг бу узридин осор алар айттиларким, биз бу тушни кўрмайдур эрдик, балки ясаб эрдук. Юсуф а. с. айттиким, тангри таоло тақдири менинг тақририм била мувофик тушубдур, боки сиз билурсиз. Ва сувчига айттиким, малик Раёнга бориб эътибор топсанг, мени согундургайсен. Чун Юсуф а. с. мухаллиси учун Тенгри таолога илтижо килмай, махлукни васила килди. Хак таоло гайратдин яна йиллар ани зиндонда асради ва хамул уч кунда малик Раён баковул катлига ҳукм килди ва сокийни тарбият килди. Ва ул сокий ети йилгача Юсуф а. с.ни согинмади. Бир кеча малик Раён туш кўрдиким, ети семиз ўйини ети орук ўй едилар ва ети тоза кўқарган хўшани ети курук хўша чирмошиб, бетароват килди. Ва бу туш таъбиридин муаббирлар била кохинлар ожиз бўлдилар. Сокийнинг ёдига Юсуф а. с. келиб, малик арзига еткурди ва малик амри била бориб, Юсуф а. с.дин бу туш таъбирин сўрди. Юсуф а. с. айттиким, семиз ўйлар, тоза хўшалар тўклук ва зироатлиг йилга далилдур ва орук ўйлар била курук хўшалар қахатликка дол. Ети йил кутлук бўлуб, яна ети йил қахатлиг бўлгусидур. Бурунги йилларда ошлигингизни яхши асрангим, сўнгги йилларда ярагай. Сокий бу таъбирни маликка айтти эрса, хакикати анга маълум бўлуб, Юсуф а. с.ни тилади. Юсуф а. с. бормаи эълом килдиким, турунж била иликин кескан зуафодин истифсор килгил. Малик тафаххуска машгул бўлуб, азиизни ва Зулайхони ва ул зуафони тилади. Ва Зулайхо ул жамоат била Юсуф а. с. нинг поклигига тонуглук. бериб ва азииз

инфиолдин Зулайхони талок килди ва Юсуф а. с.ни зиндондин чикориб, малик кошига келтурдилар. Малик эъзоз килиб муносиб ерда ўлтуртуб, дедиким, бу тушум таъбирин манга санинг ўз такрирингдин эшитур хотирим бор. Юсуф а. с. бурун анинг тушин айттиким, кўп нима малик унутуб эрдиким, ёдига келмади. Багоят мутаажжиб бўлуб, Юсуф а.с. дин таъбирин хам тилади. Юсуф а. с. таъбирин юкори ўтган дастур била айттиким, Малик азизни азл килиб, азизлигни Юсуф а. с.га берди. Ва мулк ва хазоиннинг амини ва сохиби ихтиёри килди. Юсуф а. с. вилоят маъмур йилларда ошлигини яхши мухофазат килиб, кахат бўлгон йилларда халойикка сабаби ризк бўлди. Ва кахат шиддати бир ерга еттиким, халойик бору йўкин, балки ўз нафсларин егуликка соттилар. Ривоят будурким, Юсуф а. с. жамиъ Миср элин соткун олиб, кахатдин чиккондин сўнгра озод килди ва Зулайхони ўз никохи акдига киюрди. Ва бу вақтда Юсуф а. с. ўтуз ики ёшар эрди ва Зулайхо ўтуз ва бикр эрди. Невчунки, азиз айнайн эрди. Ва Юсуф а. с. га Зулойходин ики ўгул бўлди. Наклдурким, кахат шиддати саъб бўлгандаким, атрофдин халк ризк учун Юсуф а. с.га юз кўюб эрдилар, Канъон эли хам ул жумладин эрди. Ва Яъкуб а. с. Юсуф а. е. фирокида халкдин улфат узуб ва фарзандларин унси мункатиъ килиб, гўша тутуб, Байтул-ахзон макоми бўлуб эрди. Фарзандлари анинг рухсати била Мисрга ўзи учун мутаважжих бўлуб, Ибни Яминни Яъкуб а. с. ўз кошида асрадиким, андин Юсуф а. с. иси топар эрди. Чун ўн ого-ини Юсуф а. с. хизматига етиштилар, бизоатларин арз килиб, рўзи тиладилар. Юсуф а. с. алардин насабларини сўруб, оталарининг холин тафаххус килиб, тирик эрконин билиб, Ибни Ямин холин маълум килиб, эхтиром этиб, ошлиг бериб, бизоатларин доғи ошлиг ичига ёшурун солиб узотти ва айттиким, яна келсангиз, колгон ишингизни олиб келингким, бу котлогидин кўпрак риоят килай. Алар Канъонга келгондин сўнг, кайфиятни Яъкуб а. с. кошида арз килиб, яна котла Ибни Яминни, агарчи Яъкуб а. с. рози эрмас эрди, ўзлари била олиб Мисрга Юсуф а. с. мулозиматига боргайлар ва Яъкуб а. с. хизматида ўткан холотни тақрир килдилар. Ва илтимос этдиларки, Ибни Яминни бир котла алар била азиз кошига йиборгай. Анга агарчи ул саъб кўрунди, аммо заруратдин Ибни Яминни йиборди ва бир рукъа битди. Иброхим а. с.нинг дасторинки, ирс расми била Яъкуб а. с.га қолиб эрди, Ибни Яминдин ҳадийя дастури била азиз хизматига ирсол килди. Ва аларга васият килдиким, Мисрга бир дарвозадин кирманг. «Ло тадхулу мин бобин воҳидин вадхулу мин абвобин мутафаррика» .

Алар Яъкуб а. с. буюргон дастур била амал килиб, азиз эшикига ҳозир бўлдилар. Азизга хабар бўлгоч, аларни тилаб таъзим била ўлтуртуб, Ибни Ямин рукъа била дасторни Юсуф а. с.га таслим килди. Юсуф а. с.га муфрит нишот юзланиб буюрдиким, алар илайига хон торттилар ва хар иков илайида бир табак кўйдурди. Ва Ибни Ямин ёлгуз колди. Алардин ани ўз кошига тилаб ҳамтабак килди. Чун Юсуф а. с. буркаъ била эрди, алар тонимас эрдилар. Юсуф а. с. нинг токати колмади, кориндошига ўзин нозуклук била изҳор килиб, мутагаййир бўлмай, дағи ул жамоатка кетурган улогларига кўра ошлиг бериб ва олтун кайлким, жавоҳир била тарсиъ килиб эрдилар, Ибни Ямин юкида ёшуртти. Алар Канъонга мутаважжих бўлгондин сўнг, киши йибориб, юкларин ахтартиб соъни Ибни Ямин юкида топтилар ва Ибни Яминни олиб азиз кошига келтирдилар. Ва кардошлари хам анинг била койтиб келдилар. Бу ерда ихтилоф кўптур. Хар тақдир била Юсуф а. с. Ибни Яминни олиб қолиб, кардошлари яна Канъонга бориб, Яъкуб а. с.га Ибни Яминнинг ўгурлук килиб, азиз ани асрагонин айттилар. Яъкуб а. с. нинг меҳнати ўтти ва фуркати шуъласи бирга минг бўлуб, бир йўли оёгдин тушти. Окибат азизга бир рукъа битиб, Яхудо ўгли Фориздин йиборди ва ўз холиниким, Юсуф

отлиг ўгли фирокидин не суубатка қолиб эрди ва Ибни Ямин фуркатидин не шиддатка мусаххар бўлди деб арз килди. Юсуф а. с. анинг жавобида ул навъ насихатомиз рукъа йибордиким, Яъқуб а. с.га етқач, ўқутуб айттиким, бу мактубдин анбиё каломи ва русул пайгоми ҳолати кўнгулга етишадур.

Яна ўғлонларига Мисрга борурни таклиф қилиб, алар бизоати музжот била келдилар. Ва бу котла Юсуф а. с. ўзин аларга зохир қилиб, кўп алтоф кўргузди. Аларни ўз қилгонларининг хижолати ва Юсуф а.с.нинг лутфу қарами лол қилиб, Яъқуб а. с.нинг кўзи кўрмасин арз килдилар. Юсуф а. с. ўз кўнглокин Яхудодин Яъқуб а. с.га йиборди. Яхудо Мисрдин чиққоч, Яъқуб а. с. ул кўнглок исин Қанъонда топиб, хуззорга зохир қилди. Аларнинг димоги хиффатиға ҳамл қилиб, то Яхудо эшитиб, Юсуф а.с.нинг ҳаёти хабарин ва саломатлигин Яъқуб а. с.га етқуруб, кўнглокни анинг юзига солди, ҳамул замон басир бўлгон кўзи бино бўлуб, шукрлар қилди. Ва Яхудо борча ҳол қайфиятин анга арз қилиб, Мисрга борур сўзида эрдиким, Юсуф а. с.нинг расулларин азим яроғлар била етиб ва зурриётин Мисрга элтиб, Юсуф а. с.га хабар етқоч, истикбол қилиб ва Малик Раён доғи ул давлатни ганимат била мувофикат қилди.

Юсуф а. с.га яқинлошқоч, Яъқуб а. с. маҳмилдин чиқиб, Юсуф а. с. анинг аёғига тушуб кўруштилар. Ва Мисрга келиб, Юсуф а. с. отаси, онасини тахт устида ўлтуртуб, ўзи алар ёнида ўлтуруб, қардошларига улча қоидаи иқром эди, бажо келтурди. Ва алар борча анга саждаи таҳийят қилдилар. Ва Юсуф а. с. Яъқуб а. с.га айттиким, «ё абати ҳозо таъвилу руъқойа мин қаблу». Бир ривоят била ўн ети йилдин сўнгра, бир ривоят била йигирми тўрт йилдин сўнгра Яъқуб а. с. Тенгри таоло раҳматиға борди ва Юсуф а. с.ни васий қилиб эрди ва анинг васияти била Қуддусда Иброҳим ва Исҳоқ а. с. жаворида қўйдилар. Ва оз фурсатдин сўнгра малик Раён ҳам оламдин чиқди. Ва анинг беаъмамидин Кобус отлиг қофир макхур Миср таҳтида салтанатка ўлтурди. Юсуф а. с. бир неча йил ани исломга далолат қилди, бир тутмас эрди. Аммо Юсуф а. с.ни таъзим қилур эрди. Юсуф а. с. анинг даъватидин маъюс бўлуб, балки ўз авқотидин ҳам ҳавл, ҳақ таолодин муножотда обоу аждоди суҳбатин тилади. Ва ул дуо мустаҷоб бўлди, бани Исроилга ислом русухига васийят қилиб, Фиръавн била Мусо а. с.дин хабар бериб, ул қавмининг валийси Яхудони қилиб, ўзининг мадфанини Нил рудида Мисрдин бир йигач йирок муқаррар қилди ва дорулфанодин гулшани бақога ҳиром қилди. Бани Исроил Яъқуб а. с. зурриётидур ва исбот ўн бир ўғли.

Ш е ў р:

Борди Юсуф, қолмасди Кобус ҳам бўлмади адам,
Ичтилар жами фано сиддиқ ҳам, зиндиқ ҳам.

Хизр а. с. ни мурсал дебдурлар. Ва ул Арфахшад бинни Сомнинг ўғлонларидиндур ва Зулқарнайн замониде анинг мулозими эрди. Зулқарнайн ҳайвон суйи хиёли била зулумотка қиргонда Хизр а. с. ани бошлаб қирди. Ва дерларқим, Илёс а. с. доғи била эрди. Умидқим, қуйирок зикр бўлғай.

Ул сувни Тенгри таоло бу иқовга насиб қилди ва Зулқарнайн маҳрум ёндин.

Ва баъзи дебдурларқим, ҳақ таоло Хизр а. с.га илми ладунни насиб қилди ва ҳайвон суйи иборат ондиндур. Аҳли ислом муътақиди улдурқим, Хизр а. с. умри жовид топибдур. Ва Хожа Муҳаммад Порсо қ. с. баъзи нусхада мундоқ битилибдурқим, Хизр а. с. Сабзаворнинг Кавқ отлиг қентидиндур ва ҳоло Ҳазрат Рисолат саллаллоҳу алайҳи васаллам динидадур ва имом Шофеъи раҳматуллоҳи мазҳабидадур, валлоҳу таоло

аълам.

Шеър:

Хизр умрин тиларлар ахли хирад,
Ер васлидурур, ҳаёти абад.

Айюб Сабури а. с. онаси Лут а. с. кизидур. Отасини Иъйс бинни Исҳоқ а. с. авлодидиндурур дебдурлар: Вале баъзи муҳолафат қилибдурлар. Мавлуди Румдур, аммо Шомда муқим эрди. Хар навъ мол ва манови қўп эрди ва ўн ўгли бор эрдн. Ганимат жуфтидин ҳеч нима йўқ эрдиким, ҳақ таоло ибодати ва тасбиҳи ва таҳлилига ул навъ машғул ва машъуф эрдиким, ҳеч нимага илтифот қилмас эрди. Ул мартабадақим, ҳақ таоло малоикага анинг ҳолатини қилва бердиким, манинг ибодатимдин ўзга ҳеч нимага парво қилмас. Малоика айттиларқим, ҳудое, ҳеч навъ қамъиятдин йўқтурқим, анга насиб қилмайсен. Невчун санинг ибодатингдин ўзга иш қилгай.

Тенгри таоло малоикага ҳитоб қилдиким, бу зохир қамиятлари паршонлиг асбобидур. Вале сизинг мазаннангиз бу бўлсақим, бу қиятлардинқим, анинг қўнгли қамъ учун ибодатқа машъуфдур, андоқ қилоқи, сизлар қилгайсизқим, бўлар-бўлмаса ҳам анинг иши тоатдур. Бу муқолимадин сўнгра Тенгри таоло Айюб а. с. сори балолар мутаваққиж қилди. Аввал мавошийсига андоқ офат туштиким, бири қолмади. Анга айттилар эрса, илтифот қилмади. Мазруотига андоқ боло юзландиким, йўқ ҳисоби тутти. Мунга ҳам мулфат бўлмади. Хар қиятиқи, анга не итлоқ қилса бўлур, бениёзлик ерига борди, парво қилмади, қамул ҳақ таоло ибодатига машғул эрди. Уй йиқилиб ўн ўгли том остида қолдилар ва ҳалоқ бўлдилар. Ул дедиким, манга Тенгри таоло басдур, алар бўлмаса. бўлмасун! Булардин сўнгра ҳеч нимаси, балқи ҳеч қиши қолмади, муворак қисмига беморлиқлар ва балолар юзландн. Доғи қароҳатлар бўлуб, қуртлар тушти, доғи ул қароҳатлар исланиб, ул навоҳий қалқи андин мутанаффир бўлуб, ароларидин ани ихроҷ қилиб, бир номуносиб ерга қолдилар ва теғрасида ҳеч қиши қолмади. Қарамидинқим, отини Қарима бинти Яъқуб а. с. дебдурлар ва бинти Иброҳим бинни Юсуф а. с. ҳам дебдурлар. Ва Қарима ё муздурлуқ, ё қадойлиқ қилиб, Айюб а. с.га қут қелтурур эрди. Ва Айюб. а. с. ул қалийятқа қабр қилиб, Тенгри таоло тоатидин хотирига ўзга нима қечмай, дерларқи, шариф қаданидин бир қурт ағар тушса эрди, қана олиб ўрнига қўяр эрдиким, сизга ҳақ бу насиб қилгон рўзидин маҳрум бўлманг. Ва қайтони лаъин Қаримага хар навъ игволар қилур эрдиким, муҳофазати Айюб а. с.га етмагай. Тенгри таоло ани қайтон мутобаатидин асрар эрди. То улқим, бир қун бир қайфа сурати бирла Қаримага учради. Ва Қарима ул қун ҳеч нима топмайдур эрдиким, Айюб а. с.га қелтургай. Қайтон анга айттиким, менинг соқим бақоят қисқадур. Ағар қисулариңни қесиб, манга берсангқим соқимга уласам, мунча бақосин берурман. Қарима дедиким, Айюб а. с. қошига бу қун қут топмайдур, манга қису бўлмаса бўлмасун. Ўз қисулариң қесиб, анга қериб, олгон вақққа қут олиб, Айюб а. с. қошига етмасдин бурун ул лаъин Айюб а. с. қошига Қариманинг соқин қелтуруб, номуносиб сўзлар деди. Қарима қут қелтурғач, Айюб а. с. анинг соқин қўрмади. Машқурдуқим, аҳд қилдиким Қаримани юз йиғоч урғай. Қун ҳақ субқона ва таоло Айюбниң қалийятини ниқоятқа етқурди. Ва ул қамул қабр ва шукр қилур эрди. Малақут оламига шўр тушти ва қавғо. Ва малоика анинг фазл ва қабурлуқин эътироф қилиб, ўз сўзларидин нодим бўлдилар. Тенгри таоло иноят қилиб анга қият йиқориб, Қабраил а. с. қелди ва илиқин тутуб қўпорди. Ва

тамом куртлар танидин тушти. Ва ики жонибидин ики булог пайдо бўлди ва Жабраил а. с.нинг муборақ жисмини ул сувларга гусл бериб, борча жарохатлари бутти. Ва Рахиманинг поклигига тануглуг бериб, машхурдирким, юз супургу йигочни бир-бирига боғлаб, Рахима учасига уруб, ухд-ухдасидии чикти. Ва Айюб а. с.га Тенгри таоло зойеъ бўлгон амволидин ортугрок яна каромат килди. Баъзи дебдурларким, авлодин хам тургузди, баъзи барондурким, яна авлод берди ва анинг эвиги баъзи дебдурларким, олтун чугуртка ёғди. Ва баъзи анинг манзилин Шомдадур ва баъзи Хуросон вилоятида Роз Машхадда дебдурлар. Ва муддати нубувватида уч киши анга иймон келтурдилар ва балийятида муртад бўлдилар, сихотдин сўнгра Румга борди. Хўмилки, улугрок ўгли эрди, васий килиб, оламдин ўтти. Умри бобида ихтилоф кўп учун битилмади.

Ш е ъ р:

Бесабр улус гарчи жахондин кетти,
Айюб сабур доғи кетмай нетти.

Шуъайб а. с. Ани хатибул-анбиё дебдурлар. Иброхим ё Солих а. с. авлодидин эканда ихтилоф бор. Ва онаси Лут а. с. кизи эрди, оти Мико. Ва ҳақ таоло ани асхоби Мадян ва асхоби Айка хидоятига мабъус килди ва баъзи Мадян ва Айка асхобидин бир кавм дебдурлар. Ва алар кайл ва вазн ишида калблиг килур эрдилар. Ва танга ва пул сойир маскукотин нима котиб бе аёр ясар эрдилар. Ва ўғрилиқ ва карокчилик килур эрдилар. Ва Шуъайб а. с. мулозиматида келур элнинг йўлин тутуб, манъ ва изо этарлар эрди. Ва миллатлари бутпарастлик эрди. Шуъайб а. с. аларни туз йўлга далолат килиб, Тенгри таоло азобидин кўркутур эрди. Алар мукобаласида истихзо ва сафоҳат кплур эрдилар. Чун бу муддат татвил топти, ул кавм жаҳолатларидин Шуъайб а. с. тахвифин ёлгон хиёл килиб, тамасхур юзидин азоб ваъдасига такозо кўргуздилар. Шуъайб а. с. муножот килиб, «Раббана фатх байнано ва байна кавмино билҳаққи ва антахайр-ул-фотихин» такаллуми била тазарруъ килди. Тенгри таоло ети кун хавонинг хароратин ул мартабада килдиким, ул кавм бетокат бўлуб, аёл ва атфоллари била шахрларидин чиқиб, беша ва дарахтистонга юзландилар. Ва Ибни Аббос разийаллоху анҳудин манкулдурким казои илоҳи дўзах ўтидин шуъла йибориб, борчасин ўртади. Ва тарих аҳли ани хам самум елига иснод килибдурлар. Хар тақдир била Шуъайб а. с. Иброхим а. с. шариатида даъват килур эрди ва даъвати муддатида минг етмиш киши даъватида кирдилар ва ул кавм ҳалокидин сўнгра, ҳақ таоло амри била ҳамул ерда сокин бўлди, то Мусо а. с. анга кўшулди. Ва Мусо а. с. айрилгондин сўнгра, ети йил ва тўрт ой ҳаётда эрди. Умри икки юз йигирмага еткондин сўнгра охират оламида юзланди ва Маккада рукну ва маком орасида мадфундур. Ва асхоби рас зикриким ўтти, баъзи Шуъайб а.с. замонида дебдурлар. Ва Шуъайб а. с.ни сурённый тили била Шируб дебдурлар. Ва муъжизотидин бири улким, куффор тошни мис килмок тиладилар, анинг дуоסי била борча тошлар мис бўлди. Чун ақида килмадилар, яна аввал холига борди.

Ш е ъ р:

Шуъайб айлади чун жахондин хиром,
Зухур этти Мусо алайҳис-салом.

Мусо ва Хорун а. с. Мусо а. с. улул-азмдур ва лакаби Калимуллохдур. Ва Яъкуб а. с. авлодидиндур. Ва бу киссанинг ибтидоси будурким, Юсуф а. с. ки, Раён бинни Валиддин сўнгра Кобус замонида рихлат килди. Кобус бани Исроилни забун килиб, азим аниф таклифлар килур эрди. Ва борчасин ўз убудийятига мансуб килиб, кибтиларгаким ўз кавми эрди, ожиз ва зеридаст килиб эрди.

Чун ул Фиръавн жаханнамга борди, кардоши Валид бинни Мусъабки машхурдирким, Фиръавн улдур. Миср салтанатида ўлтурди ва кўп йил халкни бутпарастликка таклиф килди. Чун салтанати замони имтидод топти, мабхут димогига фосид хиёл бўлуб, «Ана раббукум-ул аъло» даъвоси била элни ўз ибодатида таклиф килди, чун салтанати замони имтидод топти ва улухийят муддаоси била жаббор сифатлиг бунёд килди. Ва бани Исроилга жафо ва ситамни хаддин ўткорди. Ва андоки, шархи кўпрак таворихда мастурдур ва халк орасида машхур. Ва кибтиларга риоят килди.

Ва ул малъун бир кеча туш кўрдиким, Шом соридин бир ўт пайдо бўлуб, мисрийларнинг бог ва саройларин куйдурди. Ва кент ва шаҳарларидин асар кўймади. Вахм била уйғониб, кохинларни тилаб, бу тушнинг таъбирин тилади. Алар дедиларким, ул соридин биров мутаваллид бўлгайким, санинг давлатинг ва миллатинг заволига сайъ килгай ва бани Исроилдин бўлгай. Ва кибтилар заволи ондин бўлгай. Фиръавн зуафо тайин килдиким, бани Исроилдин хар ўгул мутаваллид бўлса, ўлтургайлар. Беш йилдин сўнгра бани Исроилга тоун захмати воқе бўлуб, кўп халк зонеъ бўлди. Кибтилар Фиравнга айттиларким, бу тоифанинг атфолин сен ўлтурасен, улугларин тоун. Оз вақтда тугонурлар. Бизинг хизмат ва пайкоримизни ким килур?

Фиръавн нодонлигидин буюрдиким, атфолни бир йил ўлтурсунлар, бир йил кўйсунлар.

Бахшиш йили Хорун а. с. мутаваллид бўлди ва гайри бахшиш йил Мусо а. с. мутаваллид бўлди. Тафсили будурким, кохинлар дедилар, Фиръавнгаким, ул мавлуд фалон кеча Искандарияда ота пуштидин раҳмга борур. Фиръавн Искандарияга бориб, ул кеча жамиъ бани Исроилни зуафодин айирди ва ўзи эса Осия бирлаким харами эрди, хилват ихтиёр килди. Ва Имрон Мусо а. с.нинг отасиким, мукарриб кишиси эрди, бог эшикида кўйди. Зуафо сайрда эрдиларки, бог эшикига еттилар, Имрон хотунин кўруб майл килди.

Алкисса, Мусо а. с.ни онаси хомила бўлди ва Мусо а. с. нинг бир муъжизи буким, онасининг хомила эркани ўзга зуафодек маълум бўлмас эрди. Ва муаккалаларга вукуф хосил эрмас эрди. Чун Мусо а. с. мутаваллид бўлди, онаси ани бир тобутка момуклар орасида таъбия килиб, дарзларин кир била тутуб, Нил рудига солиб, Тенгри таолога топшурди. Ва Фиръавннинг бир кизи бор эрдиким, анга барас иллоти бор эрди. Ва иложидин атиббо навмид бўлуб эрдилар. Кохинлар ушбу тарихда деб эрдилар, бир зулхаёт дарёдин чиккойким, анинг огзи луобидин ул мараз дафъ бўлгай. Киз онаси била хамул ваъда куни Нил кирогинда ўлтуруб эрдиларким, ул тобут етиб, бир дарахтка банд бўлди. Канизаклар ул сандукни келтурдилар, Осия очти, тифли кўрдиким, бормогин эмадур эрди. Яна Мусо а. с.нинг муъжизи буким, огзи суйи била ул барас филхол дафъ бўлди ва Осия анга Мусо от кўйдики, ибрий тили била маъниси сарв дарахтидур. Она ва киз Мусо а. с.ни Фиръавн кошига келтурдилар. Ва Фиръавннинг кўзи анинг юзига тушкоч, Тенгри таоло Мусо а. с. мухаббатини анинг кўнглига солиб, халки айттиларким, бу хамул тифлдурким тилар эрдинг, катлида таъхир килма. Аммо Осия айттиким, «Кудрату айнен ли валака ло тактулуху асойан янфаано авнаттихизаху валадо» .

Фиръавн анинг катлин Осияга багишлаб, Осия анинг мухофазати учун сутлук зуафо келтурди. Хеч койсининг сутин ичмай, иттифоко онасини хам келтуруб эрдилар,

онасининг сутин ича киришти ва онаси сути била парвариш топти. Бир ёшогондин сўнгра Осия Фиръавн кошига келтурди. Фиръавн кўйнига олгоч, илик уруб, анинг саколин тутуб, тортиб неча килин узуб, Фиръавн газаб килди, доги Мусо а. с.нинг катлига ҳукм килди. Осия монёъ бўлдиким, атфолни бу навъ харакотка мухотаб килса бўлмаским, аларга шуур ва гараз бўлмас. Имтихон учун буюрдиким, бир табакда ўт ва бир табакда ёкути ахмар келтурдилар. Мусо а. с. илайига кўйдилар. Мусо а. с. илик ёкут табакига узотти. Аммо Жабраил а. с. иликин ўт табаки сори мойил килди. Ва Мусо а. с. бир чўғни олиб, огзига солди, тили куйди. Дерларки, муборак тилида лакнат воқеъ бўлдиким, син харфин яхши айтаолмас эрди. Андоки, муножотида «Вахлул укдатан мин лисони» андин хабар берур. Фиръавн бу ишни кўргач, мунбасит бўлуб, Мусо а. с.ни Осия анинг кошидин элтиб, тарбият килур эрди, то ўн ёшига етти. Ва ани салотин авлоди ва дастури била гоят зеб ва тажаммулда асрар эрди. Ўтуз ёшига еткач, кибтиларнинг ашрофидин бирининг кизин анинг никоҳига киярди. Ва ул тўйда мулк дастури била ойинлар боғлатти. Ва Мусо а. с.га ики фарзанд бўлди. Ва ул муносибат асли била бани Исроилга кибтилар зулм килганда раҳм килур эрди. Бир кун сайрда кўрдиким, бир бани исроилийга Конун отлиг кибти зулм килгонда шиддат била изо киладур. Ул насихат юзидин манъ килди. Ва ул мумтонёъ бўлмади ва изони орттурди. Ва чун ул бекондалиги хаддин ўтти, Мусо а. с.нинг газаби ўти муштаил бўлуб, ул кибтини ургоч, йикилиб ўлди. Фиръавн эшиткоч, Мусо а. с. катлини кўнглига жазм килиб, анинг изхориға ҳукм килди. Хамул нажжорким, анинг онаси ани сувга солурда сандук йўнуб эрди, куфрдин ёниб, дин қабул килиб эрди, Мусо а. с.га ул холдин хабар берди. Мусо а. с.га чун хануз нубувват рутбаси етмайдур эрди, вахмдин яёғ Мисрдин кочиби, ети кеча-кундуз кўп риёзат била йўл катъ килиб, бир чох бошига етиштиким, Мадойин навохийсида эрди. Ва анда бир дарахт соясида сокин бўлди. Бир лахзадин сўнгра эл гала каросин ул чох бошига суворгали келтуруб, чох устида ёпкон тошни олиб, колин кўй ва мавошийга сув бердилар. Доги чохга тошни ёпиб, галаларин суруб кеттилар. Ики заифа бир неча кўйни кироқга асраб эрдилар, эл кеткондин сўнгра, кўйларин суворуб, эл мавошийсидин колгон сувни ўз кўйларига бердилар. Мусо а. с. ул иштин мутаажжиб бўлуб, ул зуаффонинг кайфияти холин сўруб, алар дедиларким, биз Шуъайб пайгамбар кизларибиз. Куффор кўйларин суворгондин сўнгра, ул галадин колгон туфайли сувдурким, биз ҳам сувлаб борурбиз. Мусо а. с. аларнинг кўйларига сув тортиб сероб килиб йиборди.

Алар хушнуд келиб Шуъайбка ул холдин хабар бердилар. Шуъайб а. с. Мусо а. с.ни уйига индаб, хасаб ва насабни маълум килиб, Сафура отлиг кизин анга атади. Шу шарт билаким, секиз йил Мусо а. с. Шуъайб а. с.нинг кутган миъод ўткач, Мусо а. с.ни уйландуруб, бирор нима молидин бериб, ўн йилдин сўнгра одам Сафийуллох бихиштдин чикаргон асони анга бериб, ани Мисрга узотти. Ва асо бобида сўз кўптур. Мабсут кутубдин билса бўлур.

Чун Мусо а. с. беш кун юруди, Тури Сино тогига етишти. Олтинчи кечаким хаво совуг бўлуб, булут оламни тийра килди. Сафурага тугурур дарди пайдо бўлуб, ўтка эхтиёж бўлди ва ул тоғ сори мутаважжих бўлдиким, ўт кетургай. Кўп юргондин сўнгра бир ёруглуг кўрунди, еткоч, ул ёруглуг бир дарахтда эрди, Мусо а. с. еткоч, дарахтка чикти. Ва ул ёруглуг кошида куёш нури тийра кўрунди, аммо йигочни куйдурмай яфроғ ва шохларин тозарок килиб эрди. Мусо а. с.га хайрат голиб бўлуб деди: Ё раб, бу на хол эркин? «Инни аналлох» нидоси келиб, Мусо а. с.нинг давлатманд бошига рисолат тожи кўюлди ва саодатманд эғнига нубувват хилъати кийдурулди ва яди байзо ва асо

мўъжизаси каромат бўлди. Ва орада ўткон муколама «Тохо» сурасида маълум. Ва Мусо а. с. ўз убудийяти ажзин зохир килиб, Хорун а. с.га ҳам нубувват давлати насиб бўлуб, Фиръавн хидоятига ва бани Исроил истихлосига маъмур бўлди. Мусо а. с. водийи мукаддасдин масрур ёниб, манзилга келиб, тонгласи Миср азимати килиб, ёткон кеча онаси уйига бориб, онаси ва халкини ўз динига киюруб, Хорун а. с.га нубувват башорати бериб, тонгласи Фиръави касрига юзланди. Ва анга нубувват фарридин элга махобат даст бериб, Фиръавн била мулокот килиб, ани Тенгри таоло убудийятига далолат килди. Ва ўз нубувватин изхор килиб, ўз динига йўл кўргузди. Фиръавн мўъжиза тилади эрса, Мусо а. с. асони илкидан солгоч, аждаҳое бўлдиким, хайбатидин неча киши халок бўлди. Фиръавн вахмдин беҳуш бўлуб, ўз холига келди. Сўнгра, илтимос килиб, Мусо а. с. асони олгоч, ҳамул асо бўлди. Ва асони олурда яди байзо кўргузди. Фиръавн деди: «Сен сохирсен, менинг ҳам сохирларим бор. Агар аларга голиб келсанг, сен дегондек килай, йўк эрса, сени халок этай». Сохирларин йигиб, холни аларга айтти. Алар қабул килдиларким, неча кундин сўнгра биз сеҳрлар килоликим, Мусо а. с. нинг сеҳрин ботил килгай.

Миъдод куни алар ип ва йигочлар била йилонлар ясаб эрдилар, ул даштка кўйгоч, мутахаррик бўлуб, Мусо а. с. асони ташлагоч, аждахо бўлуб, ул сеҳрларни ютти. Ва Мусо а. с. тутконда ҳамул асо бўлуб, ул: сахара бу холни кўргоч, Мусо а. с.га иймон кетурдилар ва бани Исроил масрур бўлдилар.

Осия даги Фиръавн мусохабати кудуратда батанг бўлди, ҳақ таолога муножат килдиким, «Раббибни ли индака байтан фил жаннати ва нажжини мин Фиръавна ва амалихи ва нажжини минал кавмиззолимин». Ҳақ таоло дуосин мустажоб килди ва Фиръавн бани Исроилнинг сурурин кўруб, сойир кибтиларга буюрдиким, аларга бурунгидин кўпрак изо килгайлар. Алар Мусо а. с. хазратида тазарруъ ва тазаллум килдилар эрса, Мусо а. с. кибтилар бобида дуо килди ва балийят алар сори юзланди. Ул эл уч йил қахат балосига гирифтор бўлдилар. Иккинчи, тўфон балоси эрдиким, баъзи ёгин дебдурлар, баъзи тоун, ўзга нималар ҳам дебдурлар. Бу бало ети кунгача бўлди ва аксар ашрофлари ўлди. Ва учунчи, чугуртка балоси эрдиким, борча мазруот ва жихотларин нобуд килди. Бу ҳам ети кун эрди. Тўртинчи, камл балоси эрдиким, аъзоларига, балки кулок ва кўзларига тушуб, кўпини маъдум килди. Анда ихтилоф кўптур. Бешинчи, зафъ балоси эрди. Чун булар била ул бадбахтлар танбих бўлмадилар. Олтинчи бало ул эрдиким, ҳақ таоло аларга Нил суйин кон килди. Бани Исроилга сув эрди, кибтига кон. Бу ҳам ети кунга тортти. Етинчи бало ул эдиким, азим еллар ва тийра хаволар ва раъду барк аларни халок этти. Ва секизинчи бало ул эрдиким, ёзи вухуш ва сибоъини ҳақ таоло аларга мусаллат килдиким, азоб килдилар. Хар бало бўлгонда шарт килур эрдиларким, дафъ бўлгонда, имон келтироли. Мусо а. с. дуо била дафъ килгоч, куфрда музиррок бўлуб, бани Исроилга зулм кўпрак килур эрдилар. Чун Мусо а. с. Фиръавн била кавмидин ноумид бўлди, ўз кавми бани Исроилга ҳақ таоло амри била буюрдиким, Мисрдин чикиб, Нил кировинда тушунлар. Ул кавм буюргондек килдилар. Ўткон балиёт асносида Фиръавн сархи мумаррадни Хомонга буюрдиким, осмонга чикиб, Мусо а. с.нинг тенгриси била урушай, деб кўп муддат устодларни жамъ килиб, ул сархни ясадиким, «Ё Хомонубни ли сархан» анга долдур. Ва анинг иртифоъин баъзи тўрт йигоч ва баъзи мундин ортук дебдурлар. Фиръавн чун ул касрга чикти, осмон анга ердин кўрунгондек кўрунди. Мунфаил тушкондин сўнг, ҳақ таоло амри била ул каср нобуд бўлди. Чун Мусо а. с. кавмин Нил кировинда таъбия килди, Мусо а. с. нинг тобутин анинг васияти мужиби била олиб чиктилар. Ва ул макбара

Нил руди ичинда қолиб эрди, Мусо а. с. дуоси била сув анинг устидин кетти. То ғрни қозиб, тобутниким, баъзи тошдин, баъзи шишадин дебтурлар, чикордилар. Фиръавн бу холатдин вукуф топгоч, черик тортиб, Мусо а. с. рӯбарӯйига чикти. Ул сипахнинг ададин хисобдин тошқари дебтурлар. Мусо а. с. бағоят мутаваххим бўлди, Мусо а. с.га нидо келдиким, «Изриб биасокал бахра»

Мусо а. с. ҳақ таоло амрин бажо келтурди. Нил дарёсида ўн ики ерда сув айрилиб, ўн ики кўча сув пайдо бўлди. Исбот адади била мувофик Мусо а. с. ҳақ сабт кавмини бир кўчага кирарга фармон буюрди. Аларга буюргондек қилиб, чун ҳақ таоло амри била дарё туби қуруб эрди, солим ўттилар. Фиръавн сув киргогига еткач, ул холни мушоҳида қилгоч, аъзосига раъша тушуб, сувга кирарда мутараддид бўлди ва Хомон игвоси била отин сурди. Ва қибтилар доғи қирдилар. Чун тамом черикдин бири тошқори қолмади, хануз бири сувдин чикмайдурлар эрдиким, сувга амр бўлдиким, муттасил бўлуб равон бўлди. Қаххорлиғ ва мунтақимлик баҳри муталотим бўлди эрса, бир лахзада Фиръавн била андоқ азим сипоҳдин осор қолмади. «Наузу биллоҳи мин ғазабиллоҳи ва наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин саййиоти аъмолино» .

Ва бу воқеа ошуро қунида содир бўлди. Ва неча қун ул дарё юзида ва ики қирогига қибтилардин лошай эрди, ниҳоятсиз зеб ва тажаммулким, аларнинг либосида эрди, Мусо а. с. кавмига иршод қилур эрдиким, бу амволга тасарруф қилманг. Саодат аҳли маъмур бўлуб, шақоват аҳли ул жиходин ихтиёр қилиб жамъ қилур эрдилар. То оқибат аларга етишгон қуйроқ мазкур бўлғай, иншоаллоҳул-азиз. Ва Мусо а. с. Ювшаъ бинни Нунга қолин сипах қўшуб, Мисрга йиборди. Ва ул Мисрни фатҳ қилиб, қибтилар амволин ва сойир жихотин забт қилиб ҳам қибтидин бир қишини валиаҳд қилди, доғи Мусо а. с.га қўшулди. Ва Мусо а. с. муҳаррам ойининг ўн икисида сув яқосидин қўчуб азимат қилди. Ул ёнқи Тенгри таоло амри эрди, баъзи Рай шаҳрига дебдурлар. Чун бани Исроил доим Мусо а. с.дин илтимос қилурлар эрдиким, бир алоҳида шарият бизинг учун Тенгри таолодин тиласангким, ул дастур била амал қилсак. Ул ҳазрат муножот қилиб, хитоб келдиким, Тури Сино тоғига бориб, ўтуз қун рўза тутуб, улча тиларсен етсун.

Мусо а. с. кавмининг хилофатин Хорун а. с.га бериб, кавм ашрофидин етмиш қиши айириб, ўзи била олиб Тури Синотоғига бориб, миъод муқаррар қилдиким қачон қелгаи. Чун рўза айёми ул муқаддас водийда муътақиф бўлди, Жабраил а. с. қелиб, пайғом қелтурдиким, яна ўн қун дағи бу дастур била ўтқар. Чуи қирқ қун ўтти, Мусо а. с. Турга мутаважжих бўлуб, ул жамоат қолдилар. Ораларида бир булут пайдо бўлуб, монёъ бўлди.

Мусо а. с. била ҳақ субҳона ва таоло тилсиз тақаллум қилди ва ўн лавҳ йиборди. Ва анда шарият аҳкоми марқум эрди. Ва Мусо а. с. руъят истиъдоси қилиб муяссар бўлмади. Чун рафиқлари қошига қелди, ул кавмлари ҳақ таоло қаломин эшитурни истидъо қилдилар. Борқани ғзаби илоҳи ҳалок қилди. Яна Мусо а. с. қойтиб, кавмга мулҳақ бўлди, ул ўн қун жихатидинким мавъидга ўтуб эрди, кавм Сомири игвоси била ғўсолапараст бўлуб эрдилар, мағар ўн ики минг қишиким исботдин эрдилар.

Мусо а. с. бу қолдин мутаажжиб бўлуб, Хорунга ғзаб оғоз қилди. Хорун а. с. масмуъ узр этиб ва Сомири қобида ёмон дуо қилди ва ғўсолани қуйдурди. Ва кавм қобида ҳақ таолодин хитоб келдиким, ул ўн ики минг қишиким ғўсола парастин қилмайдурлар, жамъ бани Исроил элини қатл қилсунлар. Қариб рустоҳез тушти ва ажиб қатл воқеъ бўлди. Яна Мусо а. с. дуоси била Тенгри таоло аларнинг қолқонин боғишлади ва тиг юрумас бўлди. Мусо а. с. буюрдиким, қатлдин илик торттилар. Яна Мусо а. с. бориб муножот қилди, «Таврот» нозил бўлди. Ва ул қирқ муҷаллад эрди. Ва анинг аҳқомин

кавм эшиттилар ва қабул килмадилар ва дедилар: «Самиъно ва асайно». Мусо а. с. га яна малолат бўлуб, Жабраил а. с. Тур тоғини ердин кўториб, ул кавм боши устига келтурдиким, Тенгри таоло ҳукмин эшитмасалар, бошларига ургайлар. Заруратдин сажда килдилар, аммо ваҳмдин бир юз била сажда килиб, бир кўзлари юкори тоғ сори эрдиким, тоғ тушмагай. Андоқки, яҳудга бу дастур бўлдиким, эмди доғи бир юзлари била сажда килурлар. Чун кавм дин қабул килдилар, яна Мусо а. с. дуоси била ул тоғ алар боши устидин гойиб бўлди. Ва, тўрт аҳкоми олти юз ўн учга қарор тутти. Ва Мусо а. с. кавмини бошлаб, Мисрга мутаважжих бўлди. Ва Мусо а. с. сексен яшагонда Тенгри таоло амри била бир сандук ясаб, жавахир била мурассаъ килиб, алвоҳи самовийни анда солиб, теғрасига ҳафтранг дебодин шодурвон ва саропарда тикиб, анинг муҳофазатин Хорун а. с. ва авлодига муқаррар килди. Ва ани сандуқуш-шаҳода дедилар. Ва ул тавобеъ байтул-муҳаддаска шуҳрат тутти. Ва бу учурда бани Исроил Омил отлиғ кишини қардошининг ики ўғли моли учун ўлтуруб, ики кавм орасига солдилар ва қотилни топмоқ учун Мусо а. с. га илҳок бунёд килдилар. Мусо а. с. ул ики кавмгақим, мактул аларнинг орасида толилиб эрди, қассомага ҳукм килди. Алар қабул килмадилар ва дедиларқим, дуо қил, то қотил топилсун. Дуо килди. Тенгри таоло ҳукм буюрдиким, бир ўйин келтуруб ўлтурунг ва анинг бир узвини мактулга урунг, то айтсунқим, қотили қимдур. Алар ўй сифатида илҳох қилиб, ўзларига ишни душвор килдилар. То иш анга еттиқим, бир ўйқим ўрта ёшлиғ, ранги сориг, зироат ва юк захматин қўрмаган бўлғай ва нопок ерда ўтламамиш бўлғай ва умрида анга машаққат етмамиш бўлғай, топқулук бўлдилар. Андоққим, Бақара сурасида мазқурдур. Ва топқондин сўнгра иёси баҳосида муболага қилиб, ўй терисини ёрмоқ тўлдуриб анга берур ваъдаси била ўйни олиб ўлтурдилар. Ва этидин ўлукка уруб, ўлук тирилди. Ва Мусо а. с. андин қотилин сўрди. Ул ики қотилни қўргузди ва ҳамул замон Тенгри ҳукмин бутқарди. Мусо а. с. қотилларин қасосқа етқурди ва ул ўйни қуйдуруб, қулин асрадилар. Хар қачон бу навъ иш воқеъ бўлса, анинг қулидин ҳам бу ҳосият топар эрдилар. Ва ул мўъжиза Хорун а. с. авлодида эрди.

Ва бу воқеадин сўнгра, бани Исроилга Қурбон фарз бўлди ва Қорон жўясида Шуъайб а. с. қелиб, Мусо а. с. ни қўрди. Мусо а. с. азим жашн қилиб, Шуъайб а. с. ни знёфат қилди. Ва Шуъайб Мусо а. с. га буюрдиким, сибтининг раёсатни бир қишигақим, алар орасида ақл ва қиёсат ва шижоат била ораста бўлғай, муқаррар қилди. Ва ул ҳалойикнинг ададин дафтарларда мастур қилдилар. Олти юз мингдин ортуғроқ эрдиларқим, йигирми ёш била элликнинг орасида эрдилар. Шайх ва шабобининг ниҳояти йўқ эрди. Ўн ики қиши буларга сардор бўлдилар. Ва бу вақт ҳавонинг харорати чоғи эрди. Ҳақ таоло Мусо а. с. нинг чериқи устига доим бир қаро булут йибориб эрдиким, қўланка қилғай.

Ногоҳ Хорун била Марямнинг хиёлларида бу кечтиқим, насаб ва ҳасабда биз Мусодин қам эмасқим ва башарият жихатидин бир неча нима Мусо а. с. нисбатига. Дедиларқим, ул ҳазрат ул нималардин бири эрди. Ул булутдин бу иш манъига нахийб ун қелдиким, эй бани Исроил, сизга не ҳадқим, Мусо а. с. била ўзунгузни тенг тутқайсизқим, бу қунгача барча мурсал пайғамбарларни Жабраил воситаси била ва илҳом била ва рўё била ўз қитобимизга мушарраф қилибқим. Ва анга воситасиз ўз қаломи мажидимизга тақаллум қилибқим ва анга берилган мўъжизот ҳеч қасулга берилмайдур. Бу ун муртафнъ бўлғоч, ул булут доғи гойиб бўлуб ҳаво остида харорат топиб, Хорун а. с. била Марям Мусо а. с. ҳазратида ул ғустоҳликдин истиғфор қилдилар ва ул афв қилди. Аммо Марям юзига барас иллати зохир бўлуб, ул ҳам Мусо а. с. дуоси била дафъ бўлди. Яна Қорун

киссасидур. Ул бани Исроилда илму фазлда мунфарид эрди. Ва гоят хусн ва жамолидин ани мунаввар дерлар эрди. Ва Мусо а. с.нинг якин каробатидур. Ва Мусо а. с. анинг тарбиятида муболага килур эрди. Ва улуи гариба ва фунуни ажибаки, файзи илохидин муборак замирига мунаккаш эрди. Анинг фахми етконча не анга таълим килур эрди, бу жумладин, кимё илмидурким, Корун ўргониб анга иштигол кўргузди. Ва анинг молу тажаммули ул ерга еттиким, хазойину кунузларининг калидларин кирк хачир кўтарур эрди. Аксар бани Исроил анга мункод бўлдилар.

Мусо а. с. анга амр килдиким, мингдин бир закот Тенгри таоло хукми била бергил. Ул бетавфик ибо килди, бу Байтул-мукаддас ва сандуки шаходат ихтиёрики Хорун а. с.га тааллук эрди, истидъо килди. Мусо а. с. айттиким, ул ишлар хак таоло амри била анга карор тутубдур. Андоки, мунча зохир асбоби санга мутааллик бўлубдур. Корун Мусо а. с.га ихонат ва истехзо килиб, бир заифага кўп мол бериб буюрдиким,, Мусо халойикка ваъз ва насихат килурда, ул заифа кўпуб, Мусо а. с.га ўзи била тухмат килгай ва таврия хукми била Мусо а. с.ни бани Исроилга буюруб сиёсат килдургай. Ул вақтни асраб, ул хотун кўпуб, бу сўзни айтурда Тенгри таоло тилига рост сўзлар солдиким, Корун анга буюртубдур. Ва сўзи тугагондин сўнг, иймон арз килиб Мусо а. с.га узр кулди. Мусо а. с.га Корун ишида газаб муставлий бўлуб, муножот килиб, Жабраил а. с. келиб, хукм келтурдиким, биз ерни санинг фармонингда килдук, Хорун хар нега шойиста бўлса кил. Мусо а. с. хушхол бўлуб кавмга буюрдиким, Тенгри таоло мени Корунга музаффар килди. Хар ким анинг тобеъидур, анга кўшулсун, манинг тобеъим манга котилсун.

Кавм мутаваххим бўлуб, Мусо а. с.га кўшулдилар.. Мусо а. с. ерга айттики, «Ё арзи хузиhi». Ер Корунни ошугигача ўзига тортти. Хорун дедиким, эй Мусо яна сеҳр оғоз килдинг. Мусо а. с. айтти: «Ё арзи хузиhi». Тизигача ерга ботти. Корун мутаваххим бўлуб», узр оғоз килди. Мусо а. с. га макбул тушман ерга амр айтар эрди ва ер ани куйирок тортар эрди, то тамом ерга кирди ва гум бўлди. Хитоб келдики, ё Мусо, Корун сендин етмиш котла иймон тилади ва топмади. Бир котла биздин тиласа эрди, кабул килур эрдук. Мусо а. с. дедиким, мен доғи кўз тутар эрдимким, сандин иймон тилагай. Такдиринг йўк эрди, тиламади. Андин сўнгра кавм арозил ва ботилга гумон бўлдиким, Мусо а. с. Коруннинг моли тамаъига ани халок килди. Мусо а. с. дуо килдиким, анинг йигилгони мажмуъи ерга кирдиким, ҳеч нима колмади. Ва Мусо а. с. га амри илохи нозил бўлуб эрдиким, Шом диёрига аъмолика ва жабборлар дафъин килгай. Ва ул тоифа багоят захим ва жасим эл эрдилар. Авж бинни Унукки машхурдурким, боши булутка суртулур эрди, ул кавмдин эрди. Мусо а. с. ўн ики нақибниким, кавмнинг сардори килиб эрди, йибордиким, Шомга бориб, ул кавм ахволининг кайфиятин билиб, хабар келтургайлар. Ўзи кавм била алар сўнгича тебради. Алар Шомга етиб иттифоко Авж бинни Унукка йўлуктилар ва Авж аларни тутуб, баъзи дебдурларким, этокига солиб, баъзи дебдурларким овучига олиб, подшоҳ қошига элттиким, бу тоифа келадур эрмишки, мулкни биздин олгайлар. Тамасхур килиб, ул жамоатни кўйдилар. Койтиб шарт килдиларким, кўргонларин Мусо а. с.дин ўзга кишига демагайлар, кавм эшитсалар, таваххум голиб бўлуб, мунхазам бўлмагайлар. Аммо кавмга еткондин сўнгра Ювшаъ бинни Нунга Колаб бинни Юфнодин ўзга ўн рафик юруб, кавмга айттилар: Мусо а. с. Шом азиматин мусаммам килиб, бани Исроил дедиларким, бизга аъмолика била урушур кувват йўктур, урушга бормасбиз. Эй Мусо, агар Шом мулки ҳукуматин тиларсен, «Изхаб анта ва раббука факотило». Мусо а. с. кавмидин ранжа бўлуб, сажда килиб айттиким, «Рабби инни ло амлику илло нафси ва ахи, фафрук байнано ва байнал кавмил фосикин». Ва Ювшаъ ва Колут йиглаб, кавмни ёмон дуо килдилар. Хамул замон хитоб

келдиким, Эй Мусо, неча бу кавм бизинг возиха оёт ва лойиха баййинотимизни кўруб, тамарруд ва исён килгайлар. Чун буларни фосик дединг, жазоларин беролди. Бу ваиъддин сўнг, ул ўн кишиким, ахдларин синдурб эрдилар, жасадлари эриб окти! Ва кавм колиб, Мусо ва Хорун ва Ювшаъ ва Колут а. с. Шомга азимат килдилар. Ва бани Исроил Мисрга ёндилар. Ва ул кун тонгидин окшомгача йўл юруб, окшом манзилга тушгондин сўнгга кўрдиларким, хамул кўчгон манзил эрди. Хайрат била тонгласи кўчуб, яна бу холни кўрдилар. Билдиларким, ул афъоллари жихатидин Тенгри таоло аларни бу балого гирифтор килди, ердин чикардин ноумид бўлуб, ерлик ерига тушуб, кўнгулларин балого кўндилар.

Мусо а. с. чун асхоб била Шомга еттилар, ул кишиким аввал аларга учради, Авж бинни Унук эрди. Дебдурларки, Авж бир тоғ порасин кўториб, жамиъ кавмнинг устига ташлаб, борисин халок килди, деб келадур эрди. Сониъи корсоз кудрат изхорига худхудга амр килдиким, ул тоғ устида ўлтуруб чўкугоч, андок тешилдиким, Авжнинг бўйнига тушуб, ани халок килди. Баъзи дебдурларким, Мусо а. с. асоси зарби била ўлди.

Ва Мусо а. с. асхоб била кавм сори келдиларким, бу киши халок бўлди. Алар ул холларин арз килдилар. Мусо а. с. дуо килиб, аларга карак ва таранжабин ёғар эрди. Ва бир тоштин ики булог жорий бўлуб, алар сероб бўлур эрдилар, то ҳақ таоло ул кавмни кирк йил ул бодияда азоб била халок килдиким, бири колмади. Аммо кудрат кўргузуб, тихада бўлгон авлод ва атбоъларин аларнинг адади била мувофик биёбондин нажот берди ва кавмдин хамул тўрт бузургвор чикдилар. Мусо а. с.нинг фазлу илм ва нубувват жихатидин мартабаси андин ўттиким, укул хавсаласига сикимай, ё тилига, ё кўнглига кечтиким, оё бу кун олам юзида Тенгри таолонинг мендин донорок бандаси борму экан? Хитоб келдиким, эй Мусо, ўзунгдин олимрок бандани кўрар бўлсанг, мажмаул бахрайнга бор. Мусо ва Ювшаъ а. с. ул мавзиъга бордилар ва бир тош устида булог бошида озукларни унуттилар. Ва ул кок болиг эрди. Хизр а. с. макдами баракотидин ул болиг тирилиб, талпиниб ўзин сувга солди. Мусо а. с. Ювшаъдин жуъ дафъига нима тилади эрса, Ювшаъ з. с. айтти, зодни фалон тош устида унутибмен. Иков ёндилар: «Кола Араайта из авайно илассахрати фаинни наситул хута». Чун ёниб ул мавзиъга еттилар. Мусо а. с. Хизр а. с.га мушарраф бўлуб, андин мусохабат истидъоси килди. Хизр а. с. дедиким, шояд санга менинг мусохабатлигим токати бўлмагай. Мусо а. с. дедиким, «Сатажидунини иншо аллоху собиран вало аъси лака амро» бу шарт била иков бир кемага кирдилар ва бахр катъининг асносида Хизр а. с. ул кеманинг тубин тешиб, маъюб килди. Басе захмат била ясадилар. Мусо а. с. таажжуб килиб, сабабин сўрди. Хизр а. с. айттиким, «Алам акул иннака лан тастатиа майя сабран». Мусо а. с. хомуш бўлуб, кемадин чиккондин сўнг бир шахрга еттилар. Сурук атфол ўюнга машгул эрдилар. Хизр а. с. алар орасидин бир тифлни халок килди. Мусо а. с. ни хайрат беихтиёр килиб, яна ул иш кайфиятидин савол килди. Яна Хизр а. с. дедиким, «Алам акул иннака лан тастатиа майя сабран». Мусо а. с. яна дегондин пушаймон бўлуб, азимат килиб, кечкурун бир шахрга еттилар.

Ибн Аббос розияллоху анху дебдурким, ул Антокия шахри эрди. Кеча анда бўлуб, ул элдин таом тилаб, алар ибодат килдилар. Иков андин ўтуб, бир ерга еттиларким, бир бузук девор эрдиким, оз асари колиб эрди. Хизр а. с. ул деворни иморат килиб, бийик килди. Мусо а. с. яна таажжуб килиб, бетокат бўлуб дедиким, бу деворни не жихатдин иморат килмокга боис эркин. Хизр а. с. дедиким, бизинг оромизда мусохабатлиг ушмунча бўлгай. «Кола хозо фи року байни ва байника». Ва лекин уч иш хикматин Мусо а. с. сўруб, Хизр а. с. айттиким, кема гаркига жихат ул эрдиким, чиккон вилоят подшохи Манзар отлиг

золим кишидур. Элнинг бутун кемасин зулм била олур эрди ва бу кема ўн факирнинг эрдиким, маошлари анинг ижараси била кечар эрди. Бу кемани анинг учун тештимки, пайвандлиг кўруб, маъюб деб олмагай, то ул факирлар маош жихатидин ожиз бўлмагайлар. Ва ул тифлки ўлтурдум, мусулмон элнинг ўгли эрди ва улгойса, кофир бўлгуси эрди. Анинг маслахати бу катлда эрдиким, куфр ахли зумрасига кирмагай ва азоби дўзах муставжиби бўлмагай. Аммо бу вайрона иморатига сабаб бу эрдиким, бу шаҳрда ики ятим тифлдурким, ато-ано солих эркандур. Ва ул атфол учун бу девор орасида ганж мадфун килибдурлар. Алар булуг хаддига етиб, муни тасарруф килурдек бўлгунча, бу девор мунхадим бўлур эрди. Ва алар ўз хакларин топмаслар эрди. Бу нишона жихатидин топкусидурлар.. Мусо а. с. Хизр а. с.нинг илмига муътариф бўлуб, хайрбод килиб, бир-биридин айрилиштилар. Баъзи бу воқеани тихадин бурун, баъзи сўнгра дебдурлар. Аммо асах улдурким, тиха балийяси айёмида эркандур. Баъзи таворихда Хорун а. с.нинг воқеасин тиха балийясининг учунчи йилида дебдурлар ва баъзи ул балийянинг киркинчи йилида ва анинг шархи будурким, мазкур-бўлгон тарихда Мусо а. с.га ваҳйи келдиким, Хорун а. с.га ажал етибдур. Анинг била фалон мавзиъга бор. Мусо а. с. Хорун а. с. била ул сори мутаважжих бўлдилар. Бир ерга еттиларким, бир мутакаллиф уйда бир зебо тахт кўрунди. Хорун а. с. Мусо а. с. га айттиким, хотирим орзу киладурким, бу тахт устида ором топсам. Мусо а. с. айттиким, андок кил. Хорун а. с. истидъо килдиким, Мусо а. с. даги анинг била ёткай. Мусо а. с. қабул килди. Чун иков тахт устида ёттилар, Хорун а. с. рух вадиъатин ажал мутакозийсига топшурди. Мусо а. с. маълум килгоч, анинг мадфанига машгул бўлгоч, ул уй била тахт гойиб бўлди. Мусо а. с. ул кавмга келиб, хабарни айтти эрса, бани Исроил дедиларким, Мусо а. с. бу жихатдинки кавм андин Хорун а. с.ни кўпрак севарлар, ани ўзи катл килибдур. Мусо а. с. дуо килди, то ҳақ таоло ул тахтни Хорун а. с. била аларга кўргузди. Ва Хорун а. с. ул тахтдин кавмга манъ килди. Доғи яна ул тахт гойиб бўлди. Ва Мусо а. с. уй ва тахтни кўрган ерга олий иморат ясаб, Хорун а. с.нинг Алфозор отлиг ўглин отаси мансабида волий килди. Бу холдин сўнграким, Мусо а. с.нинг ёши юз йигирмига етиб эрди, бани Исроилни ҳозир килиб, аларга насихатлар килди. Ва котиблар ўлтуртуб, «Таврот»ни мутааддид битиб ва ўзи бирни муборак хати била битиб, Жабраил а. с. била тасхих килиб, сандикуш-шаходага солди. Ва ўзгаларни тасхих килгондин сўнгра ҳар кавмига бирин берди. Ва анинг тиловати ва ахкомининг ижросига васият килди. Ва ўз хилофатиини Ювшаъ а. с.га бериб, элни анга топшурди, элдин васикатлар олди. Ювшаъ а. с. хилофатига ва борча қабул килгондин сўнгра Ювшаъ била кавм орасидин чикти ва Ювшаъ а. с.ни кучуб, хайрбод килиб, кийгон кўнглоки орасидин гойиб бўлди. Ноинсоф кавм Ювшаъни Мусо а. с. катлига муттахам килиб, махбус килдилар. Кечаси Мусо а. с. кавм тушига кириб, ул ишдин манъ килиб тонгласи ани кўйдилар. Ва Мусо а. с. Хорундин уч ёш кичик эрди. Ва кабри маълум эрмаским койдадур.

Р у б о и й:

Мусоки, жаҳонга тушти гавгоси анинг,
Хорун эрди вазири доноси анинг.
Чун бўлди бихишт сори маъвоси анинг,
Не колди асо, не яди байзоси анинг.

Баъзи мутафаррик ахборки, ул чоғ воқеа бўлди, Фиръавн кизининг бир машшотаси

бор эрди. Бир кун анинг сочин тарарда тароги иликдин тушти. «Бисмиллох» деб ердин олди. Киз отасига айтти. Отаси ул заифани темир козуглар била чормих килиб, ўтлук кизик тошни бош ва юзига кўйдурди. Ул мазлума диндин ёнмади. Ва уч ойлик тифлни кизик танурга солди. Ва ул тифл онасига фасих тил била дедиким, «Исбири ё уммох факад васалти илаллохи ва нилти ризоху ва лайсал она байнаки ва байнал-жаннати илло хатватан авхатватайни». Бу холдин азим халк кибтилардин мусулмон бўлдилар. Ва Осия бинти Мизоҳум розияллоху анҳо анинг мактали мужмалан ўтти, чун тожуррижол эрди, онча била ўтса бўлмас. Нисбати Лут а. с.га етар ва Фиръавннинг акрабосидиндур. Баъзи анинг макталин дебдурларким, машшотани Фиръавн катл килурда, ул изтироб килиб, Фиръавнга котик сўзлаб, динни изхор килди. Фиръавн ани ҳам машшотага килган азоб била катл килди. Аммо азоби чогида Мусо а. с. дуоси била Тенгри таоло ул азобдин алам еткурмай, бихишти жовидонга элтти. Ва Мусо а. с.нинг муъжизоти борча анбиёдин кўптур.

Ювшаъ бинни Нун а. с. мурсал пайгамбардур. Ва Мусо а. с.дин сўнгра Шом хилофатин яхши килди. Ва кўпрак муфассирлар муттафикдурлар мунгаким, ҳақ субҳона ва таоло ул оятда дебдурким: «Ва из кола Мусо лифатоху ло абраху хатто аблуга мажмаал бахрайни ав амзия ҳукубан» иборат Ювшаъдиндур. Анга амр бўлдиким, Мусо а. с.дин сўнгра, Шом жабборлари яна истило топтилар, бориб аларни дафъ килган. Ювшаъ а. с. бани Исроил била мутаважжих бўлуб, Ардун рудига етконда, сув улук эрди, Мусо дуоси била Нил шак бўлуб черик ўтти. Ва Ари шахриким, матонат ва кўргони рифъатда васфдин тошкоридур, мухосара килди. Халойик айттиларким, бу калъани мухосара била олмок мумкин эрмас. Ювшаъ а. с. эшитиб, дуо килди. Ул кўргоннинг пораси йикилиб, кавм кириб тасарруф килдилар ва ганойимни Ювшаъ а. с. амри илохи била буюрдиким, куйдирдилар. Бир киши бир олтин тошин хиёнат килиб эрди, хоинга ҳам ўт тушти. Ва бу воқеадин сўнгра Ювшаъ а. с. кавмга амр килдиким, ўтган ёзугларингиз узри учун Тенгри хазратида тазарруъ килиб, талаби магфират килинг! Аларким амр баҳо келтурдилар, магфур бўлдилар. Баъзи ул сўзга истехзо килдилар. Осмондин бир ўт тушуб, мустахзий элни ўртади. Ва Ювшаъ а. с. Дори шахрини фатх килиб, Балкога мутаважжих бўлдилар. Ва Болик деган анда подшоҳ эрди. Балъам Боъурки, мустажобуд-даъва эрди, ул шахрда эрди.

Ювшаъ а. с. мухосара килгондин сўнгра Болик истидоъсидин дуо килдиким, Ювшаъ а. с. сипохи мунхазим бўлди. Ювшаъ а. с. муножот килдиким, хитоб келдиким, бу шахрда бир банда бизинг исми аъзам била дуо килур. Бу инхизом анинг дуосидин бўлди. Ювшаъ а. с. дедиким, бори худоё, чун гайри мавкеъ дуо килди, ул исмни анга унутургил. Тенгри таоло Ювшаъ а. с. истидоъси била ул исм Балъам замиридин махв бўлди. Яна Ювшаъ а. с. сипоҳ йигиб, ул шахрни мухосара килди. Бу котла ҳуш шакл фоҳишаларни шахрдин чиқардиларким, бани Исроилдин ҳар ким зино килса эрди, Тенгри таоло бало йиборур эрди. Биров ул фавоҳишдин бири била зино килгоч, ороларига тоун тушти. Ул киши била ул фоҳишани ўлтуруб, халк тазарруъ килиб, Ювшаъ а. с. дуоси била Тенгри таоло ул балони дафъ килди. Андин сўнгра Ювшаъ а. с. ул шахрни фатх килди ва аъмолика катлига ҳукм килди. Ва Балъам ҳам ул мактуллар орасида, чун ислом таркин килиб эрди, дўзах азимати килди, жумъа сабоҳидин шомигача ёкин катл эрди. Ва аъмоликадин хотиржамъ бўлмайдур эрди. Бани Исроилга шанба кечаси ва куни ҳам тоатдин ўзга ишга рухсат йўк эрди.

Ювшаъ а. с. дуоси била Тенгри таоло кунни мағриб соридин койториб, фалакда онча таваккуф бердиким, кавм душман ишидин фориғ бўлуб, ўз ибодатларига машғул

бўлдилар. Ва гунашни Ювшаъ а. с.дин бошка Тенгри таоло Сулаймон а. с. била амирул-мўминин Али каррамуллохи важха мўъжиза ва кароматидин магрибдин машрик сори ҳаракат берди. Хар койси ўз ерида келгай, иншоаллох таоло.

Ва Ювшаъ а. с. бу фатхдин сўнгра Оъй деган шаҳрни ҳам фатх килиб, элидин ўн ики минг кофирни катл килди. Ва ул диёрда кўп халкни исломга кюрди. Ва магриб заминга азм килиб, кўп билод олиб, ўтуз бир подшоҳ куффордин ўлтуруб койтти. Ва мунча гаройиб такрибан ети йилда бўлди. Ва андин сўнгра, йигирми йил халкни «Таврот» мутолаасига таълим килди. Андин сўнг казо етти. Ва баъзи исломга кирганлардин ҳам муртад бўлдилар дебдурлар. Колут бинни Букёни ўз хилофатига мушарраф килиб, халкни анга топшурди ва оламдин видоъ килиб чикти ёши баъзи ривоятда юз ўн ва баъзида юз йигирми етидур. Валлоху аълам.

Ш е ъ р:

Ювшаъки, солиб куфр ахли кўнглига харош,
Мусо динида эл била килди маош.
Хар неча куёшда айлади муъжиза фош,
Охир каро ерга кирди андокки куёш.

Колут бинни Юфно а. с. кўпрак уламо кошида мурсалдур. Ювшаъ а. с.дин сўнгра бани Исроилни яхши забт килиб, мулк очти. Охирул-амр Салм хайёмига сипоҳ тортиб, малик Боракни асир килди. Ва ул кофире эрдиким, йиллар жаббор сифатлиг била салтанат килди. Дерларки, етмиш подшоҳ ва подшоҳлиг доия килгонлар анинг хибсида эрдиларким, бормогларин кесиб эрди. Шом таоми тортилулда аларни хозир килиб, илайларига таом кўйдилар ва алар огизларин ерга келтуруб, итлардек нима ерлар эрди. Колут анинг била ҳам бу муомалани килди. Чун бу фатх даст берди, Колут кавми Мисрга олиб келди ва кўп вақт ҳам нубувват ва ҳам салтанат сурди. Окибат ўгли Нушо Кавсга салтанатни мусаллам тутуб, валиаҳд килиб, оламдин ўтти. Муддати замони неча йил эркани маъдум эрмас учун битилмади.

Р у б о и й:

Колутки, Ювшаъ васий этти они,
Кўп вақт эрди олам аро даврони.
Хам шахлиг ва хам нубувват эрди шони,
Гар шоҳу гар набий бўлурлар фони.

Хизкил а. с. Халойик ани Абулаъжуз дедилар. Шархи буким, атосининг ики хотуни бор эрди. Анинг аносига фарзанд бўлмас эрди. Ва ёши хам улгойиб эрди. Аммо яна бир хотундин ўн ўгли бор эрди. Ва бу хотун андокки, зуафо расмидур, ул бирга хам ўгулсизлик жихатидин хам таън килур эрди, хам ажузалиг жихатидин шамотат кўргузур эрди. Ажуза анинг шамотатидин мутаассир бўлуб, бир кеча тонг откунча муножот килиб, Тенгри таолодин бу балонинг иложин тилади. Тенгри таоло анинг дуосин бу навъ мустажоб килибдурким, ул ўн ики ёштин йигит бўлди. Ва Хизкил а. с.нинг атосидин хомила бўлуб, Хизкил а. с. вужудка келди. Бу жихатдин ани Абулажуз дебдурлар. Тафсир ахли кошида муҳолифатдур, бу бобдаким ул пайгамбарким, кавмини Тенгри таоло исёнлари жихатидин халок килди ва ул дуо била борчасин тиргузди, Ювшаъдур, ё Ушмул, ё Хизкил а. с. Ва дебдурларким, асах улдурким, Хизкил а. с. бўлгай. Ул воқеа

бу навъдурким, Хизкил а. с.га амр бўлдиким, Илё шахрига бориб, куффорни динга далолат килгай. Ва баъзи Дорон деган шахрни дебдурлар. Хизкил а. с. амрни бу кавмга таргиб килди. Кабул килмадилар. Кахри ялохи кавмни тоун балосига мубтало килди. Кавм ул бало махласига жало ихтиёр килдилар. Чун мулкларидин бир микдор йўл чикдилар, бир хойил ун осмондин келиб, борчаси халок бўлдилар. Ибн Аббос разийаллоху анху аларни тўрт минг дебдур ва Хасан секиз минг ва Вахб бинни Мунаббих сексон минг. Хар такдир била, чун борча халок бўлдилар, киши йўк эрдиким, аларни дафн килгай. Ислониб этлари сўнгакларидин айрилди. Хизкил а. с. эътикофидин чикиб, чун кавмга ўтуб, ул холни кўрди, кўнглига риккат бўлуб, дуо килдиким, Ёраб, бу халкни тиргуз! Дуоси мустажоб бўлди, Тенгри таоло аларни борчасин тиргузди. Бо вужуди бу гариб хол кавм гохи Хизкил а. с. амрига мутиъ эрдилар, гох эмас эрдилар. Муборак хотири алардин малул бўлуб, ватандин хижрат килиб, Бобилга борди. Ва анда муддате бўлуб, Тенгри таоло хукмин буткарди. Ва муборак маркадин Хилла била Куфа орасида хам дебдурлар.

Р у б о и й:

Хизкил эрди расули покиза сифот,
Мурсал дедилар нубувватин борча сикот.
Ўлганлар агарчи дамидин топти хаёт,
Ўлмакдин ўзига бўлмади лек нажот.

Илёс а. с. Хорун а. с. наслидиндур. Баъзи ани Идрис дебдурлар, бу манъи билаки, анинг рухи ва хакикати бу сурат била нокислар такмили учун зухур килмиш бўлгай. Баъзи хам мусаллам тутмайдурлар.

Ривоятдурки, Хизкил а. с.дин сўнгра бани Исроил орасида миллат хайсийятидин кўп булгончуглук воқеъ бўлди. Ул навъки, Мусо а. с. дини ародин чикти ва «Таврот» ахкоми унут бўлди ва анвоъ бутлар ясаб, ул кавм бутпарастлигга машгул бўлдилар ва фиск ва исёнлари хаддин ўтти. Хак таоло Илёс а. с.ни аларнинг хидояти учун мабъус килди. Ва Илёс а. с. аларни Тенгри таолога далолат килди. Хеч киши Илёс а. с. сўзин кабул килмади ва анинг катли касдига машгул бўлдилар. Илёс а. с. амри илохи била аларнинг аросидик чикиб тоғлар аросида махфий маош ўткарур эрди, то улки Баълабак подшохи бир азим бут ясаб, отин Баъл кўйди. Ва борча ишда истионат андин килур эрди. Ва севар ўгли хаста бўлди. Хар неча анинг сихатин истидъо килди, фойда топмади. Хотуни маккораи каттола гариб эрди. Бани Исроилдин еги подшоҳга тегиб эрди. Хар бирин бир хийла била ўлтуруб ва етмиш фарзанд ул салотиндин хосил килиб эрди. Ва Илёс а. с.га багоят душман эрди ва анинг катлига кўп саъй килур эрди. Ва ўгли шифосига Шом вилояти бутларидин истимдод учун жамоати касир йибориб эрди. Илёс а. с. чун аларга учраб дедиким, эй нодон кавм, бу жамоалардин хеч нафъ ва зарар йўқдур, нега анга мараз берган холикдин шифосин тиламассиз? Кавмга анинг сўзи хайбатидин титротма тушти. Келиб подшоҳка айттиларким, кишилар йибориб Илёс а. с.ни келтурурга хукм килди. Ул элга осмондин ўт тушуб куйдилар. Неча котла бу навъ воқеъ бўлди. Окибат Илёс а. с. амри илохи билан Баълабакка келиб, Юнус а. с. атоси уйида қарор тутти. Ва Юнус а. с. тифл эрди, неча кундин сўнгра яна тогу дашт азимати килди. Ва ул фаврда Юнус а. с. га ажал етиб охир бўлди.

Юнус а. с. атоси Илёс а. с.ни топиб илтимос килиб, Илёс а. с. дуоси билан Юнус а. с. баданига рух кириб ихё зумрасига кирди. Ва Илёс а. с. ажузалар уйларида махфий

юрур эрди. Чун кавм нодонлигидин малул бўлди, дуо килди, уч йил элга ёгин ёгдади ва азим кахат бўлди. Бу аснода Алясаъ а. с. Илёс а. с.га рафик, бўлди. Ва ул йигит эрди. Ва Илёс а. с. улгойиб эрди, яна амри илохи била кавм аросига кириб деди, йиллардурким бу жамодаларни парастииш киладурсиз, буларга шафоат килингким, сизга ёгин ёгсун. Ва иллох, сиз иймон келтурунг, мен Тенгри таолога муножот килай то ёгин ёгсун. Кабул килдилар. Алар шафоатидин юбусат кўпрак бўлгай. Илёс а. с. дуосидин ёгин ёгиб, хубубот кўкарди. Куффор ваъдага вафо килмадилар, Илёс а. с.га ул гумрохлар ихтилотидин малолат орткондин сўнгра, Алясаъ а. с. ни хилофатига таъйин килиб, халойик кўзидин махфий бўлди. Ва Тенгри таоло ани иззат кибобида элдин мастур асрабдур. Бахру бар дармондаларига дастгирлик килур. Ва холо тирикдур. Авдоки, Хизр а. с. валлоху таоло аълам. Ва муддат ва даъватида бир киши анинг динига кирди.

Р у б о и й:

Илёска элдин чу кўб ўлди тугён,
Элнинг кўзидин рухдек бўлди нихон.
Хар кимни халос килса элдин яздон,
Не тонг анга умри абадий бўлса нихон.

Алясаъ а. с. бани Исроил анбиёсидиндур. Атосини. Ахтуб дебдурлар. Ва анинг иши дехконлик эрди. Илёс а. с.га вахй еттиким, ани валиахдинг кил! Ўл хазрат анинг тарбиятига машгул бўлди, иши элга хилофатка етти. Ва муддате бани Исроилни ҳақ таолога даъват килди. Ва андин хорик одот ва муъжизот кўп воқеъ бўлубдур. Ул жумладин бири буким, биров уйига меҳмон бўлди ва ул мезбонига фарзанд орзуси эрди ва бўлмас эрди. Анинг дуоси била Тенгри таоло анга фарзанд берди. Ва ул фарзандига неча вақтдин сўнгра ажал етти. Яна анинг дуоси била рух баданига кириб, кўп вақт тирилди. Бу навъ муъжизоти кўптур. Бовужуди бу навъ холот бани Исроил гоҳи анга мункод эрдилар, гоҳи йўк. Хотири ул элдин торикиб, Зул-кифлани ўз хилофатига таънин килди. Ва ўзи муножот килиб, Тенгри таолога восил бўлди. Ва бу муродини Тенгри таоло ҳосил килди.

Р у б о и й:

Илёс чу Алясаъни волий этти,
Ҳақдин анга анвори нубувват етти.
Гар ул кочиб эл малолатидин кетти,
Ул кетгондек бу доғи кетмай нетти.

Зул-кифл а. с. бобида ихтилоф кўбдур. Баъзи ани Дизкил дебдурлар. Баъзи дебдурларки, Айюб а. с.нинг ўғлидур, оти Башар. Ва агар бу ривоятлардин ҳар қойси рост бўлса, Алясаъ замонидин йирок тушар. Ул асах ривоят била Алясаъ бинни Ахтуб а. с.га васийдур. Ва бу лақаб била мулаққаб бўлганида ақвол кўптур. Бу мухтасарда икки қавл била ихтисор килилур. Бири улким, Алясаънинг васоясига бани Исроилнинг Тенгри таолога далолат килмоғида Мусо а. с. динининг ривожига ва «Таврот» ахкомининг ижросида ва таълимида мутақаффил бўлди. Яна бир қавл улким, Тенгри таоло бир

кофир подшоҳ даъватига амр килдиким, оти Канъон эди. Ул айттиким, мендин кўб исён воқеъ бўлубдур. Сўзунг била иймон қабул килсам, не билайким Тенгри таоло қошида қабул борму, ё йўк? Магар сен ҳақ таоло раҳматига қафил бўлғайсенким, мен қўнгул тинчи била иймон кетургаймен. Зул-кифл а. с. Канъонга қафил бўлди, қафолат хати битиб берди. Ул иймон қабул қилиб, салтанат таркин тутуб, Тенгри ибодатига машғул бўлди. Чун ажал етти, ул хатни васият килдиким, анинг била дафн қилгайлар. Ривоят будурким, ҳақ таоло пайгамбари қафолати жихатидин Канъонга раҳмат қилиб, бихишт насиб қилди. Ва бир малакка амр бўлдиким, ул хат била элга зохир бўлуб, Канъон башоратин еткурди. Кавм ул холдин мутаассир бўлуб, иймон қабул қилиб, анинг рисолатига эътироф қилдилар. Баъзи дебдурларким, эътироф аҳлининг иймонларига ҳам қабул учун қафил бўлди. Чун иши Тенгри таоло раҳматига эътимодидин бу навъ ишларга қафолат эрди, бу лақаб била машҳур бўлди. Ва муддат кавми хидоятига иштиғол қўргузуб, олами фонийга видоъ қилди.

Р у б о и й:

Зул-кифл ишиким, ҳаққа далолат эрди,
Ҳақ раҳматидин элга қафолат эрди.
Чун кавмнинг ойини залолат эрди,
Ўтти чу замирига малолат эрди.

Ашмуил а. с. олий шаън пайгамбардур. Зул-Кифл ўтқандин сўнгра, неча қарнғача бани Исроил орасида пайгамбар мабъус бўлмади. Ва Оъдий қолиб бўлуб, аларнинг аҳволига қўп футур юзланди, ва қатл, ва асир ва торож қўрдилар. Ва душманлар Сакина тобутидин неча пайгамбарзода ва маликзода била торож ва асир элттилар. Кавм тазарруъ қилиб, ўзларига бир пешво тиладилар эрса, Тенгри таоло Ашмуил а. с.ни мабъус қилди. Ва анинг биъсати қамонида олий имом Тенгри раҳматига бордиким, кавмнинг қабз ва басти анинг илкида эрди. Кавм Ашмуилдин подшоҳ истидъо қилдилар. Ул илҳом мужиби била Шовақни дедиким, Толутқа машҳурдур, Тенгри таоло сизга подшоҳлиққа тақдир қилибдур. Кавм ор қилдиларким, бу вақтғача салтанат Яҳудо наслида эрди ва Шовақ Ибни Ямин наслидин эрди. Ашмуил а. с. дедиким, тақдир будурким, анинг салтанати вақти етқач, Қуддус тоғики, муддатлардурки тасқин топибдур, ўтсиз қайнай бошлагай. Ва Сакина тобутиким, қарнлардур қойиб бўлқоли, ошқоро бўлғай. Ва хол улқим, булар вуқуъ топти ва Ашмуил а. с. Толутни салтанат амрига мансуб қилди, Кавм доғи қабул қилдилар. Ва ул вақтда Фаластин мулки Жолутнинг истилосидин бани Исроил ул ерга етиб эрдиким, борча зулм қўрарлар эрди. Сўнгра аларга қияъ таъйин қилиб эрди, Ашмуил а. с. Толутнис Жолут дафъига амр қилди. Ва Толут сексон минг черик била Фаластин мулкига азимат қилди. Ва анинг сипохи Жолут ваҳмидин биёбонда сувсизлиғу исиг ҳаво шиддатидин мутафаррик бўлуб, уч юз ўн қиши била Жолутқа етишти. Ва Жолут анинг олида сипоҳ тузатмакка ор қилиб, ёлғуз майдонга қирди. Ва Толут Довуд а. с.га қизин берур ваъдасин қилди ва анга ўтру йиборди. Довуд а. с. Жолутни ҳалок қилди. Ва Жолутни ҳам Қалбос дерлар. Бани Исроил фатҳ топиб, Жолут азим черикининг амволин тасарруф қилдилар. Ва Ашмуил а. с.нинг ёши эллик иккига етқанда оламдин ўтти. Ва ўн икки йил кавм орасида нубувват қилди. Ва марқадин дерларки, Совададур, валлоҳу аълам.

Р у б о и й;

Чун кавмга Ашмуил бўлди ходи,
Жазм ўлди анга расуллук исноди.
Элга килибон ҳақ йўлининг иршоди,
Азм этти, чу етти умрининг миёоди.

Довуд бинни Ийшо а. с. Яхудо авлодидиндур. Анинг зикри ижмоли била ўтти. Жузвий тафсил зарурдур. Ашмуил а. с. зикри доғи анинг зикрида лозим келур. Ва Довуд а. с. ахволининг тафсили буким, Ийшонинг ўн уч ўғли бор эрди. Довуд а. с. Борчадин кичикрок эрди ва ҳакир жуссарок эрди ва гирих манзаррок эрди ва Ийшо ани шубонликка таъйин килиб эрди ва анга ажиб ҳолот мушоҳада бўлур эрди. Чун Ашмуил а. с. Калбос урушига Толутни мукаррар килди, ваҳй келдиким, Жолутнинг катли Ийшо авлодидин ул бирининг иликидадурким, фалон зирих анинг бўйига ростдур. Ашмуил а. с. Ийшонинг авлодидин тилаб, ўн ики огоинининг бўйига рост келмади, Ийшога айтти: яна ўғлунг бор эса, келтур! Ийшо айттиким, бир ўғлум борким, кўй кутар. Аммо анга бу иш қобилияти йўктур ва ани тиламак бефойдадур. Ашмуил а. с. анинг сўрогин сўруб, бориб топти. Кўйин сувдин ўткарадур эрди, сув улугрок жихатидин кўйларни икирар-икирар кўториб ўткарур эрди, Ашмуил а. с. кўргач, билдиким, нубувват шафкатининг осоридур. Анинг била мулокот килиб дедиким, санга ўз ахволингдин гарибосор ҳеч маълум бўлурму? Довуд а. с. айтти: бўлур. Шарҳини сўрди эрса, кўп гариб осор баён килди. Ул жумладин бири буким, келдиким, бир тош манинг бирла такаллум килдиким, мен ул тош менким, манинг била Хорун а. с. фалон душманини ҳалок килди. Ва мен ул тошни олиб тўбрага солдим. Яна ики тош ҳам ушбу дастур била бири Мусо а. с, бири Иброҳим а. с. душманини ўлтуруббиз, бизни дағи кўтор, деб айттилар. Аларни ҳам тўбрага солиб, солгондин сўнгра учоласи тош бир бўлди. Ашмуил а. с. Довуд а. с.га нубувват ва салтанат башоратин бериб, Толут қошига келтурди. Ва Толут қуёвлики ва мулк шеркати ваъдаси бериб, Довуд а. с. Жолут майдонига кириб, ул тошни анга отиб, кодир кудрати била ани ҳалок килиб Жолут бани Исроилга мағлуб бўлди, Ва Довуд а. с. Толут ваъдаларига вафо тилади. Толут кўп хизмат буюргондин сўнгра, кизин анга берди. Ва бани Исроил қошида Довуд а. с. нинг иззу шарафи ортти. Ва Толут ваҳмдин пушаймон бўлуб, Довуд а. с. қасдига бел боғлади. Довуд а. с. андин қочиб, маҳфий юрур эрди. Толут қўб қиши анинг топмоғига таъйин килур эрдиким, ўлтургай. Бани Исроил уламо ва ахборини қатлга етқурдиким, бу тоифадин ҳеч қиши қолмади. Ва бу иш вуқуъидин сўнгра нодим бўлуб, паришон ҳол ғўристонлар кезар эрдиким, не қилсам тенгри таоло тавбамни қабул қилгай. Бир мустабожуд-даъва заифа қолиб эрди, анга тавассул килиб, ҳолин деди. Ул Ашмуил а. с. қабри бошига бориб, дуо қилди. Ашмуил а. с. қабридин чиқиб айттиким, они жиход қилсангким, ўн ўғлунг илайингда шаҳид бўлсалар, сўнгра ўзунг шаҳодат топиб, Тенгри таоло тавбангни қабул қилгай, деб яна қабрига қирди. Ва қабр бутти. Ва Толут Ашмуил буюргонини бажой келтуруб, бани Исроил андин ҳалос бўлдилар. Бу ҳолдин сўнгра, Довуд а. с. нубувват баланд пояси била салтанат пироясига мушарраф бўлди. Ва анинг шаънида бу оят келдиким, «Ё Довуду инно жааълнока халифатан фил арзи фаҳкум байнанноси бил ҳаққи».

Ва дерларки азимати бир ерга еттиким, тўрт минг қиши кеча анга нигоҳбонлиг қилурлар эрди. Ва муъжизотидин бири ҳасан савтдурким, Тенгри таоло анга насиб қилди. «Забур»ни анга ирсол қилдиким, қачон ул савт била «Забур»ни ўқуса эрди, ваҳшу

тайр, жину инс йигилиб, беҳол бўлурлар эрди. Ва ул гоҳлар ўзга либос кийиб, ани тонимас элдин истифсор килур эрдиким, Довуд сизинг била нечук маош киладур. Бир кун анга масмуъ бўлдиким, Довуд а. с.нинг айби будурким, байтул-молдин маош ўткарадур. Мутаассир бўлуб, Тенгри таолодин бир санъат истидъо килдиким, ваҳхи маош андин ҳосил килгай. Тенгри таоло зирҳгарлик. санъатин анга каромат килди. Яна бир муъжизаси бу эрдиким, зирҳгарликка ҳожати ифзор йўк эрдиким, темур иликида мумдек юмшар эрди. Ясалгондин сўнгра ўз холига борур эрди. Ривоятдурким, ҳар қачон Довуд а. с. тасбиҳ ва таҳлилга машғул бўлса эрди тоғу тош ва давобу ашжор анинг мувофакатиға тасбиҳға иштиғол килурлар эрди. Ва ул авкотин тўрт қисм килиб эрди. Бир кун уламо била суҳбат тутуб дарс ва таълимға машғул бўлур эрди. Ва яна бир кун куззо маснадиға ўлтуруб, ҳалойик казоёсин бир-бирдин ўткарур эрди. Яна бир кун ўз ҳарамлари била зист килур эрди. Яна бир кун муножотда дер эрдиким, ёраб, санинг ҳазратингда не навъ маош килсамким, санға мустаҳсан тушгай? Хитоб келур эрдиким мени кўп ёд кил ва мен севганларни сев, ҳалойикка ўз нафсингға ҳукм килгондек кил ва гойиб кардошинг фаррошидин мухтариз бўл!

Манкулдурким, бани Исроил уламози бир кун дедиларким, оё, ҳеч бандаға бир кун ўтгаймуким, андин зиллати вужудқа келмагай? Довуд а. с. деди: шояд мендин ибодат килур кун келмагай. Ва бу хиёл била ибодат куни ишға машғул бўлди. Кўрдиким, бир ғариб ранглик фаришта, кабутар чиройлик эрди, равзандин кириб, анинг қошинда кўнди. Довуд а. с.ға кил-гон хиёлин унутуттурдилар. Ул қушни тутарға майл килғоч, ул қуш равзандин чиқиб, томға кўнди. Довуд а. с. ани тутмоқға томға чикти. Харён кўз солурдаким, қуш қаён борди экан, кўзи савмааси ёнидаги бир бўстонға туштиким, бир жамила гусл киладур эрди. Хотири бағоят мойил бўлди. Тафаҳхус килгондин сўнгра билдиким, Урёнинг манкуҳасидур. Ва Урё Довуд а. с.нинг Савоб отлиғ иниси била Балқо шахрининг муҳосараси машғул эрди. Ва қавмда мутааййин киши эрди. Довуд а. с. Савобқа нома битиб, душвор иш Урёға ружуъ килдиким, Урё ул харбда шахид бўлди.. Ва Довуд а. с. ул заифанинг иддати ўткондин сўнгра никоҳ килмоқ бўлди. Ва ҳамоноки, Довуд а. с.нинг тўксон тўқуз ҳарами бор эрди. Ул заифа деди: бу шарғ била қабул килурменким, мендин ўғлунг бўлса, валиаҳдинг бўлгай. Довуд а. с. қабул килуб, ани кулди. Сулаймон а. с.нинг онаси улдурким, нубувват ва салтанат Довуд а. с. дин сўнгра анга етти. Ва муддате Довуд а. с. ни Тенгри таоло килгон хатосига олим; килмади, то бир кун хилватида тоатқа машғул эрдиким, илайида неча киши ҳозир бўлди. Ва бу иш ғайри маъҳуд эрди. Довуд а. с. сўрдиким, не халқсиз? Алар дедилар, кўркма. «Қолу ло таҳаф, ҳасмони бағо баъзуно ало баъзин фаҳқум байнано бил ҳаққи вало туштит ваҳдино ило савоис-сирот» .

Довуд а. с. ҳусуматларидин сўрди. Алардин бири яна биридин шикоят килдиким, тўксон тўқуз кўйи бор. Ва менинг бир кўюм бор эрди, мендин тамаъ килиб, ул кўюмни олди. Довуд а. с. айттиким, мундоқ бўлса, санға зулм килибдурурлар. Алар табассум бўлуб дедилар: Қазо-ар-ражулу ало нафсиҳи» . Ва гойиб бўлдилар. Довуд а. с. билдиким, алар малойика эрдилар. Ва Довуд а. с. ўз килгон ишининг қабоҳатидин хотириға келиб, дуд бошиға ошти. Ва бу хатоси узриға қирқ кун саждадин бош кўтармади. Навҳа била ўз холиға йиглаб тазаллум килди. Жабраил а. с. келиб, баҳшиш башоратин келтуруб дедиким, Урёнинг ризосин ҳосил кил, Тенгри таоло қарами била ҳуд гуноҳингдин ўтти.

Довуд а. с. Жабраил таълими била Урё қабри бошиға бориб, Урёдин талаби афв килди. Ҳақ таоло Урё таниға руҳ қијуруб, Довуд а. с. ани қатлға амр килгонин афв килиб, манкуҳасин никоҳ килғоли жихатидин жавоб бермади. Довуд а. с. бошиға туфрок

совуруб, жазаъ бунёд килди эрса, хитоб келдиким, сен хотирингни жамъ тут, биз чун гунохингни богишладук, киёмат куни Урёга онча жавр ва кусур каромат килодиким, ул хам сени бухл килгай. Довуд а. с. кўнгли ул иштин итмийнон топти. Ва бу воқеадин сўнг, ўтуз йил хаётда эрди. Ривоятдурким, Довуд а. с. тазаллуми ва муножоти чоғиким, мулк ишидин парвойи колмайдур эрди, ўгли Шалум Арозил ва Авбош игвоси била мулк ишига дахл килиб, истиклол кўси урди. Чун Довуд а. с. гуноҳи афв бўлуб, мулк ишига шуруъ килди, Шалум вахмдин фирор ихтиёр килди. Ва Довуд а. с. Савобни анинг дафъига йибориб дедиким, иликласанг, ани катл килмагайсен. Савоб ани туткоч, охир килди. Довуд а. с. ранжида оламдин ўтди. Ўтар чоғда, Сулаймон а. с.га анинг касосин буюруб, Сулаймон а. с. ул амрни бажо келтурди. Ва бу вақтда бани Исроил ул навъ колин бўлуб эрдиким, ададин киши билмас эрди. Тенгри таоло аларни тоун марази била кам килди. Манкулдурким, уч кеча-кундузда юз етмиш минг киши алардин Тенгри таоло хукмин буткордилар. Бу ҳолатда Довуд а. с. ва кавм, уламо ва ахбори Байтул-мукаддаснинг саҳроси устига келиб, бошларин ялонг килиб тазарруъ килдилар. Хак таоло ул балони дафъ килгоч, Довуд а. с. кавмнинг колғонига буюрдиким, бу ерда Тенгри таоло шукрига бир маъбад бино килинким, хамиша шукр адосига ибодат килгайсиз. Ва кавм анинг буйруги била масжиди Аксо иморатин бино килдилар. Ёримига еткондин сўнг, Довуд а. с. бир ривоят била, юз йигирми яшаб эрди, Тенгри таоло раҳматига борди. Ва хилофат ва валиаҳди Сулаймон а. с. эрди, ўз салтанати замонида ул бинони туготти.

Р у б о и й:

Довудки, шох эрди ва пайгамбари пок,
Жоҳи қошида паст эди авжи афлок.
Жонига ажал урарда тиги бе бок,
Нафъ этмади шахлигу нубувват хошок.

Сулаймон бинни Довуд а. с. андин машхуррокдурким, аҳволи кўб шарҳка эҳтиёж бўлгай, аммо жузвий тафсилдин чора йўқдур. Ул дуо килдиким, «рабб игфирли ва ҳабали мулкан ло янбаги ли аҳадин мин баъди». Хар ойина дуоси мустаҷоб бўлуб, бовужуди нубувват, баъзи дебдурларким бо вужуди улким, рубъи маскун салтанатини Тенгри таоло анга насиб килди, бовужуди бу салтанат жину инс ва вахшу туюрни анинг маҳкуми амри килди. Ва елни фармониға киюрди ва исми аъзам ёзилган хотам каромат килдиким, мазкур бўлгонлар анинг баракотидин. Ул буюргонни килдилар. Ва ул бир бисот ясаттиким, жамиъ халк сипоҳи анинг устида сигар эрди. Каён борса, элга амр килур эрдиким, бу бисот била халқини анинг била элтур эрди. Ва машхурдурким, сабох Шомдин азимат килиб, чоштни Истаҳрда ер эрди. Андин азимат килиб, шом таомин Кобулда ихтиёр килур эрдиким, «валисулаймонар-риҳа гудуввухо шахрун ва равохухо шахрун» анинг шаънида нозил бўлубдур.

Довуд а. с.дин сўнграким, масжиди Аксо биносили Сулаймон а. с. тугатти ва анинг асносида Байтул мукаддас шахрини хам ясади. Ва шахри азаматида ва масжид зебида аҳли тарих гариб муболагалар килибдурлар. Ул жумладин бири буқим, шахрга ўн ики кўргон бири-бирининг давриға йўнгон тоштин ясатти. Яна бири буқим, масжидни ети ранг тошдин туготиб, киймати жавоҳир била мурассаъ килди. Ва ушок тош ўрниға ҳамул жавоҳирдин тўктурди. Ва ул уйда амр килдиким, харғиз ибодатдин ва уламо илми таълимидин холи бўлмагай. Ва Байтул-мукаддас ва масжиди Аксо кўб қарилар бу дастур била маъмур эрди. Вайронлиги Бухтун-насрдин эрди, шоядқи ўз ерида келгай.

Ва Сулаймон а. с. вахшу тайр тилин Тенгри таоло иноятидин билди. Бир майдони мураббаъким хар залъи-ўк ики йигоч бўлгай, фарш тушотиб эрдиким, хиштининг бири олтун, бири кўмуш эрди. Бир жониб тахтинким, жавохир била мурассаъ эрди кўярлар эрди. Тўрт минг олтун курси тахтининг ики ёнида кўярлар эрдиким, бани Исроил уламо ва ахборин ўлтурурлар эрди. Ва тахтка ёкин Осифи Бурхиёки вазири эрди, анинг курсисин кўярлар эрди. Ва Сулаймон а. с. тулуъдин гурубкача «мо халака илло» козиясин суруб, хукмин килур эрди. Ва деу пари ва вахшу тайр хизматида турарлар эрди. Ва исиг хавода туюр боши устида соя килурлар эрди. Ва окшом уйига азимат килгоч, занбалбофлигдин хосил килгон нима била рўза очар эрди. Бир кун анинг хукми била ел мазкур бўлгон бисотни ва фаршни элтиб борадур эрди. Водийун-Намлга еттиким, баъзи ани Тойифи Хадида дебдурлар. Ва мўр хайлининг шохи сипохиға амр килдиким, Сулаймон сипохи била ўтадур. Масканингизга кирингим, сизга ул сипоҳдин зараре етмагай. Сулаймон а. с. ул амрдин вокиф бўлуб, анда таваккуф килиб, ул мўрни овучига олиб, анинг била муколама килди. Бири муни сўрдиким, хайлингни бизинг остимиздин танбих килдинг, билмассенмукин, бизинг оёғимиз остида мўр озурда бўлмас. Мўр дедиким, ё набийуллох, сендин хотиржамъдурман, аммо шояд санинг шурунғ бўлмагай, хайлингдин осиб еткай, деб танбих вокеъ бўлди. Ва раёсат шарти номаръий колмади. Сулаймон а. с. дедиким, мандин азимуш-шаънрок махлук билурмусен? Дедиким, сендин азимуш-шаънрок мандурмен. Сенинг тахтинг бир жамоадур. Менинг тахтим санинг муборак илкинғдур. Сулаймон а. с. деди: санинг сипоҳинг кўпрак экан ё манинг? Мўр деди: Манинг. Сулаймон а. с. деди: Манинг сипоҳим ададин киши билмас. Мўр амр килди, етмиш минг мўр хайли чиктиларким, бир хайлнинг ададин киши билмас эрди. Сулаймон а. с. ул иштин ибрат олиб, мўр Сулаймон а. с.ни чекуртка аёғи била зиёфат килиб, Сулаймон а. с. мўрга навозишлар килиб, ул ердин ўтти. Манкулдурким, Сулаймон а. с.нинг хашамати ниҳоятка еткондин сўнгра, муддао килдиким, хар махлукниким ҳақ таоло анинг махкуми килибдур, борчасин зиёфат килгай. Муножот килиб рухсат ҳам топти. Бир биёбони васиъ азим топтиким, бир тарафи дарё эрди. Девларга буюрдиким, ики минг ети юз козон ясадиларким, хар кайсисининг даврасининг кутри минг кари эрди.

Банокатий тарихида дебдурким, йигирми ики минг ўй зибх бўлди. Ўзга борча ашёни мундин киёс килса бўлгай. Бу маъкулот неча вақтдин сўнгким туганди. Ул даштда ёйдилар ва борча махлукотка сало урди. Ва бу аснода Тенгри таоло бахр давоббидин бир доббани сувдин чикорди. Ва ул добба Сулаймон а. с.га дедиким, сен махлукотни зиёфат киладур эмишсен, бу кун ризкимни ҳақ таоло санинг хонингга хавола килибдур. Сулаймон а. с. деди, бу таомлардинким ёйилибдур, улча санга кофийдур, егил. Ул добба ул муддатда пишкон таомни тамомад бўлмай, Сулаймон а. с.дин нима тилади. Сулаймон а. с. ожиз бўлди. Добба дедиким, сабох бир ризкимдин сулси ейилди, яна ики сулси колибдур. Сулаймон а. с. деди: Магар сен Тенгри таоло хон арзокидин тўйгайсен. Добба дедиким; ё Сулаймон, сен муни билмасму эрдингим, Тенгри таоло махлукотин магар ўз хони карамидин тўйгозгай, бу навъким мени кўрдунг. Бу бахрда Тенгри таоло андок жониворлар яратибдурким, хар бирига ики мендекни тўма килибдур. Сулаймон а. с. Тенгри таоло сунъига офаринлар килиб, ўз килгонидин мунфаил бўлуб, ҳақ таоло қошида ажзига эътироф килди, афву маърифат тилади. Тенгри таоло анинг матлубини анга еткурди. Ул танбих бўлди. Манкулдурким, Сулаймон а. с. туюрдин хар бирини бир ишга таъйин килур эрди. Худхудни сув топмок амрига мукаррар этиб эрдиким, тахти йилига биёбонларга гузар килурда сув дарбойист бўлур эрди. Бир кун сувга эҳтиёж

бўлуб, Худхуд топилмади. Сулаймон а. с. сувга буюрдиким, ани хозир килгай. Ул хозир килгоч, Сулаймон а. с. хитоб килди, газаб билаким, каён бориб эрдинг? Ва хол ул-ки, Худхуд бир замон мулозиматдин фориғ топиб, сайр учун тайрон килиб, бир шахрга кўзи тушуб эрдиким, оти Сабо эрди ва подшохи Билкис отлиғ хотун эрди. Ва анинг ахволининг кайфиятин машрух билиб келиб эрди, Сулаймон а. с. сўргоч, арз килдиким, бу навъ шахрга еттим ва бу навъ подшохи бор. Гоят хусну жамол ва ниҳояти хусну камол ва салотиндин мунфарид ва миллати офтобпарастлиғ. Отаси Шароҳил Яъриб бинни Кахитон наслидин ва онаси Района жиниким, жин шохининг кизи бўлгай. Ва мунинг асносида онча таъриф килдиким, Сулаймон а. с.га анинг мулоқоти майли бўлуб, мактуб битдиким, ислом давлатига мушарраф бўлсунки, «Иннаҳу мин Сулаймона ва иннаҳу бисмиллохир-рахмон-ар-рахими алло таълу алайя ваътуни муслимина» андин мухбирдур. Ва бу номани Худхудка бериб, Сабо шахрига йиборди. Ва нома Билкиска еткондин сўнгра, Билкис тааммул била тўрт кирпич икиси олтун, икиси кумуш, доғи бир мухрлик дурж ва юз киз ва ўгул – барисин борчасига эранлар либоси кийдурулган ораста килиб, Манзар бинни Умарким, ақл ва каёсатлиғ киши эрди, бу нималар била Сулаймон а. с. хазратига йиборди. Доғи дедиким, агар хиштарни қабул килур ва сенинг била истиғно юзидин мулоқот килур, пайгамбар эмас ва агар акс килур, пайгамбардур. Андин сўнгра ўғлонларни кизлардин айирсун, доғи ҳуққада не нима эрканни десун ва дегондин сўнгра етишмокин ҳам айтсун. Манзар мутаважжих бўлуб, Сулаймон а. с.га Жабраил а. с. келиб, ул ишлардин хабар берди. Сулаймон а. с. мазкур бўлгон ул ўн ики йигоч олтун, кўмуш, хишт тўшагон ерда сипоҳини ораста килиб, Манзарнинг йўлида тўрт хишт ўрнини очук килдилар. Манзар бу ҳашаматни кўруб, хайрон қолиб, ўз келтургон тухфасидин шарманда бўлуб, ҳамул очук қолгон тўрт хишт ўрнига кўюб, Сулаймон а. с. хазратига келди. Очук юз била эъзозу иқром килиб буюрдиким, тухфаким келтуруб эрдинг, не учун ташладинг? Ани қабул килмасбиз, қойтиб Билкиса айтким, иймон қабул килсун. Ва иносни зуқурдин айирди ва дурж ичинда дедиким, ёқути носуфтадур. Ани чикориб буюрдиким, олмос била суфта килсунлар. Чун Манзар Билкис хизматига кўргонларин арз килди, Билкис Сулаймон а. с. хизматига мутаважжих бўлди. Бир йигоч ёкин етконда Сулаймон а. с.га хабар бўлди. Ва мазолим девонида ўлтуруб, дедиким, бўлгайки Билкиснинг тахтин Сабо шахридин бот келтургай. «Қола ифритун минал жинни ана отика биҳи қабла ан тақума мин мақомика ва инни алайҳи лақавийюн амин». Сулаймон а. с. дедиким, мундин ботроқ керак. Яна бир жин дедиким, кўз юмуб – очқунча келтурай. Сулаймон а. с. қилгон даъвийси била хозир қилди. Ва ул тахтни Билкис ети ўтлош уй ичинда кўюб, борчасин муқаффал қилиб эрди, Сулаймон а. с. буюрдиким, ўз тахти устида қўйдилар. Билкиска бор бўлди ва ўз тахти гўшасида ер бериб, илтифотлар қилди. Билкис ўз тахтини кўруб, мутаажжиб бўлуб, Сулаймон а. с.нинг нубувватига шақи қолмади. Ва Сулаймон а. с. Билкисни ўз киз-қардоши қошида тушурди. Неҳа қунлук мусохабатдин сўнгра, мезбон меҳмоннинг ҳасоийли ҳамидасин таъриф қилиб, Сулаймон а. с. Билкисни ўз никоҳига қортти. Ва анинг муборақ аёғида тук бор эрдн. Анинг жихатидин девлар ҳаммом биносин қилиб, тўра тарқиби била ул ишнинг иложи қилдилар. Ва ул соҳиби давлат жихатидин неҳа минг йилдурким, ҳалойиқ ҳаммом осойишига мушаррафдурлар, таърифдин мустағнийдур. Сулаймон а. с. фитнаси «Қолаллоҳу таоло: ва ла қад фатанно Сулаймона ва алқайно ало қурсиййихи жасадан сумма аноба». Сулаймон а. с. фитнаси шарҳида мухталиф ривоят бор. Аммо улча бу мухтасарга муносибдур ёзилур. Баъзи дебдурларки, бовужуди ети юз ҳарам ва уч юз суррият Тенгри таоло Сулаймон а. с.га бир ўгул бердиким, бир қўзи қўр ва бир илиқи ва

бир оёги йўк эрди. Сулаймон а. с. ва Билкис ва Осаф инсоф юзидин ўзларининг уюбига муътариф бўлуб, дуо килгоч ул тифлни ҳақ таоло тандуруст килди ва анинг муҳофазати учун Сулаймон а. с. жинларни таъйин килди. Тенгри таоло анинг ўз ўглини сойир атфолдин мумтоз килиб, писандида тушмай, Азроилга амр бўлдики, рухин қабз килиб, жасадин Сулаймон а. с.нинг тахти устида ташладиларким, «Ва алқайно ало курсийиҳи жасадан» максуд мундин бўлғай. Ва Ваҳб бинни Мунаббих била ибни Аббос Разийаллоху анхумо дебдурларким, Сулаймон а. с.нинг фитнаси интизои эрди. Ва жасад иборати Сихрборд отлиг девдин эрдиким, анинг тахти устига анинг сурати била кирк кун мутамассил бўлди. Ва бу иш қайфияти бу эрдиким, Сулаймон а. с. ким, Жазира мулукидин биринким, отин Сайдун дебдурлар ва бутпараст эрди ўлтурди. Кизинким малоҳат зевари била ораста эрди кўлди. Ул киз отаси фирокида бетокат эрди, Сулаймон а. с. анинг давосин тилаб топмас эрди. Ул киз шайтон игвоси била Сулаймон а. с.га илтимос килдиким, девлар отам шакли била бир сурат ясаб келтурсаларким, гоҳи ани кўруб кўнглумга тасалли бўлса, анинг муддаоси макбул тушуб, бу иш сурат тутти.

Чун киз бурун бутпараст эрди, бу суратни парасташ кила бошлади. Сулаймон а. с. гофил ва бу иш Осафга етти. Осаф Сулаймон а. с. мажлисида анбиёи собикнинг наътин килурда, Сулаймон а. с.нинг отаси замониғача туфулийят айёми маошининг таърифин килди. Сулаймон а. с.га бу душвор келдиким, мунча ғариб иноятларким, анга Тенгри таоло салтанати айёмида насиб килди. Осаф алардин нечук нима демади. Осафдин истифсор килгоч, айттиким, бировнингким кирк кун уйида бутпарастлиг бўлғай, анбиё зумрасида не навъ таъриф килса бўлғай. Сулаймон а. с. сўруб билгандин сўнгра, ул бутни ушотиб, ўзи тазарруъга тушти. Бу аснода мустароҳга кирарда маъхуд тариқи била хотамни Жарода отлиг канизакка топшурди. Мазкур бўлгон дев Сулаймон а. с. сурати била келиб, канизакдин хотамни олиб, Сулаймон а. с. тахти устига чиқиб, ҳукм кила бошлади. Сулаймон а. с. чиқиб хотамни тилағач, шаклин ҳам Тенгри таоло мутағайир килиб эрди, канизак ани танимади. Дедиким, хотамни Сулаймон олди, сен не кишисен? Сулаймон а. с. ўз сурати билан бировни тахтида кўргач, билдиким, хол недур. Шахрдин чиқиб, шахрда саргардон юрур эрди. Қайен борса, не кишисен? – деб сўрсалар эрди, мен Сулаймонман, дер эрди. Ани телба деб, тош отиб, бошига туфрок сочиб, ийзо килурлар эрди. Ва деви лаъин тахт устида номаъкул ва номашруъ ҳукмлар килур эрди. Мутаажжиб ва мутағайир бўлгондин сўнг, дев билдиким, киладургон иш анинг иши эмас. Ул хотамни дарёга ташлаб, гойиб бўлди.

Ва Сулаймон а. с. рўзи жихатидин дарё кировинда болиғчиларга муздурлук килур эрди. Ул хотамни бир болиғ ютуб, аларнинг домига тушуб, Сулаймон а. с. муздига бердилар. Сулаймон а. с. болиғ ичидин хотамни олиб, яна салтанат тахтига борди.

Ва бу воқеа ҳамул бутпарастлиг айёми била мувофик кирк кун ва Жасадни баъзи муфассирлар. бу девдин таъбир килибдурлар. Ва анинг гаройиб эъжозин бир гунаш раддидурким, мужмалан ўтти. Ва шарҳи будурким, осорини кўрарга машғул эрдиким, гунаш ботти ва муборак хотирига аср намози фавт бўлгон учун изтиробга тушти. Тенгри таоло гунашни қайтариб, ул ҳазрат намозин килгунча ўз ерида тургузди. То намоз тугонди, яна гуруб килди. Тарих аҳли дебдурларким, Сулаймон а. с.нинг савмаасининг эшикида ҳар кун ғайбдин бир дарахт пайдо бўлур эрди ва ҳосиятин Сулаймон а. с. сўрар эрди. Бир кун бир дарахт пайдо бўлди ва ҳосиятин сўргоч, жавоб бердиким, ҳосиятим сенинг мулкунга вайронлигдур. Сулаймон а. с. билдиким, вақт етибдур. Васиятлар китобат килди ва Тенгри таолодин илтимос килдиким, анинг фавтин дев ва паридин

неча вақт махфӣ туткай. Ва шишадин бир уйи бор эрдиким, анда тоат килур эрди. Ул уйга кириб, асосига таёниб оламдин ўтти. Ва халоик кўрар эрдиким, Сулаймон а. с. асосига таёниб турубдур. То муддатлардин сўнгра, асосин курт еб ушолди. Ва ул хазрат йиқилгондин эл фавтин билдилар ва анинг мавтидин ихфоси илтимосида сўзлар дебдурлар. Яхширок будурким, Байтулмукаддас туганмоки хамонча фурсат максуд эрдиким, асо бутун эрди, тугагондин сўнгра асо синди ва девлар ул ишни туготиб эрдилар. Валлоху аълам.

Р у б о и й:

Оламни Сулаймонга ҳақ этмиш маъмур,
Ҳукми солди жину башар хайлига шўр.
Охир чу ажал анга маком айлади гўр,
Туфрок ичида килди ватан уйлаки мўр.

Лукмони ҳаким. Тарих ахлидин баъзи ани ҳукамо силкида мазкур килибдурлар. Ва кўпрак эл ани пайгамбар дебдурлар. Ва баъзи ривоятда мундоқдурки, Тенгри таоло нубувват ва хикмат орасида муҳбир килди. Хар тақдир била «Ва лақад отайно лукмонал-хикмата» анинг шаънидадур. Бўла олурки, бовужуди нубувват хикмат даги анга насиб бўлмиш бўлгай. Ранги каро эркандур. Довуд а. с. суҳбатига мушарраф бўлур эрди. Ва андин кўб гаройиб вужуд тутар эрди. Баъзи дебдурларки, кул эрди ва озод бўлғонида мухталиф ривоят бор. Бири буқим, ҳоҷаси бир руд кировинди биров била нард ўйнади, бу шарт билақим, мағлуб бўлгон бу руд суйин тамом ичгай ё молин бергай. Ва Лукмоннинг ҳоҷаси уткузди. Хариф рудхона суйин тамом ичмак тақлиф килди. Ва ул мутахаййир бўлди. Лукмон дедиким, шарт киладургон вақтдаги сувни ҳозир кил ё гаразинг бу ҳозир сув бўлгон бўлса, руднинг бу кировиндаги сувни ичкунча нори кировиндаги сувни тургуз. Хариф бу ишдин ожиз бўлди. Ҳоҷаси халос топиб, Лукмонни озод килди. Яна бири буқим, ҳоҷаси анга буюрдиким, кўй ўлтуруб, яхширок: узвини пишуруб келтур. Ул юрокини тили била пишуруб келтурди. Яна бир котла дедиким, кўй ўлтуруб, ёмонрок узвини пишуруб келтур. Ҳамул ики узвини келтурди. Ҳожа нуктасин сўрди эрса, дедиким, кўнгул: ношойиста афъолдин ва тил нобойиста ақволдин бири бўлса, алардин яхширок узв йўктур ва агар бўлмаса, алардин ёмонрок йўк. Яна бири бу қим, ҳожа анга буюрдиким, қунжид эк! Ул арпа экти. Ҳожа сўрдиким, арпа экиб, қунжид нечук топарсен? Дедиким, қун сен ношойист иш килиб, нечук Тенгри таолодин раҳмат ва жаннат тамаъ килурсен, мен ҳам дедим: арпа эксам, қунжуд шояд бар топқаймен. Ҳожа мутанаббих бўлуб, ани озод килди. Дуо килиб, уч минг йил умр топибдур. Баъзи ети Қарғас умри дебдурларки, хар бири беш юз йилдур, анинг сўзларидиндурким, тўрт минг сўз. битибдурлар ва тўрт сўз била ихтисор килибдурлар. Икисини дойим ёд қилмок керак ва икисини унутмок керак. Бурунги икидин бири ўзи қилгон яхшиликдур ва бири гайри қилгон ёмонлиг.

Лукмоннинг гариб ҳолати ва нофиъ мақолоти қўптур. Бу мухтасарда мунча била қаноат қиллди.

Р у б о и й:

Лукмонники баъзи дедилар пайгамбар,
Баъзи дедилар ҳакими покиза сияр.

Уч минг яшабон бу дайрни килди макар,
Минг мунча хам ўлса, килгулукдур бу сафар.

Юнус бинни Мато а. с. отаси оти била машхурдур. Отаси Дови бинни Яъқуб а. с. наслидиндур, мурсал. пайгамбардурким, «колаллоху таоло ва инна Юнуса ламинал мурсалин». Агарчи Сулаймон а. с. замонидин анга дегинча, балки Сулаймон а. с. авлодидин эрди, аммо чун ҳеч тарихда марбут топилмади. Юнус а. с. чун Сулаймон а. с.дин сўнгра, мурсал пайгамбар эрди, андин бошланди. Ани Тенгри таоло мабъус килиб, Суй элига йиборди. Ва Суй эли ани нубувватга такзиб килиб, Юнус а. с. газаб килди ва халкига ёмон дуо килди. Ва рухсати илохи бўлмай, ахлу аёли била халкнинг орасидин чикиб, алардин андок махфий бўлдиким, агар Тенгри таолодин кавмига бало келса, ани дуо килурга топмагайлар. Тенгри таоло хотимал-анбиё савотуллохи алайхи ва ало олихига сабр килмокка амр килиб, Юнус а. с. килгонидин нахй килурким, «Фасбир лихукмираббика ва ло такун касохибин хути» Чун Юнус а. с. элдин чикти, кавмига Тенгри таоло бир булут йибордиким, андин ўт ёғар эрди. Кавм муни кўргач, Юнус а. с.ни тилай бошладиларким, иймон кетургайлар. Чун билдиларким, Юнус а. с. алар топкудек бормаидур, дедиларким, Юнус а. с. бўлмаса Юнус а. с. Тенгриси хозирдур. Борчалари ўгул-ушоклари била бошларин ялонг килиб, тазарруъга машгул бўлдилар ва тавба ва инобат кила бошладилар. Чун тавбаларида содик эрдилар, Тенгри таоло қабул килиб, ул балони алардин дафъ килди. Аммо Юнус а. с. алардин айрилгонда кемага кириб, бахр юзинда бир азим болиг огзин очиб, кема ахлига касд килди. Борча иттифок килдиларким, бир кишини анга туъма бергайлар. Неча котла куръа солдилар. Юнус а. с.га куръа тушуб, Юнус а. с. билдиким, мағзуб бўлубдур. Ўзини болиг огзига ташлади. Ва болиг Юнус а. с.ни ютуб, Тенгри таоло болигнинг курсогиди ани асради. Ва Юнус а. с. кирк кун болиг ичинда эрди ва бу тасбиҳни вирд килиб эрдиким, «Ло илоха илло анта субхонака инни кунту миназзолимин» . Кирк кундин сўнгра, Тенгри таоло Юнус а. с. хатосидин кечиб, ани уч қаронгулукдин куткордиким, бири кема ва бири сув ва бири болиг курсоги бўлгай. Ва болиг дарё қироғига келиб, ани ёкога солди. Ва ул янгло туккан ёшдек бўлуб эрди, бир сутлук қийикка амр бўлдиким, ҳар кун келиб, анга сут берур эрди ва бир йигоч анга соя килур эрди. Кирк кундин сўнгра, ўз холига келиб, амри илохи била кавм орасига кирди, кавм анинг хидояти била иймон шарафига мушарраф бўлдилар. Ва қўб вақт бўлуб, Тенгри таоло ҳукмин буткарди. Ва дерларки, Куфада мадфундур.

Р у б о и й:

Юнуски нубувват қўзини ёрутти,
Танзиб ила кавм қўнглини ўрготти.
Болиг ичида агарчи маскан тутти,
Ҳам охир ажал болиги ани ютти.

Омус ва Мусо ва Маъ. Сохиби «Ғузида» Ҳамдуллох Алмуствафи бу уч кишини ахли тарихдин накл килибдурки, мурсал эрдилар. Ва бани Исроилни Мусо а. с. динига даъват килдилар.

Содик ва Сиддук ва Салум – бу уч кишига Тенгри таоло нубувват бериб, Антокийя халкига йибордиким, алар хавлидин борча халок бўлдилар. Гайри атфолким, булуг

хаддига еткайдур эрдилар ва ул атфол иймон давлатига мушарраф бўлдилар.

Фанжар Мусо ва Момал-кавси ва Жавфарф ва Санъо Куси ва Урё – бу беш кишини ахли тарих пайгамбар дебдурлар. Бани Исроилда Мусо а. с. динига даъват килдилар ва Зул-кифл ахдига ёкин эрдилар. Баъзи Зул-кифл а. с.ни булардин сўнгра айтибдурлар.

Фавойил ва Хикой. Баъзи муаррихлар бу иковни ҳам пайгамбар дебдурлар. Зул-кифл замонида Мусо а. с. динига даъват килдилар.

Зижурмо ва Мадохи. Баъзи кавл била пайгамбардурлар. Зул-кифл а. с.дин сўнгра ва даъватлари Мусо а. с. динига эрди.

Ва Шуъё пайгамбар эрди. Ва баъзи дебдурларки, Юнус а. с. ўзидин сўнг ани бани Исроилга валий килди. Ва ани баъзи дебдурларким, ул Юнус а. с.дин бурунрок эрди. Валлоху аълам. Бухтун-насрнинг бузуглиги ва Байтул-мукаддасни вайрон килиб, жавохириким Сулаймон а. с. ясагондин бери бор эрди, ул борчасин элтгони ва азим катллар килгони кўпрак ахли тарих иттифоки била бу анбиё замонидадур. Ва баъзи дебдурларким, Дониёл а. с.ни Бухтун-наср Байтул-мукаддасдин элтиб, муддати замонида асраб, бир туш кўруб, унуткондин сўнгра, Дониёл а. с. ҳам тушин, ҳам таъбирин айтиб, ул банддин халос бўлди.

Узайр а. с. анбиё авлодидиндур. Бухтун-наср Байтул-мукаддасни бузгонда, ани абнойи жинси била асир килиб, Бобилга элтти. Андин халос топиб келурда, бир кентда тушти ва эшокини боглаб, учасин бир дарахтка кўйди. Ва илайида анжир эрди ва бир зарфда узум шираси. Ва бу махалда хаёлига Тенгри таоло амвотни ихё килурига фикрга тушти. Ва ул кентнинг бузугларида одамизоднинг курук сўнгоклари бор эрди. Аларни кўруб, хайрати орттиким, бу чурук сўнгокларни тиргузмокта гайри хайратки, ақлга муставлий бўлгай, ўзга нима йўқдур. Хак таоло кудрати иктизоси ул килдиким, Узайрнинг хайрати дафъ бўлуб, бу хол анга айнал-якин бўлгай. Ложарам, амр бўлдиким, рухин муборак жасадидин чикордилар ва маркабин доғи рухсиз килдилар. Ва Тенгри таоло Узайр а. с. жисмин эл кўзидин пинхон асради, бу холга юз йил ўтти.

Бу муддатдин сўнгра Тенгри таоло Узайр а. с.ниг тиргузди. Бир малак андин сўрдиким, «Кам лабиста?» Жавоб бердиким, «Явман ав баъза явмен». Ул малак дид, «Баллабиста миата омин фанзур ило таомика вш шаробика лам ятасаннах. Ванзур ило химорика ал-майити». Чун муни Узайр а. с. мулохаза килди, кўрдиким, анжир ўз ўрнида ва узум шираси хамул зарфда тоза эрди. Ва маркабининг чуруган сўнгакларига бокти. Кўрдиким, бир-бирига муттасил бўлуб, устига ит ўрланди ва анинг устига тери тортилди, доғи рух баданига кириб тирилди.

Узайр а. с. билдиким, анинг юз йил бурунги килгон тараддуди жихатидин хак таоло анга бу навъ кудратин кўргузди. Ва анинг санъатига офарин ўкуб, маркабин миниб, ўз шахрига тебради. Ул шахрга еткондин сўнгра, чун юз йил ўткон жихатидин кўп тағйир топиб эрди, ҳеч ерни тонимай, кўб захмат била ўз саройини топти. Аммо киши йўк эрди, бир кўр канизакдин ўзга. Сўнгра Узайр а. с. андин сўрдиким, бу уй. Узайрнинг уйидур? Ул тасдик килиб дедиким, сен кимсенким, бу юз йилдаким, менинг махдумум гойиб булубдур. Мен ани кам эшитибмен. Ул дедиким, мен Узайрдурмен. Канизак айттиким, агар чин айтасен, Узайр а. с. мустажобуд – даъва эрди, дуо килким, манинг кўзум бино бўлсун. Узайр а. с. дуо килди. Хак таоло ул канизакнинг кўзин бино килди. Узайр а. с. нинг муборак юзин кўргач, танидиким, анга бу юз йилда ҳеч тағйир воқеъ бўлмайдур эрди. Фарёд килиб аёгига тушуб, югуруб Узайр а. с.нинг ўғлонларига мужда еткурдиким, ўғлонлари бири юз ёшар эрди, бири юз ўн ёшар эрди. Атоларин йигит кўруб танимадиларким, Узайр а. с.нинг бағрида бир хол бор эрдиким хилол шакли била. Ул

нишонани очиб кўруб, алар хам муборак кадамига юз суртуб, кавмга хабар бўлди. Кавм хам инонмай, дедиларким, «Таврот»ни ҳечким Узайр а. с.дин яхшироқ билмас эрди, то ул китобни Бухтун-наср элтти орамизда киши билмас. Узайр а. с. «Тавротони азбар ўқуди ва алар билдилар. Баъзи ерларда ёшурун колгонни мукобала килдилар эрса, бир харф ортук-ўксук эмас эрди. Баъзи бу ғариб ҳолотдин Узайр а. с.ни ибнуллох дедилар. «Ва колатил-яхуду узайр-унубнуллохи» . Ва баъзи муаррихлар Узайр а. с.ни бўлгон ҳолотини Армиёга иснод килибдурлар. Ва Узайр а. с.ни Арз отлиг иниси била тугуб била ўлдилар. Аммо ўлар вақтда Узайр а. с. юз ёшар ва Арз ики юз ёшар эрди. Мундин ғариброк ҳол таворихда оз воқеъдур. Ва ўғлонлари қари кишилар эрди, ёшқа атоларидан улугрок. Валлоху аълам.

Зикриё ва Яҳё а. с. ва Марям бинти Умрон. Алар зайлида Зикриё а. с.ни Сулаймон а. с. наслидин дебдурлар. Ва ул Байтул-мукаддасда мужовир эрди. Ва Умронким, Зикриё а. с.нинг амӯзодаси эрди, ул даги мужовир эрди. Икаласининг ҳарамлари эғочи-сингил эрдилар. Имронга фарзанд кўп бўлди ва Зикриё а. с. га бўлмади. Имрон бу шукронага назр килдиким, яна фарзанд бўлса, Байтул-мукаддаска мужовир бўлган. Ва ҳарамики оти Хифа эрди Марямга ҳомила эрди. Ва туккондин сўнгра назр жихатидин Имрон мутахайир бўлдиким, иносни мужовир килмаслар эрди.

«Қолаллоху таоло инни вазаътуху унсо валлоху аъламу бимо вазаъат ва лайсаз-зақари қал унсо ва инни саммайтӯху Маряма ва инни уъийзуху бика вазуррийя таҳоминаш-шайтонир-ражим». Бу шарафдин Марямни бир нимага чирмаб, Хифа Байтул-мукаддаска элтти. Уламо ва аҳборанинг қавлин мункири кўрдилар.

Зикриё а. с.га ваҳй келдиким, бу фаҳирани ўғулга қабул килдук «Фатақаббалаҳо раббуҳо бикабулин ҳасанин». Бу жихатдин аҳбор анинг муҳофазатига машғул бўлдилар. Зикриё а. с. дедиким, анинг тааххуди манга авлодурки, ҳоласи манинг уюмдадур. Аҳбор қабул килмай уч қотла қуръа солдилар. Уҷолосида қуръа Зикриё а. с. отига тушти. Борча заруратан мусаллам туттилар. Сўнгра Зикриё а. с. Марямни уйига элтиб, Ашбоъким, Зикриёнинг ҳарами ва Марямнинг ҳоласи эрди, анинг муҳофазатига машғул бўлди, то анга ибодатка ва масҷид хизмати қобилияти пайдо бўлди.. Сўнгра Зикриё а. с. анинг учун масҷидда бир гурфа ясаттиким, эшики йўқ эрди. Зина била анга чикор эрди. Ва ўзи гойиб бўлса, гурфа тўшукин қуфл қилур эрди. Ва ул жумладин бири буқим, қишда ёз меваси ва акс хам кўрар эрди. Сўргондаким, «анно лақи ҳозо. фи ғайри вақтихи», җавоб топтиким, «ҳозо мин индиллохи ярзуку ман яшоъу бигайри ҳисоб».

Ва бу вақтда Зикриё а. с. ва ҳарами Қибарсанда эрдилар. Зикриё а. с. дедиким, Холиқиқим Марямга ғайр вақтида бу навъ фавоқиқ насиб қила олур, манинг хам ҳаётим шажарасидин, ағарчи ғайри вақтдур, бир неча қаромат қила олур. Бу орзу қўнғлига ўтти, Жабраил а. с. анга Яҳё а. с. вужудига башорат берди. «Фанодат-ҳал-малоикату ва ҳува қойимун юсалли фил михроби». Ва чун Яҳё а. с. мутаваллид бўлди, оз вақтдин сўнгра Тенгри таоло муборак қўнғлин ваҳй нузулидин мунаввар килдиким. «Ё Яҳё ҳузил қитоба биқувватен ва отайноҳул-ҳукма сабийян». Ва Яҳё а. с.нинг тоати бағоят ва йиғламоғи бениҳоят эрди. Дерларқи, ғоят буқодин ики юзида ики новдондек чуқур хат пайдо бўлуб эрди ва бу фаврда Марям зуафо ғадридин гусл қилур маҳалда Жабраил а. с. ани Исо а. с.га башорат берди. Баъзи дебдурлар Исо а. с. тўқуз ойдин сўнгра мутаваллид бўлди. Халойиқ номуносиб сўзлар дедилар. Аммо Исо а. с. ҳамул дам тақаллум қилиб, Тенгри таолонинг бандалиғи ва ўзининг нубувватига ва онаси қоклиғига тонуглук берди ва хотамул-анбиё вужуди муборақиға саллОллоху алайҳи вассалам башорат етқурди. Неҳа вақтким, ўтти, Яҳё а. с. била мусоҳабат қилур эрди. Ул

вактим, Исо а. с. мутаваллид бўлди ва ахбор анга таън килдилар. Бовужуди улки, Тенгри таоло Исо а. с.ни ўткан такаллум билаки мутакаллим килди, бани Исроилнинг ҳам юзи, ҳам кўнгли каролади. Исо а. с.ни ул иш тухмати била муаззаб тутар эрдилар. То иш ул ерга еттиким, Зикриё а. с. ул нопок эл орасидин кочти. Ва алар ковлай бориб, машхурдурким, ул хазрат йигоч шикофига кириб, ул шикоф бутти. Ва аъдо етиб, этокининг учин йигочдин тошкори кўруб, йигоч бошидин арра кўюб Зикриё а. с.ни халок килдилар.

Бу ерда чун сўз дердин, балки дам урардин хома тили лол ва тил хомаси гунг маколдур, авло улким, максудка шуруъ килоли. Яхё а. с. катли бу навъ эрдиким, ул замоннинг подшохининг ёшка етгон харами бор эрди. Бу жихатдинки, чун карибдур, бўлмагайким, подшоҳ яна бировни никоҳига кюргай ва анинг мужиби азли бўлгай. Узга абушкадин жамила кизи бор эрди, подшоҳга таргиб килдиким, ул кизни олгай. Подшоҳ Яхё а. с.дин сўрди эрса, Яхё а. с. дедиким, санга анинг никоҳи раво эрмас. Ул киз била онасига Яхё а. с. адовати пайдо бўлди. Бир кунки подшоҳ маст эрди, ул кизни онаси ороста килиб, анинг қошига йиборди. Сукр галаёни ва шахват тугёнидин анга майл килди. Киз ибо килдиким, агар хожатимни раво килурсен, бу иш бўлур. Сўрдиким, хожатинг недур? Ул бадбахт дедиким, хожатим Яхё а. с. нинг катлидур. Ул зоний бу зония хотири учун Яхё маъсум катлига ризо берди. Дерларки, ул хазрат катл бўлгондин сўнгра, ул ики малъунни ер ютти. Дерларки, бани Исроилнинг ики фасодидин сўнгиси Яхё а. с. катлидур. Бу амр вукуъидин сўнгра, Тенгри таоло форс мулукидин Хурвис отлигни бани Исроилга истило бердиким, ул ики пайгамбар кони эвази аларни андок катл килдиким, яхуддин киши оз колди. Дерларки, Байтул-мукаддас дарвозасидин Хурвис ўрдусигача рудхонадек кон окти. Алкисса, Зикриё а. с. дори фанодин бу навъ до-ри бакога бордилар.

Р у б о и й:

Айлаб Зикриё била Яхёни қабул,
Килди икисини олам ахлига расул.
Не килдилар эркин бу ато бирла ўгул
Ким, элга яна аларни килди мактул.

Исо бинни Марям салавотуллоҳи алайх бир кавл била учунчи улул-азмдур, бир кавл била бешинчи. Андин бурунги анбиёдин сўнгра ҳеч қойсига қирк ёшдин бурун нубувват етмади. Ва лекин ул модарзод пайгамбар эрди. Ва анинг валодатидин бурун Тенгри таоло Марямга анинг вужуди башоратин бердиким, «Из колатил-малоикату ё Маряму инналлоҳа юбаш-шируки бикалиматен минху исмихул масиху Исабну Маряма ва жийхан фит-дунё вал охирати ва минал-муқаррабийна ва юкаллимунноса фил маҳди ва қахлан». Масих лафзида сўз кўптур. Ва Исо а. с. валодатида ҳам сўз кўптур. Тафосир кутубидин маълум бўлур. Чун бу мухтасарда матлуб ихтисордур, яъни муаррихона ишларга қонеъ бўлулди. Муқаррардурким, Исо а. с.нинг отаси йўктур. Марям Жабраил а. с.нинг нафаси била хомила бўлди ва тугурур вақтда Байтуллиукаддасдин чиқиб, қирогрок ерда вазъ ҳамл килди. Халк бу ишни билиб, бориб ул ҳолни кўруб, ирик сўзлар айта бошладилар. Юқорирок битилибдурким, Исо а. с. не навъ жавоблар берди. Андин сўнг эл мутаажжиб бўлуб, сўз айта олмай қайтдилар. Марямни Хабиб Нажжорким, ҳолазодаси эрди, Исо а. с. била олиб Дамашкка борди. Исо а. с. ўн уч ёшагунча анда маош килди. Анда ҳам Исо а. с.нинг муъжизоти кўб зоҳир бўлди.

Чун «Инжил» Исо а. с.га нозил бўлди, учовда Байтул-мукаддаска келиб, Исо а. с. амри илохи била халкни Тенгри таоло амрига далолат килди. Халк ани такзиб килиб, номуносиб сўзлар дедилар. Аммо хавориюн иймон келтуруб, динини қабул килдилар. Ва алар ўн ики киши эрдилар, пешалари бўёгчилик эрди. Исо а. с.дин муъжиза тиладилар, борчанинг бўяр рахтларин олиб, Нил кўйига солди. Алар изтироб килгочким, булардан хар бирини бир ранг буюрубдурлар. Исо а. с. Мил кўйига илик урди. Хар бириниким чикарди, иёси тилагон ранг била чикти. Бу муъжиза ул элга мужиби имон бўлди. Ул нимаким Исо а. с. элига амр килди тавҳид эрди. Ва хотамун-нубувватнинг рисолатига иқрор килдиким, Колаллоху таоло: «ва из кола Исабну Маряма ё бани исроила инни расулуллохи илайкум мусаддикан лимо байна ядаёя минат-тавроти ва мубашширан бирасулин яъти мин баъдисмуху Ахмаду». Саллаллоху алайхи ва ало олихи вассалам.

Исо а. с. олам ва дунё асбобидин ҳеч нима қабул килмади ва алардин бир пашмина тўн ва бўрк ва бир асоси бор эрди. Бир ерда бўлмас эрди, дойим сайрда эрди. Рўзи учун касб килмади, хар не етти конёъ бўлди. Чун хавориюн илтимос килдиларким, бир маркаб мингилким, яёглик машаккати камрок бўлгай. Анинг емак ва мухофазати ташвишидин рад килди. Ва илтимос килдиларким, бир маскан ясоли. Қабул килмади. Ва зуафо била ихтилоти йўк эрди. Бу жихатлардин мужаррадликка машхур бўлди. Ва сойир муъжизотидин бири хуффошдурким, болчигдин ул хайъот била ясаб, нафасин анга сурди. Ва ул нафасдин рух топиб учти ва эмдигача бор. Ва бири акмах ва бири абрас иложидурким, Колаллоху таоло, «Анни ахлуку лакўм минат-тийни кахийатут-тайри фаанфуху фихи фаякуну тайран биизниллохи ва убриул-акмаха вал-абраса» яна улким, дуо била ўлукни тиргуздик, «ва ухйил мавта биизниллохи». Ва ул ўлукким, Исо а. с. тиргузди ибнал-аъжуз эрди. Ва шархи будурким, сайр асносида бир ажузани кўрдиким, бир кабр бошида муассир навха киладур, кайфиятин сўрди. Дедиким, ўғлум эрди ва фирокидин бетокатмисн. Исо а. с. дуо килиб, Тенгри таоло ул маййитка рух киюрди ва ўлук тирилгач, илтимос килдиким, дуо килгайки, бурунги холига боргай ва мавт сакароти бўлмагай. Рухуллох дуоסי била бу иш хам бўлди ва рухуллох андин ўтти. Насибин вилоятида малике бор эрди; мутакаббир ва жабборсифат. Исо а. с. анинг даъватига маъмур бўлуб, ул ён азимат килди ва хавориюнга дедиким, сиздин ким бўлгайким шу шахрга кириб нидо килгайким, Исо ру-хуллохким, Тенгри таолонинг расулидур ва калимасидур келибдур. Яъкуб ва Тумон ва Шамъун отлиг учов дедиларким, биз борурбиз. Исо а. с. хар кайси бобида бир сўз айтти, даги аларни узотти. Алардин икиси илгорирак, Шамъун кейинрак юруб, Яъкуб ул нидони килди. Эл хужум килгоч, ёнди. Тумон иқрор килди. Ани подшоҳ қошига элттилар. Хамул сўзни айтти. Ул золим буюрдиким, Тумоннинг иликин, аёгин кесиби, кўзларин хам кўр килдилар. Ул сўзидин кайтмади. Бу махалда Шамъун етиб, маликдин Тумон илзомига сўз истидъосини килди, рухсат топти. Доғи Тумондин сўрдиким, бу кишиким, сен анинг рисолатига иқрор киласен ҳеч хужжати ва муъжиза борму? Тумон дедиким, бор! Шамъун дедиким, айт! Ул дедиким, акмах ва абрасни илож килур. Шамъун дедиким, бу ишта атиббо шариктурлар. Тумон дедиким, киши окшом не емиш бўлса ва уйида не нима бўлса, айтур. Шамъун дедиким, имкони сихр борким, жин тасхири килмиш бўлган. Тумон дедиким, болчигдин куш ясаб, дамини анга хуруб, рух танига киюрур. Шамъун дедиким, имкони сихр бор. Тумон дедиким, ўлукни тиргузур. Шамъун малик сори бокиб айтти: мунинг имтихони осондур ва имкони йўктурким, бу иш Тенгри таолодин ё пайгамбаридин келур. Агар ҳукм килсангким, ул киши ҳозир бўлса, филхол маълум бўлур. Исо а. с.ни ҳозир килдилар, Тумон айткон сўзларни сўрдилар. Борчасига иқрор килди. Шамъун

деди: агар бу сўзларинг чиндур, аввал рафикингдин бошла. Исо а. с. Тумоннинг кесилган аъзосини ўрунларига кўюб, дуо килди. Тенгри таоло борчасин буткорди. Ва хуффош бобида такозо килдилар, ясади. Салмони форсии раҳматуллоҳи илайҳдин манкулдурким, ул вилоятнинг жамиъ муразосини дедиларким, саҳих килмок керак. Анинг дуоси била борча сихат топтилар. Борчадин, сўнгра ўлукни тиргузмак илтимос килдилар. Исо а. с. дедиким, хар ўлукниким сиз десангиз дуо килай. Иттифок била Сом бинни Нухни дедилар. Тиргузким, мавтидин тўрт минг нил ўтуб эрди, анинг кабри бошига бориб, Исо а. с. ики ракъат намоз килиб, дуо килди. Кабр шак бўлуб, бир ок соч-соколлик киши чикти ва элга дедиким, Исо руҳуллох пайгамбардур, анинг динага киринг ва ганимат тутунг. Исо а. с. андин сўрдиким, сизинг замонда соч окармас эрмиш. Сом дедиким, санинг дуонг уни еткоч, киёмат бўлгон соғиниб, ваҳму хавфдин булар окарди. Чун Сом элга пандлар деди, Исо а. с. дуоси била аввалги холига борди ва шак бўлгон ер бир-бирига кўшулди. Ҳам Салмони форсиндин манкулдурким, бу муъжизани кўруб, ул мулк эли мусулмон бўлдилар. Баъзи сафардаким, емакка танглик воқеъ эрди. Бани Исроил хавориюнга дедиларким, агар Исо а. с. дуо килсаким, Тенгри таоло осмондин моида йиборсаким, таомга мухтож ҳалойик андин баҳра топсалар ва Тенгри таоло вужуди ва Исо а. с. нубувватиға таинлари бўлса, деб хавориюн арз килгоч, Исо а. с. тазарруъ килиб дедиким, «раббано анзил айлайна моидатан минас-самои тақуну лано иъйдан ли аввалина ва охирина ва оятан минка варзукно ва анта хай-рур-розикин».

Чун Исо а. с. муножотдин фориғ бўлди, ваҳй келдиким, биз моида йиборали ва лек хар киши куфрони неъмат килса, коттик азобға гирифтор бўлур. Исо а. с. бу сўзни айткоч, борча дедиларким, хар киши куфрони неъмат килса, Тенгри таоло анга азоб насиб килгай. Бу сўздин сўнгра Тенгри таоло осмондин моида йиборди. Хоннинг азамат зебу зийнати айтмок ҳожат эмаски, Тенгри таоло хони эрди. Аммо моида нон ва бирён болиғ эрди. Таъм ва мазаси ҳам таърифдин тошқари эрди. Ва анда туз ва сабзалар бор эрди. Бир ривоят била уч кун ва бир ривоят била қирқ кун бу моида инди. Кавм хар неча едилар кам бўлмади. Жамиъ муразо ани егоч, сихат топтилар. Сабох инар эрди, окшомғача эл андин ерлар эрди. Окшом яна осмонға борур эрди. Кавмдин баъзи инкорға тил узоттиким, бу моида осмондин келмайдур, Исо сихр киладур.

Хар ойнаким, Тенгри таоло куфрони неъмат килгонларни ваъда килгон дастур бўла тўнгуз шакли била ўрунларидин кўпордн. Ва ул тўнгузлар мазбалаларда кезиб, нажосатларни ерлар эрдилар.

Исо а. с. қошиға кириб, кўзларидин ёш бориб, бошларин ерга кўярлар эрди. То уч кундин сўнгра акабах вужух била адам йўлиға азимат килдилар. «Наузу бил-лоҳи мин шурўри анфусино ва мин саййиоти аъмоли-но». Ва Исо а. с.нинг муъжизоти бағоят гариб ва кўптур. Масбуток кутубдин маълум килса бўлур. Ва Исо а. с. осмонға чикканида мухталиф ривоёт кўптур. Аммо соҳиби «Ғузида» мундок дебдурким, ул жамоат яҳуд ва масх бўлгондин сўнгра, Исо а. с. ёниб Байтул-муқаддаска келди. Ва ул гумроҳларининг бақияси Исо а. с.нинг қатлиға қасд килдилар. Ва Исо а. с. махфий бўлди. Ва Шамъуини туттилар ва ул Исо а. с. ни кўргузмади. Парвис ўтуз дирам ришват олиб, Исо а. с.ни кўргузди. Жухудлар тиладиларки, Исо а. с.ни тутуб ўлтурганлар. Тенгри та.оло аларнинг кўзидин ани ғойиб килиб, осмонға чикорди. Ва Ийшуъниким, жухудларнинг улуги эрди, Исо а. с.нинг шакли била муташаккил бўлдн. Жухудлар ани Исо а. с. соғиниб туттилар қатл килголи. Ул хар неча фарёд килдиким, мен Ийшуъмен, фойда бермади. Ани бир дарахтқа бўғзидин остилар. Ва ети кеча-кундуз осиглиғ қолди. Марям ани Исо а. с. соғиниб, хар кеча келиб азо расми била йиглар эрди. Исо а. с.ни

Марям хотири итминоин учун етинчи кеча осмондин ерга нозил килдиким, Марям қошига келди. Марямга ахволдин хабардор килиб, Марямнинг хотири қарор топти. Яҳё а. с, яна ети киши хавориюндин Исо а. с.ни кўрдилар. Ва Исо а. с. аларга пандлар ва насиҳатлар килди ва ҳар қойсини бир ишга таъйин килди, тоғласи бу қариб ишни ошқоро килдилар эрса, яҳуд борчани тақзиб килиб зиндонга маҳбус килдилар. Аммо Ийшуъни йўқлагонлар бориб, осилгон кишини кўрдилар. Ийшуъ эрдиким, ани Тенгри таоло асли суратига элтиб эрди. Бу ишдин кўб эл Исо а. с. динин ихтиёр килдилар. Ва Марямни баъзи дебдурларким, Исо а. с. дафъндин бурун оламдин кетти. Баъзи дебдурларким Исо а. с. олти йилдин сўнгра, ҳар тақдир била ваъда будурким, Маҳди зухур қилгондин сўнгра Исо а. с. осмондин ингой, доғи Дажжолни ҳалок килиб, сойир милал аҳлин хотамун-нубувва миллатига далолат қилгай. Саллаллоху алайҳи вассалам, вал илму индаллоху.

Исо а. с.ни дебдурларким, ўн ети ёшида мабъус бўлди. Ўтуз учида осмонга чиқти.

Р у б о и й:

Исоки, мужаррад айлади Тенгри ани,
Кўк рағзаси бўлди қилвагоҳу қамани.
Ер аҳлидин улқи бўлса тажрид қани,
Тоғ эрмас, ағар кўк ўлса анинг ватани.

Асқоби қаҳф ва баъзи мутақаррик аҳбор. Асқоби қаҳф бобида ихтилоф кўптур. Мухтасари будурким, Юнон мулкида Аксус шаҳрида Дакёнус отлиғ малиқи қаббор бор эрмишқим, баъзи дебдурларким, бутпараст эрмиш, баъзи дебдурларким, улухийят даъвоси қилур эрмиш. Ва бу асқоби қаҳф, баъзи қивоят била анинг мулқиминг бузургзодалари ва баъзи қивоят била, наввоб ва мулозимлари эрмишлар ва муслмон экандурлар. Ва ёшурун Тенгри таоло ибодатин қилур эрмишлар. Дакёнус бу ҳолдин воқиф бўлуб, аларнинг қатли қикрида бўлмиш. Алар бу ҳолни маълум қилиб, иттифок била шаҳрларидин қочиб, эл йўлуқур ваҳмидин йўлсиз биёбонга тушуб, бир қўйқига учраб, қўйқи дағи аларга қўшулуб, қўйқининг ити ҳам эришиб, Рақим отлиғ қорға қирмишлар. Ва аларнинг ададида тараддуд бор, наҷуққим «Қаломи мажид» қабар берурким, «саяқулуна салосатун қобиухум қалбуҳум ва яқ.улуна қамсатун содисухум қалбуҳум ражман қилгайқи ва яқулуна сабъатун ва соминухум қалбуҳум» . Қар тақдир била қорға қириб, ҳақ таоло уйқуни аларга муставлий қилиб, алар уч юз тўқуз йил уюмишлар. «Қалоса миатин синийна ваздоду тисъан»

Ва муддатда Дакёнус қажаннамга бориб, неча подшоҳ қардиш бўлуб, бир ҳудопараст одил подшоҳга салтанат етқондақим, асқоби қаҳф Тенгри таоло амри била уйғонмишлар. Ва Тамлиҳи деған рақикларин шаҳрга йибормишлар, таом қелтурур учун. Ул рақик қордин қикиб, йўллар вазъин ўзғача қўруб, шаҳрга етқоч, шаҳр авзоин мутағаййир топиб, қалойикни Исо а. с. динида қаҳм қилиб мутағаййир бўлмиш. Биззарура таом олурга дирам қикарғоч, — Дакёнус қанжин топибсен, — деб они тутмишлар. Кўб моқародин сўнгра подшоҳ қошига элтмишлар. Ул қақари мутағаййир ўзга подшоҳ, ўзга қалқ қўруб қайрон эрмиш. Подшоҳ анинг ҳоли қайқиятин сўруб, ул қақирқи қар сўзқи ўз ҳолидин аларга айтур ақаб қўрунуб, подшоҳ уламони йигиб, бу бобда қилу қол қилиб, сўнгра алар демишларқим, Исо а. с. «Инқил»да бу ҳолдин қабар берибдурким, Дакёнус қоғида бу қамоат қорға қириб, уч юз тўқуз йил ўтуб, санинғ

замонингда уйгонгойлар. Подшоҳ бу ишдин масрур бўлуб, Тамлихога йўл бошлатиб, асхоби қахф сихатиға мушарраф бўлуб, алар таом еб, Тенгри таолоға саждоти шукр килиб, яна уйкуға бормишлар. Уюклагоч, рухларин қобизи арвоҳ ҳақ таоло амри била қабз қилмиш. Ва ул подшоҳ гор эшикида улуг гунбад ясаб, аларни мадфун килиб, ул ер халойикка азим маъбад бўлмиш.

Бу қисса таворих, балки тафосирда мабсут бор. Ва ахборнинг ғарибидин бири будур. Ва Ханталатус-содикнинг хидояти хозур элиғаким, Яман мулкидиндур, асхоби қахфдин сўнгра дейилибдур, ул пайғамбаридурким, ҳақ таоло диниға ул қавми даъват қилдилар. Ва ул бединлар аларни тақзиб килиб, ўлтурдилар. Тенгри таоло Бобил подшоҳин ул элға муставлий қилдиким, барчасин ҳалок қилди. Ва Исо а. с.дин сексон йилға дегинча диниға ҳалал йўқ эрди.

Юнус жуҳуд азим риёзатлар била элни муътақид килиб, Исо а. с. қошидин келадурмен ва баъзи Тенгри Исонинг ўғлидур дебдурлар, баъзн Исо Тенгрининг ўғлидур дебдурлар ва баъзи шарикдур, деб излол қилди ва ўзин хилватда зиҳ қилди. Ва ул нодон қавм уч фирка бўлуб, ул шумнинг сўзи била амал қилдилар ва қўб вақтқа дегинча бу ботил миллат эл орасида бор эрди. Ва «ихталафаалзобу байнаҳўм» аларнинг шаънидадур.

Р у б о и й:

Қахф ахлиға юзланди аду қайғуси,
Бўлдилар ағарчи горнинг махбуси.
Чун кўзлари эрди уйқунинг мамлуси,
Ҳам оқибат этти адам ул уйқуси.

Жирҷис а. с. – Шом вилоятининг Фаластин шаҳрида муқим эрди. Баъзи дебдурларким, Исо а. с.нинг ҳавориюнининг шогирди эрди ва қўб мол ва ғанимати бор эрди. Ва ул вақтда мулк подшоҳи жаббори эрди, бутпараст. Ва бир азим бут олтун ва жавахирдин ясаб, отин Афлук қўюб эрди ва халойикка ул бут ибодатин тақлиф қилур эрди. Харким мутобаат қилмаса, ҳалок қилур эрди. Ва тахтгоҳи Мўсул эрди. Чун анинг замонида зулм ва таадди қўб эрди, Жирҷис а. с. тухфа ва табриқлар мурағаттаб қилиб бордиким, анға пешқаш қилиб, анинг зилли ҳимоятиға ҳалқининг зулмидин эмин бўлғай. Иттифоқо ул етган замон бир улуг ўт ёқиб, ҳалқни Афлук парастиш қилурға тақлиф қилур эрди, қабул қилмагонни ул ўтқа соладур эрди. Жирҷис а. с. бу ҳолни кўруб, ҳақийят ва ғайрати ўти муштаил бўлуб, амволни мустаҳиқларға улошиб, ҳақ таоло амри била ул золими насихат бошлаб, Тенгри таоло убудиятиға далолат қилди. Ул золим дедиким, Афлукка сажда қилсанг, ҳалоссен, йўқ эрса, азоб била ҳалок қилай. Чун бу амр мутааззир эрди, буюрдиким, темир тороғлар била Жирҷис а. с.нинг аъзо ва ранг ва пайин бир-биридин ойириб, темир қозуғни ўтқа солиб қизитиб, бошиға қоктурди ва зиндонға йибориб, чормиҳ қилиб, бир сутунни устиға насб қилди. Ёрим кеча ҳақ таоло бир малакни йибориб, Жирҷис а. с. ни ул сутун остидин чиқориб, баданиға руҳ қиюруб, ани нубувват давлатиға мушарраф қилиб, дедиким, ё Жирҷис, ҳақ таоло санға ҳитоб қилдиким, сабур бўл ва ғам емақим, сени ети йил бу қуффор балосиға ғирифтор қилғумдур. Санға андоқ муъжизот насиб қилғум-дурким, ўзға анбиёға қилмамиш бўлғаймен. Сени яна уч қотла қуффор иликида мактул қилғумдур, яна доғи жон берғумдур. Андин сўнгра ўз дуонг била биҳишти жовидонға қиюрғумдур. Жирҷис а. с. деди: Хар не ҳақ таолодиндур қелса, ҳуштур. Сабоҳ бўлғоч, яна Жирҷис а. с. ул малиқ даргоҳиға борди. Кўруб ҳайрон

келдилар. Яна насихат оғоз килди. Ул бадбахт буюрдиким, Жиржис а. с.нинг бошига арра кўюб ики бўлдилар. Ва сойир жисмини пора-пора килиб, шерхонага элтиб, сибоъ оллига солдилар. Сибоъ анинг пораларин хурмат била асрадилар. Хак таоло яна Жиржис а. с.ни тиргузуб, яна ул бебок боргоҳига ҳозир бўлуб, насихат бунёд килди. Ул дедиким, бу киши сохирдур. Мамлакат сохирларни ҳозир килингким, анга голиб келсунлар. Сохирлар келиб, ики йилон харитадин чикордиларким, ики уй бўлдилар. Ўйлар била шиёр килиб, тухм сочиб, ҳамул замон анинг махсулидин нон пишурдилар. Ул эл шод бўлуб, подшоҳ амр килдиким, агар Жиржиснинг шаклин ит шакли била кила олсангиз, иноятлар килай. Алар бир аёғ сувга афсун ўкуб, Жиржис а. с.га ичурдилар. Ҳеч асар килмади. Саҳара ажзларидин муътариф бўлдилар. Биров дедиким, сиз Жиржис а. с.ни сохир дерсиз, сохир харгиз ўлукни тиргуза олурму? Саҳара дедиларким, йўк. Ул дедиким, биз ўз кўзумиз била кўрдукки, Шом вилоятида бир ажузанинг бир ўйи ўлуб эрди. Ул ажуза Жиржис а. с.га дарди дил килди эрса, Жиржис а. с. асосин бериб, таълим берди. Ул ажуза асони элтиб, ўлгон ўйига ургоч, ўй тирилди. Бу сўздин саҳара Жиржис а. с.га иймон кетурдилар. Ва ул гаддор борчасин ўлтурди. Ва анинг наввобидин бири Жиржис а. с.га дедиким, биз ўлтурур курсиларни андок килсангким, аввалги холларига борса, не десанг килоли. Дуо килди. Ҳамул курук йигочлар дарахтлар бўлдиларким, баъзида гул ва баъзида мева зохир бўлди. Бир котла Жиржие а. с.ни бир темир ун жавфига солиб, нафғ ва гугурд била ул жавфни мамлу килиб, ул ўйни бир улук ўтка солдиларким эриди. Бу аснода оламини зулмат тутуб, андок ёгин ва раъд ва барк бўлдиким, кундузни кечадин фарк килмадилар.

Бир малакка амр бўлди, бу ун суратин олиб ерга урди. Андок садо келдиким, халк йикилиб беҳол бўлдилар.

Ва Жиржис а. с. уй ичидин солим чикиб, яна ул бедавлатлар даъватига машгул бўлди. Бу котла дедиларким, фалон горда салаф мулукидин нечанинг макбараси бор, дуо била аларни тиргузсангки, бизинг била сўзлашсунлар, не десанг килоли. Жиржис а. с. дуо килиб аларни тиргузди. Ва алар Жиржис а. с.дин. дуойи мағфират талабин килдилар. Ва ул ерга аёғ уруб ул тоштин бир чашма пайдо бўлди, аларга гусл буюрди. Дуо килди. Тенгри таоло аларга. мағфирати арзоний тутти ва яна ўз холларига бордилар. Бу котла Жиржис а. с.ни бир ажуза бева уйида банд килдиларким, очлиг азоби била ўлгай. Ул уйда бир сутун бор эрди, бир мевалик азим дарахт бўлди. Ул малъун билиб, ул дарахтни кесиб ва ўйни бузуб, Жиржис а. с.ни купдуруб, кулин уч қисм килиб, сулсин баҳрга, сулсин тоқга, сулсин елга совуртти. Хак таоло елга амр килдиким, ул кулларни йигиб, бир ерда Жиржис а. с. кул ичидин чикти.

Ва ажузанинг бир ўғли бор эрди кўр ва гунг ва қар ва ланг. Жиржис а. с. дуоси била кулоги,, кўзи аввал холига борди. Яна ики узви сихатига ажуза илтимос килди эрса, тонглага ваъда берди. Тонгласи ул Тенгри таолонинг душмани пайгамбарни бутхонага элтиб, ҳукм килдиким, бутка сажда килгай. Ул ҳазрат «Забури»ни бийик ўкуб, ул ланг ва гунгга буюрдиким, бориб бутларга айтким, сизларни Жиржис а. с. тилади. Ул борди ва бу сўзни дегаҳ, бутлар барчаси Жиржис а. с. сори мутаважжих бўлдилар. Пайгамбар аёгини ерга ургоч, борчасин ер ютти. Ва Жиржис а. с. дуо килдиким, худоё, ети йилким ваъда килиб эрдинг бўлди ва куффордин азоблар ҳам вукуъ топти. Эмди куффорни ҳалок қил ва мени ўзунгга восил қил. Филхол бир булут пайдо бўлуб, ўт ёғдуруб жамиъ малаин ўртониб, Жиржис а. с.ни ҳак таоло ўзига восил килди.

Р у б о и й :

Жиржиски, ойини рисолат тузди,
Куфр ахлига кўб мўъжизалар кўргузди.
Не суд агар элни дами тиргузди
Ким, тори хаётин неча котла узди.

Жамоати акбиёки, гайри мурсал эрдилар, аларнинг адади муйаян эрмас. Баъзи юз йигирми тўрт минг ва баъзи секиз минг дебдурлар. Ва булардин уч юз ўн учни мурсал дебдурлар. Ва мурсал улдурким, анга ваҳй Жабраил воситаси била келмиш бўлгай. Ва гайри мурсал улким, илхом ё туш била элга рахнамойлик килгай. Улулазм улдурким, бовужуди бу ики шак анга китоби осмоний келмиш бўлгай ва бошка шариати бўлгай. Ва хотим улким, бовужуди бу ики шак ондин сўнгра пайгамбар бўлмагайким, бу сифат хазрати Мухаммад арабий саллаллоху алайхи ва ало олихи ва асхобиhi васалламга мусалламдур, бас.

Чун мурсал адади ва асомийси гайри машохир маълум эрмас, гайри мурсалга ҳам не еткай. Аммо мурсални муътабар кутубдин улча мумкиндур саъй ва ихтиёт килиб зикр килилди. Ва гайри мурсал адади ва асомийсининг отларин битиб, аксар, балки борча кутубда тахкик бўлмагон жихатидин нукта ҳам кўймайдурлар ва вокойеъ ва холотларини битмайдурлар. Муборак исмларин галат битмак беадаблиг ва ахволларин шарх килмок бефойда кўрунган учун, алар зикридин калам журдаи хуш хиромидин инон тортилди. Ва баъзи Жиржис а. с. гайри мурсал дебдурлар, валлоху аълам.

Шеър:

Чун муътабар анбиё сўзи топти савод,
Уббод ила хикмат ахлин эттук бунёд.

Барсисой Обид. Ибн Аббос разийаллоху анхумодин манкулдурким, Исо а. с. рафъидин сўнгра бани Исроил кавмида Барсисой Обид етмиш йил ибодат килди, халк анга мурид ва муътакид бўлдилар. Шайтон ахли салох суратида анинг савмаасига келиб, ибодатга машгул бўлди. Ва бир йилгача ўзин андок тоатка машгул кўргуздиким, Барсисой анинг ихтилотига майл кўргузди. Ва гуфту шунуфтдин ораларида сухбати гарм бўлди. Чун Хариф сода киши эрди ва хариф музаввир Обидка бир исм ўргатдиким, беморларга мужиби шифодур. Неча кишининг бўғзини бўғуб, Обидка нишон берди. Обид мулк подшохининг кизига бу хол даст берди. Ани дуоси била дафъ бўлуб, мужиби шухрат бўлди, то улки, ул Обид савмаасига келтурдилар. Ва Обид хилватига кияруб, чун кулли эътимодлари бор эрди, ёткуруб кеттилар.

Обид муолажага машгул бўлгонда кўрмаган шакл била кўруб, шайтон васваса оғоз килди. Чун хилват эмин ер эрди ва жамила беҳуш, Обид масх фурсатни танيمات тутти. Матлуби муяссар бўлгондин сўнгра рафики хозир бўлуб дедиким, ажаб иш килдинг. Ва ул ҳам иши кабохатига вокиф бўлуб, илож тилади. Дедиким, иложи катлдурким, бир ерда мадфун бўлган. То айтилгойким, уйдин чикибдур, билмасбиз каён борибдур. Рафик рахнамойлиги била бу иш ҳам вужуд тутти. Андин сўнгра рафик подшохга бу ишдин хабар бериб, вокеъ эркони зохир бўлгондин сўнгра, Обидни азоб била катл хукми килди. Ва ул холда яна рафики ўз шайтанатин зохир килиб деди: бу балодин сени халос килай, агар манга сажда килсанг. Ул нодон бу ишни ҳам килди, даги мактул бўлди.

Шеър:

Бўлма мағрур кўх ёки асо,
Кўрки, не ишга колди Барсисо.

(Асхоби Ухдуд кол Оллоху таоло) кутила асхобул-ухдуд». Бу кавм Яман мулкидин эрдилар ва Зулвос буларнинг подшохи эрди. Ва борча бутпараст ва гумрох эрдилар. Ва Зулвоснинг бир вазири бор эрди, сохир. Каригон чоғда бир йигитни тарбият килибким, коим макоми килгай. Ва ул йигит бир кун бир йўл била борадур эрди, бир ун эшиттики, биров Тенгри таолонинг отин тутуб тазарруъ килур. Ул от кўнглига хуш келиб, мутаассир бўлуб, тилаб, ул мутакаллимни топти. Бир обид эрди. Ер остида кавм кўркунчидин ибодат киладур эрди. Анинг хидматига машгул бўлуб, бот ҳақ таолодин олин маротиб топти. Андоки, бир йўлида жамъи бир аждаҳо кўркунчидин мутаваккиф эрдилар ва музтариб. Ул илгари бориб, аждаҳонинг учасига иликин силаб аждаҳо йўлдин кироқ чикиб, халқ ўтти. Ва бу навъ хаворик андин кўб зохир бўлди. Подшохнинг бир хожибининг кўзи рамад шиддатидин кўр бўлуб, ҳечким илож килаолмайдур эрди, ул дуо била бино килди. Ва хожиб дин қабул килди. Подшох андин кўзи ёругоч, сабабин сўрди эрса, улча воқеъ эрди, деди. Подшох ул йигитни ва обидни тилаб, миллатларин билгандин сўнгра ислом динидин ружуъ буюрди. Чун қабул тушмади, хожиб била обидни ўлтуруб, йигитни болиғлар туъмаси учун баҳрга йиборди. Тенгиз кирогинда анинг дуоси мулозимларини сувга солиб, йигит солим келди ва подшохни динга давъат килди. Бу котла тоғдин ташласунлар, деб йиборди ҳам ел ани элтганларни тоғдин учуруб, ул солим келди. Сўнгра ани дорға осиб, сангборон ва тирборон килдилар, қор килмади ва дори остига ўт ёқдилар, асар килмади. Чун йигитга ҳақ таоло висоли иштиёки голиб эрди, дедиким, Тенгри таоло отин тутуб ўқ отинг. Алар ул дегондек килдилар. Ўқ анга ўтти ва ҳалок бўлди.

Чун обид йигит ўлди, ҳақ таоло амри била асхоби Ухдуд ҳам куйдилар.

Ш е ъ р:

Мағар ох урди ул дам Обиди пок
Ки, яқсар куйдилар ул кавми бебок.

Шамсун Обид. Манкулдурким, Исо а. с. била ҳазрат Рисолат саллаллоху алайҳи васаллам замонларининг орасида араб ичра обиди эрдиким, кеча иши ибодат эрди. Тенгри таоло анга анча қуч бериб эрдиким, мушриклар неча анга қасд килдилар, зафар топаолмадилар. Окибат хотунин кавм шоҳи ўз никоҳи ваъдаси била фириб бериб, ул бевафо ваъда килдиким, ани гирифтор килган.

Ш е ъ р:

Даъ зикрахунна миммо лахунна вафоу,
Рихуссабо ваваъди савоу.

Бир кеча обид уюгонда гаддора анинг илик-аёгин берк таноб била боғлаб, Шамсун уйгонди ва зўр килди ва ипларни узуб, ул ишнинг килгон сабабин сўрди эрса, дедиким, санинг зўрунгни имтиҳон килдим. Аҳли шарик муни билғоч, занжир йибордилар. Бу котла занжир била боғлади. Обид яна уйғониб, зўр килиб, занжир доғи узулди. Окибат макр ва фусун била обид содадин иқроқ тортти ва ҳам анинг маҳосини тукидин бош бормогин боғлаб, қуффорға топшурди. Алар Шамсунни банд килиб, подшох қошига

элтилар. Подшоҳ бир манзарада ўлтуруб эрдиким, ани тўрт сутун устига насб килдилар. Обидка катл ҳукми килдилар. Обид дуо килди эрса, бир кушқа амр бўлдиким, ани ул банддин халос килиб, буюрдиким, ул сутунларни тортиб, ул иморатни йикти. Ва подшоҳ ва хоси халок бўлдилар.

Манкулдурким, Шамсун минг ой ибодат килди. Ва аҳли Тафсир дебдурларким, каломуллоҳда «Лайлатул-кадри хайрўн мин алфи шаҳр» дин максуд ул минг ойдур. Обидка бу маҳлас воқеъ бўлуб, хотунин талок килди.

Ш е ъ р:

Улдурур Обиди алал-итлок-

Ки, жаҳоннинг ажузин этти талок.

Жарих Роҳиб. Ибн Аббос разиналлоҳу анҳудин манкулдурким, Жарих отлиг ҳам Исо а. с. Замонидин сўнгра бир обид йигит пайдо бўлдиким, ўн уч ёшидин ибодатка машғул бўлди. Ва анинг каромат ва хаворик одоти кўб машхур эрди. Ва аҳли ширк доим анинг ийзосига, балки дафъига макрлар килур эрди.

Ва Жарихнинг онаси бор эрди-солихан обида. Хар кун бир котла Жарих учун таом келтурур эрди. Бир кун таом келтуруб, савмаа эшикин кокти. Чун Жарих намозга машғул эрди, эшик очарга кечрак келиб, онаси малул бўлуб, дуо килдиким, «Ароқаллоҳулву-жухал мувмисот» . Яъни Тенгри таоло санга зония хотунларнинг юзин Кўргузсун. Ва онасининг бу дуоסי мустажоб бўлуб, жамъики анинг касдида эрдилар, бир зонияни мол ваъдаси била фирифта килиб, Жарихнинг савмаасига раҳнамолиг килдилар. Ва ул зония Жарихка ўз зиноси била тухмат килди. Ва ул ашрор Жарихнинг бўйнига ип такиб, маликлари қошига элтиб, малик Жарихка катл ҳукми килди. Онаси эшитиб, малик суҳбатига бориб дедиким, ўғлумнинг, бу тухматдин поклигига гувоҳим бор, балки манинг дуом жихатидин бу балога учрабдур. Малик дедиким, гувоҳинг кимдур? Солиха ул зонияни тилаб, илик қорнига кўюб муножотдин сўнгра қориндоги тифлни қорлогоч, тифл лаббайк, деб жавоб берди. Солиха сўрдиким, санинг отанг кимдур? Тифл дедиким, фалон кўйчи. Уч котла савол бу эрди ва жавоб бу. Бу ажиб ҳолдин борча мутаажжуб бўлуб, Жарихка узр кўлди.

Деларки, тифл тукконда ҳам аҳли фасод бу тухматни оғоз килдилар. Уч кунлук тифл яна ҳамул айтқон сўзин айтти. Ва Жарихни ҳақ таоло ул балодин қутқорди.

Ш е ъ р:

Хар кимсаки, пок эса дағодин,

Тенгри ани асрасун балодин.

Ҳукамо зикри. Чун Лукмоннинг ҳикмати ва нубуввати орасида ихтилофдур. Ва аксар эл ани набий дебдурлар. Анбиё зумрасида битилди ва ҳукамо орасида ҳам мазкур қилилди. Ва андин бир-ики сўз била мазкур қилинур. Ул дебдурки, борча юқни торттим, бурқдин оғирроқ. юқ кўрмадим ва борча лаззатни тоттим, офиятдин қучуқроқ шарбат тотмадим, хушхўй ётларга қаробатдур ва бадхўй қаробатларга ёт. Андин сўрдиларким, не нимадурким, фойдаси борча ҳалойикка теяр? Дедиким, ёмонларнинг йўқлуги. Ва анинг умри юқори битилибдур.

Ш е ъ р:

Ёшинг Лукмондин ар худ бўлмаса кам,
Чу боргунгдур борур дамдур хамул дам.

Фишогурс ҳаким. Лукмони ҳакимнинг шогирдидур. Баъзи дебдурлар, Гуштосб замонида эрди. Муסיкий илми анинг возеъидур. Андин бурун бу фанни тадвин килгон киши маълум эмас. Ва соз хам анинг мухтариъидур ва камолда таърифдин мустағний. Анинг сўзларидиндурким, киши ўз мадхин деса, чин доғи бўлса, нописанддур ва ўтконлар била онт ичмак ёлгон нишонасидур ва мусибатка сабр килмок шамотат килгучининг мусибати.

Ш е ъ р:
Андаки соз сафар ўлди анга,
Созлари навхагар ўлди анга.

Жомосб ҳаким. Гуштасбнинг кардошидур ва Лукмоннинг шогирди эрди. Нужум илмида гариб аҳкоми бор. Ўз замонидин сўнгра уч минг йилгача келур ишларни ҳукм килибдур. Ва анинг сўзларидиндурким, каримнинг ёмонрок хислати ўз илмининг тарки ва лаимнинг яхширок хислати ўз илмининг тарки. Ва анинг мадфани Форс вилоятидадур.

Ш е ъ р:
Кишига бўлса кўкка чикмок фан,
Не асиг, кўрса окибат мадфан.

Букрот ҳаким Фишогурснинг шогирдидур. Ва Бахман чоғида эрди ва тибб илмида мохир эрди ва тасонифи бор. Ва фусули Букрот ул жумладиндурким, атиббо қошида бағоят муътабардур. Ул дебдурким, умр кискадур, иш узун. Окил улдурким, бу киска умрни бир нимага сарф килгайким, заруратрокдур, яъни охират маслаҳати ва Тенгри таоло ризоси.

Ш е ъ р:
Кишики килди амал Тенгрининг ризоси била,
Хак этти охиратин кому муддаоси била.

Букротис ҳаким. Букротис Букрот шогирдларидиндур. Анинг сўзларидиндурким, шариф илм кўнгулда қарор тутмас, таҳсис нималар кўнгулдин чикмас. Яхши сўз кўнгулни ёрутур ва яхши хат кўзнинг неъмат арусидурким, анинг маҳри шукрдур. Ва озким пойдор бўлгай кўбдин яхшироки нопойдор бўлгай.

Ш е ъ р:
Бировким пойдор ўлгай эрур ҳак,
Анинг гайри эрур маъдуми мутлак.

Сукрот ҳаким Букротиснинг шогирдидур ва Хумой бинти Бахман замонида эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, нодонга тавозуъ килмок ханзалга сув бермакдурким, неча кўп ичса, талхрок бўлур. Саъй ишиким, ўз еринда бўлмагай, килур ишда кохиллиддин ёмонрокдур ва душман била машварат килиб ва душманлигин билса бўлурким, не поядадур.

Ш е ъ р:

Чекса душман сенинг салохингга тил,
Махзи афсод бўлгусидур бил.

Афлотун ҳаким Сукротнинг шогирдидур. Ва Дороб замонида зухур килди ва Искандари Румийга мусохиб бўлди. Ва ҳаками олихи эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, подшоҳга чоғир ичмак ҳаромдур, невчунким, ул мулк ва раийятнинг нигоҳбонидур. Нигоҳбонким, анга нигоҳбон керак бўлгай, яхши бўлмагай. Муфлиски, ўзин ганий туткай диҳамдекдурким ўзин семиз кўргузгай. Жуд тиламан бермакдур, невчунки, тилаб берган тилаганнинг мукофотидур.

Шеър:

Тиламай жуд кил сахий эрсанг,
Тиламак муздидур тилаб берсанг.

Аристотелис ҳаким Афлотуннинг шогирдидур, Искандарнинг вазири эрди. Анинг сўзларидин будурким, подшоҳ улуг рудга ўхшар ва атбон ариглагаким, ул руддин айрилдиларким, ул руд сунига ҳар ҳол бўлса, аригларга ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук; Ул ачиг бўлса, булар ачиг; Ул соф бўлса, булар соф; Ул лой бўлса, булар лой. Пас, подшоҳга вожибдур – гоят ҳикмат ва эътидол била маош килмок, то ҳайл ва ҳашами анга мутобаат килгайлар.

Ш е ъ р:

Шох дарё ва халк эрур анҳор,
Икисининг суйига бир маза бор.

Балинос ҳаким Аристотелисининг шогирдидур. Искандария минораси тилисминиким, фаранг аҳли килгон, анда кўрунур эрди, Балинос ясаб эрди. Ва анинг сўзларидиндурким, подшоҳ керакким, борча элдин нима олгай, аммо эътидол била, то мулк барқарор бўлгай. Йўкки, борчага нима бергай беъътидоллик била, то мулк бузулгай.

Ш е ъ р:

Чу шах оз олса бўлгай мулк обод,
Чу кўб берди, бўлур юз мулк барбод,

-яъни кўб берса, кўб олмоғ лозимдур.

Жолинус ҳаким Балиноснинг шогирдидур. Ва анинг сўзларидиндурким, андух жон беморлигидур. Беморким, иштаҳаси бўлгай, ул тандурустдин яхшироқдурким, иштаҳаси бўлмагайким, анга сихат ортар ва мунга ранж.

Ш е ъ р:

Бемори муштахийга саломат нишонидур,
Чун тандуруст муштахий эрмас, зиёнидур.

Батлимус Ҳаким Жолинус шогирдидур. Ва анинг сўзларидин буқим, қобилнинг саодати

будурким, фаҳим бўлгай. Некбахт улдурким, эл холидин панд олгай ва бадбахт улким, анинг холидин эл панд олгайлар.

Ш е ъ р:
Улус афъолидин сен бўл баруманд,
Йўк улким, олгай афъолингдин эл панд.

Содик Нўширавони одил замонида эрди. Ва Нўширавонга насихатнома битибдур. Бу муфрид сўз анинг сўзларидиндурким, шох ва гадога фойдаси омдур. «Ло тўкул таоман ва фи мёъдатика таомўн».

Ш е ъ р:
Зарари борча элга ом ўлган,
Ким таом устида таом ўлгай.

Бузуржмехр Нўширавони одилнинг вазири эрди. Анинг ўзларидиндурким, устодимдин сўрдимким, йигитликда не килмок яхши ва қарилигда не килмок яхши? Дедиким, – йигитликда илм қасб килмок ва қарилигда ани амалга келтурмак яхшидур.

Ш е ъ р:
Йигитлигда йиг илмнинг маҳзани,
Қарилиг чоғи қарж қилгил ани.